

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

На правах рукописи

САПАЕВА СОХИБА

**Алишер Навоий хаёти ва ижоди масалалари хорижий
олимлар талқинида**

ДИССЕРТАЦИЯ

на соискание степени магистра филологии

Специальность:5А-120102

Лингвистика (английский язык)

Работа рассмотрена и
допускается к защите.
Зав. Кафедрой, к.ф.н., доцент
Галиева М. Р
“ ___ “ _____ 2014 г.

Научный руководитель:
доктор филологических
наук, профессор ЖУРАЕВ .Б

ТАШКЕНТ-2014

МУНДАРИЖА

| | |
|--|---------|
| Кириш | 4-15 |
| 1-боб. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди масалалари | |
| хорижий олимлар талқинида..... | 16 |
| 1.1. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида | 16-20 |
| 1.2. Эдвард Олворд асарларида темурийлар даври ва Навоий ижоди масалалари..... | 21-29 |
| 1.3. Ж.Экман асарида Навоий ижодига турк филологиясининг асоси сифатида қараш | 30-39 |
| Биринчи бобга хулоса | 40-41 |
| 2-боб. Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари | 42 |
| 2.1. Алишер Навоий асарларининг ўзбек адабиётига таъсири | 42-45 |
| 2.2. Алишер Навоий ва унинг асарлари ҳақида замондошлари..... | 46-47 |
| 2.3. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари ва лексикасидаги баъзи масалалар..... | 48-51 |
| Иккинчи бобга хулоса | 52-53 |
| 3 - боб. А.Навоий афоризмларининг ўзбек ва инглиз тилларидаги луғавий талқини..... | 54 |
| 3.1. Алишер Навоий хикматли сўзларининг хорижда ўрганилиши..... | 54-62 |
| 3.2. Алишер Навоий афоризмлари ва уларнинг адабиётдаги ўрни ва аҳамияти..... | 63-70 |
| 3.3. Алишер Навоий афоризмларининг луғавий-қиёсий жиҳатдан таҳлили..... | 71-88 |
| Учинчи бобга хулоса | 89-90 |
| Умумий хулоса..... | 91-99 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 100-104 |

КИРИШ

Илму маърифат зиёсига интилиш - халқимизнинг азалий ва юксак кадриятларидан биридир. Шунинг учун у олиму фузалоларига, шоиру даҳоларига чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади, уларни офтобга қиёс қиладилар. Тарих қатларига назар солсак, биз ҳақли равишда фахрлана оладиган даҳо сиймоларни сонсиз топишимиз мумкин. Шундайлардан бири - Низомиддин Мир Алишер Навоийдир. Алишер Навоий номига доимо ҳазрат унвони қўшиб айтилади. Дарҳақиқат, ушбу ҳазрати инсон тарихимизда, маънавий - маърифий дунёмизда беқиёс аҳамиятга эга. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: “Алишер Навоий кунда керак, ҳар биримизга керак, унинг ҳар бир ғазали, ҳар бир сўзини эл маънавиятига етказайлик... Навоий номини эшитиш, билиш, Навоий асарларини ўқишнинг ўзи етарли эмас, Навоийни англаш керак. Навоий билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак” [“Маърифат”, 2002, 9-февраль].

Алишер Навоийнинг адабий мероси шу қадар сермазмун ва бадиий баркамолки, бу маънавий кадриятлардан ҳар бир авлод ўз замонаси тақозосига кўра баҳраманд бўлаверади.

Низомиддин Мир Алишер Навоий инсониятга, инсонийликка содиқ яшади, инсонга яхшилик қилиш ва эзгуликка чорлаш, комиллик йўлларида баркамоллик сари етаклаш шоир ҳаётининг маъно - мазмунини ташкил этди:

***Бу гулшан ичра йўқдир баққо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик бирла от.***

Навоий ўз даврида халқнинг чексиз меҳр-муҳаббатини қозонган инсоний идеалга айланган. Туркий шериятнинг улуғ даҳосига бўлган ихлос асрлар ўт-сада сўнмади, аксинча, оммалашиб, авж олиб бораверди.

Халқимизнинг ушбу буюк даҳосининг ҳаёти ва ижодини назарий

Ўрганишга бўлган ҳаракат анча барвақт бошланган. Дастлабки бағишловлар, хотиралар, мутаффакирнинг ҳаётлик чоғларидаёқ қоғозга туширилган. Демак, беш юз йилки навоийшунослик ривожланиб келмоқда. Жаҳон миқёсида яратилган навоийшунослик намуналарини санаб адоғига етиб бўлмайди. Дунёдаги ривожланган мамлакат халқлари ҳам хоҳ таржимадан бўлсин, хоҳ аслиятдан бўлсин ҳазрат Навоийнинг ўлмас меросидан баҳраманд бўлган ва унинг ривожига салмоқди улуш қўшганлар. Лекин Навоий ва навоийшуносликнинг очилмаган қирралари, уфклари - зиёлиларни илм - фан ва янги тадқиқотлар сари чорлайверади.

Биз ҳазрат Навоий авлодлари бўлганимиздан фахрланган ҳолда, у зотга муносиб бўлиш масъулиятини ҳам ҳис этмоғимиз лозим. Демак, Навоий оламининг очилмаган қирралари сари бориш ва улардан халқимизни баҳраманд қилиш, биз учун шарафли вазифадир.

Мавзунинг долзарблиги. Алишер Навоий адабий мероси бугунги кунда мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлиб, келажаги буюк давлатни барпо этаётган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси, ёшу қариси учун бирдек кадрли ва қимматлидир. Чунки мустақил ўзбек давлатининг пайдо бўлиши ва унинг жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаши муносабати билан Алишер Навоий ижодига мансуб ўлмас асарлар халқимиз маданий-маънавий хазинасининг энг нодир намунаси сифатида сақланиши, ўрганилиши ва авлодларга етказилиши, кадрланиши ва республикаimizдаги ҳар бир фуқаронинг фаҳри ва ифтихорига айланиши керак. Зеро, Навоий асарлари — бу фақат кечмишимиз эмас, балки у бугунимиз ва келажагимиздир. Шоирнинг она-ватанга чексиз муҳаббат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, соф маънавий-ахлоқий фазилатлар, чин ва беғараз инсоний муносабатлар тараннум этилган асарлари барча учун ҳаёт китобларидир.

Мавлоно Мир Алишер Навоийнинг адабий меъросини ўрганиш билан бир қатордаунинг шеърятини, хусусан у томонидан айтилган қимматли хикматли сўзларини турли тизим тилларида қиёсий ўрганиш жуда муҳимдир аввало улар тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, Навоий даҳоси нафақат ўзбек халқи ва туркий халқларнинг, қолаверса бутун инсониятнинг фахри ифтихори сифатида ундан бутун дунё аҳли баҳраманд бўлган ва бўлмоқда. Биз Навоий асарларининг хориждаги нашрлари, уларни ўрганган олимлар ва тадқиқот ишлари ҳақида етарлича маълумотларга эга эмасмиз. Агар биз буларни топиб ўргансак ва халқимизга таништирсак, ёш авлоддаги миллий ғурур ва ифтихорни ўстиришга муҳим ҳисса қўшган бўламиз. Навоий ижоди ва даҳоси шундай кенг тадқиқот майдоники, бу майдонга тушувчилар кўп топилади. Хар бир давр, хар бир мамлакат Навоийшунослик ютуқларини тўплаб - жамлаб ўрганиб бориш керак. Бу ўз навбатида келгуси тараққиётга йўл очади ҳамда назарий методологик асос бўлиб хизмат қилади ва ишларнинг услубини белгилашда кўмаклашади. Бу айниқса бугунги кун мустақиллик даври талабларидан келиб чиқиб миллий адабиётни, қолаверса, халқаро адабий алоқаларни юртимизда илм-фанни ривожлантиришда, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ўстиришда ниҳоятда муҳимдир.

Ҳозирги замон тилшунослиги қиёсий типологик изланишларнинг ўрни ва роли каттадир. Чунки бундай изланишлар тиллардаги лисоний ходисаларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, тил сатҳларидаги ифода воситаларининг турлари, уларнинг мақоми, миқдори ва сифат кўрсаткичлари, шунингдек лисоний категориялари ҳамда нутқда қўлланилиши қонуниятларини очиқ беради ва бу билан умумий тилшунослик ривожига катта ҳисса қўшади [Greenberg, 1963, pp.58-90].

Халқлар орасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, тилларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатларини танлаш бўйича чуқур илмий - тақиқот ишларини олиб боришга, икки ёки ундан ортиқ, қардош ёки қардош бўлмаган тилларни қиёслаб ўрганишга мустақиллик шарофати билан кенг шароит яратилди. Бундан кўриниб турибдики, турли тизимдаги тилларни қиёслаш тадқиқ қилиш ҳозирги тилшуносликнинг долзарб муаммоларидандир.

Бирон-бир матн бир тилдан иккинчи бир тилга ўгирилар (таржима қилинар) экан, таржимон сўзни қандай ва қай тарзда қўллай олиши билан китобхонга шу тилга мансуб ички маъно, унинг мазмуни ҳақидаги хабарни ҳам етказишга ҳаракат қилади. Биз Алишер Навоий афоризмларининг икки турли тизимидаги, яъни ўзбек ва инглиз тилларидаги ифодаланиши тадқиқотимиз объекти қилиб олдик.

Таниқли ўзбек мутафаккирлари асарлари устида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамай, бу соҳада асосий вазифалар ва очилмаган қирралар ҳали етарлича эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шуниси ачинарлики, собиқ совет даврида муайян лингвистик муаммолар ўзбек тилшунослигида жиддий тадқиқ этилмади ёки бирёқлама ўрганилди. Масалан, А.Навоий асарлари устида ишлар эканмиз, уларнинг туб моҳияти чуқур очиб берилмаганлигини айтмасликнинг иложи йўқ. А.Навоий буюк мутафаккир, ўзбек тилининг асосчиси бўлишига қарамасдан унинг асарлари тили мобил совет тил сиёсатига мувофиқ бирёқламагина талқин этилди, аслида бу масалага тилшуносликдаги марказий муаммолардан бири сифатида қаралиши лозим эди. Биз бу борада бутунлай иш қилинмаган десак, хато қилган бўламиз. Тўғри, тил муаммолари, юқорида бир неча жойда тўхталиб ўтганимиздек, ўша давр мафқурасидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган.

Жумладан, истеъдодли таржимонларимиздан Иўлдош Парда томонидан 2000 йилда икки-инглиз ва немис тилларига ўгирилган Алишер Навоий ҳикматлари бу соҳадаги яна бир янги тадқиқот эканлигидан далолатдир.

«Жаҳонгашта ...» даҳо санъаткор А.Навоий бобомиз билан фахрланиш ва ҳазратни ғарб ўқувчиларининг яхши билмаслиги, бир ёқлама тасаввур этишдан ўқиниш ҳисси, янги далил, тафсилларнинг мароқли баёни, тадқиқи билан бошланади. Гап шундаки, талай Ғарб шарқшунослари, муштарийлари А.Навоий ижодига бир қадар юзаки муносабат билдиришган [Сайди Умиров]. Юқорида қайд этилган фактлар асосида танланган мавзунинг долзарблиги белгиланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Комил инсонни тарбиялаш, тафаккурини ривожлантириш, уни шахс сифатида шакллантиришга бўлган талаб Навоий асарларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Зеро, унинг асарларида ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадриятлар санъаткорона акс этган бўлиб, улар одамийлик, инсонийлик комуси, одамлараро ва миллатлараро муносабатлар кўпригидир.

Қайд қилиш керакки, турли хил объектив ва субъектив сабабларга кўра, Республикамиз истиклолигача бўлган даврда Навоий асарлари етарли даражада урганилмай келинди. Кўп йиллик асорат даврида Навоий ва бошқа кўплаб шоирлар ижоди турли ғоялар асос қилиб олинган ҳолда бузиб талқин этилди. Хатто Навоий ижодидаги баъзи нуқталарни рўқач қилиб, уни динга қарши, атеист дейишгача бордилар. Натижада, нафақат ўқувчилар, балки кўплаб адабиёт ўқитувчилари ҳам Навоийни тўғри англаб етишга ожизлик қилиб келдилар. Инсонларда ғарб педагогикасига хос бўлган жисмоний сифатларга устивор аҳамият бериш, жисмоний фароғатларга ўчлик, уларга кўр-кўрона такдид қилиш иллатлари кучайди. Шарқ педагогикасида эса руҳият тарбиясига, руҳ поклигига, имон-этиқодга устивор аҳамият берилганлиги унутилди. Аслида Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш эканлигини билиш даркор эди.

Албатта Навоий асарларини ўрганиш инсон кўнглида завқ уйғотиш, ҳис-туйғуларига таъсир қилиш билан бирга, уларни она табиат сирларига яқинлаштиради, она-ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, улуғ аждодлар олдида масъуллик руҳида тарбиялайди, поклик, ҳалоллик, комиллик сари етаклайди. Навоий ижоди мана шу юқорида биз тилга олган жиҳатларига кўра мустақил Ўзбекистон ҳаётига, Республикамизда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонунларида белгиланган улуғвор мақсадларни амалга ошириш, жамият аъзолари маънавиятини соғломлаштириш, баркамол авлод, хур, эркин, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш мақсадларига ҳамоҳангдир.

Навоий ижоди кўп йиллар мобайнида А.Фитрат, А.Саъдий, Ойбек, М.Шайхзода, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И Султон, А Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева И.Ҳаққул, С.Эркинов, Қ.Эргашев, Б.Валихўжаев, С.Олимов, Н.Маллаева, Ё.Исҳоқов, Т.Содиқова сингари ўзбек олимлари учун тадқиқот манбаига айланган. Бизнинг олимлар билан бир қаторда хорижий тадқиқотчилар ҳам кенг миқёсда ўрганганлар.

Биринчидан, мустақиллик туфайли Навоий ва унинг ижодини ўрганишда биз хорижлик олимлар билан ҳамжихатликда ҳамкорлик қилишимиз учун имкониятлар яратилди. Биз уларнинг тадқиқотларида эришилган ютуқларни навоийшунослигимиз ривожда қўллашимиз мумкин. Иккинчидан, Навоий ижодининг ўрганилиши, тадқиқот таржималари айрим курслардан ҳам холи эмас. Шу борада Навоий авлодлари сифатида кўрсатмалар бериш ва уларга муайян ёрдам кўрсатиш ҳар икки тарафга фойдалидир.

Ҳаммамиз ўзбек халқининг ўз тили ва адабиётига бўлган иштиёқини шўролар тузуми даврида қанчалар синдирилганлигини ва ўз таъсирларини ўтказганлигини шоҳидимиз. Сўнги йилларда бундай таъсир остидаги ҳаракатлар кескин ўзгара бошлади.

Бу ўзгариш, бу янгиланиш сўнги юз йилликларда неча марта рўй берганини, бу янгиланишлар халқимиз тақдирига, тафаккурига нечоғли таъсир ўтказгани ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Чор босқини асоратлари миллий тафаккур тараққиётини заифлаштирган бўлса, советлар истибдоди давридаги тазйиқ, қатағон сиёсати халқимизни маъно-моҳиятсиз турмуш кечиришга, бизни буюк ўтмишимиздан жудо этишга қаратилган эди. Оқибатда миллий ва маънавий ҳаётимизда улуғ боболаримизнинг, шу жумладан, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг шаклу шамойили кўрингани билан бу улуғ зот меросини тафаккур этишдан маҳрум бўлиб боравердик. Албатта, сўнги асрларда навоийхонлик, машрабхонлик, фузулийхонлик каби маърифий маросимлар одатга айланганидан кўз юмиб бўлмайди. Аммо умуммиллий ва маърифий жараённинг йўқлиги бу маросимларни тор ва

миқёссиз ходисага айлантириб қўйган эди. Ҳазрат Навоий мероси ҳамма замонларда мана шу маънавий бирликнинг манбаи, пойдевори бўлиши мумкин эди. Аммо сўнги хон ва амирларнинг жоҳилона иш юриштиришлари оқибатида пойдевор пойдеворлигича қолиб кетди.

Хорижий олимлар томонидан қимматли тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, уларни умумлаштирувчи мазмунини таҳлил қилувчи ҳамда бизнинг навоийшунослигимиз масалалари билан қиёсловчи яхлит тадқиқот амалга оширилмаган. Лекин ўз навбатида навоийшуносликка қизиқиб, уни тинимсиз ўрганиб келган олимлар ҳам бўлган. Улардан: А.Вамберри, Ж.Малоколин, Ф.Ричард, Л.Вари, Э.Олворд, Ж.Экман, Э.Пертелье, А.Ю.Якубовский, А.А.Семёнов сингари бир қанча олимлар ўрганиб келганлар. Тадқиқот ишида инглиз олимлари Эдвард Олворднинг "Замонавий ўбеклар" китоби, Жанос Экманнинг "Турк филологияси пойдевори" китоби, немис олимлари Клайнмихелнинг "Аҳмад Пошо ва Алишер Навоий" номли тадқиқот иши ва турк олими Алпай Текин асарларидаги Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ фикрлар атрофлича ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг назарий аҳамияти - навоийшуносликни назарий ва методологик жиҳатларини бойитишда, юртимиздаги Навоий ижоди мухлислари фондини таржима асарлари билан бойитишда ўзига хос ўрин тутди. Навоий асарлари туркий тилнинг бебаҳо имкониятларини намоён этиш билан бирга араб ва форс тилларининг гўзал жиҳатларини очиб бериш орқали ўзга тилларда ёзилган асарлардан ўзининг устунлиги билан ажралиб туради. Навоий байтларидаги кўп маънолилиқ, рамзийлик ҳамда мажозийлик унинг асар маъносини тушуниш имконини бермайди. Улардаги асл моҳиятни идрок этиш учун ўқувчи шоир яшаган давр билан у этикод қилган ғоялар, тасаввуф тушунчалари ҳамда сўфизм фалсафасидан етарлича хабардор бўлиши керак. Демак, Навоий асарларининг моҳиятини англаш халқимизнинг шеърятга бўлган муносабатини кучайтирди.

Асардаги асл моҳият исломий руҳ билан йўғрилганлиги барчага аён.

Уларнинг бари Навоий асарлари аслиятини бугунги ўқувчига жиддий шарҳлаб, насрийлаштириб, тушунтириб талқин этишни тақозо этади. Ўтган икки аср мобайнида айнан ана шу сабабларга кўра **“Хамса”** дostonларининг турли шакл ва савияларида яратилган бир неча насрий табдинлари майдонга келди. Тўғри, XIX асрда Навоий **“Хамса”** ва бошқа асарлари асосида яратилган дастлабки насрий қиссаларини аслиятининг тўла маънодаги муқобиллари, табдийлари деб аташи мумкин эди. Шўролар даврида пайдо бўлган энг сўнги насрий баёнлар илмийлиги ва мукамаллиги билан бундай муқобилликка давогар бўла олсада, бироқ улар ҳам ўша замон мафкуриси таъсиридаги муайян маҳдудликлардан холи эмас эди, лекин навоийшунослик бари бир ҳам ўзига чанг солган қўллардан юксакда қолди. Қимматли тадқиқотлар кўпроқ халқимизнинг забардаст адабиётшунос олимлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, мағриблик ўқувчилар кўнглида албатта ***“Навоийни қандай хизматлари учун бунчалар хурмат қилишади?”*** деган саволларни беришиб ва бундай саволга қизиқиш пайдо бўлиб, биринчи навбатда уни албатта шоир, олим, ва давлат арбоби бўлганлиги учун хурмат қилишса, иккинчидан уни чинакам инсонпарвар инсон бўлгани учун эъзозлаб келганлар, чунки у фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ўрта асрлар схоластикасига, золимликка, тахт учун бўлган қонли урушларга қарши курашиб ўзини адолат йўлига, халқнинг фаровонлиги йўлига бутунлай бахшида этган мутафаккир шоир сифатид ҳам тан олинган.

Магистрлик ишининг мақсади. А.Навоий афоризмларининг инглиз тилида берилишини луғавий жиҳатдан қиёсий тадқиқ қилиш. Қиёслаб ўрганиш ҳар икки тилнинг умумий ва тафовутли томонларини аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Маълумки, ўзбек ва инглиз тилларининг ҳам луғавий, ҳам грамматик тузилиши бир-биридан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар гуруҳига, инглиз тили эса флектив тип тиллар гуруҳига киради. Ўзбек тилида сўзга ҳар қандай аффикс уланганда ҳам сўзнинг дастлабки шакли сақланади. Инглиз тилида эса сўзлар дастлабки шаклида ҳам, маънодор қисмларга ажратилса ҳам, қисмлар бир

бутун бўлгандагина тўлиқ маъноли сўз бўла олади. Бунинг учун ҳар икки тил луғавий birlikларидаги ўхшаш ва тафовутли томонларини ўрганиш муҳимдир.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги *вазифаларни* бажариш тақозо этилади:

- Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодининг тадқиқ этиш билан шуғулланган хорижлик тадқиқотчилар ишларини имкон қадар ўрганиш;
- бажарилган ишларни ўзаро қиёслаш, илмий аҳамиятга моликларини ўзбек навоийшунослигига татбиқ этиш;
- хорижий олимларнинг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиш, услуб ва йўналишларини аниқлаш;
- асарлар ҳамда тадқиқот ишларининг юртимиздаги навоийшунослик ривожига ҳисса қўшиши мумкин бўлган томонларини ёритиш, уларнинг таржима, нашр имкониятларини аниқлаш;
- қиёсий тилшунослик борасида қилинган ишлар таҳлилинини бериш;
- А.Навоий афоризмларини тўплаш ва саралаш;
- ўзбек тилидаги А.Навоий афоризмларининг луғавий birlikларини ўрганиб чиқиш;
- таржима нашрларини йиғиш;
- А.Навоий афоризмларининг инглиз тили вариантыдаги луғавий birlikларини ўрганиб чиқиш;
- уларнинг қиёсий таҳлилинини бериш;

Энг асосийси, халқимиз қалбига Навоийнинг эзгу ғояларини теран сингдириш йўллари ва чора тадбирларини пухта ўйлаб, ҳаётга татбиқ этиш каби мақсадларни амалга оширишда хорижда ўрганилган манбалар ҳамда навоийшунослар яратган илмий асарларни, яна ҳам очилмаган нодир

қўлёмаларни ўрганиб уларни талқин қилиш ўз самарасини беради. Амалий истиқлол мафқураси шакллантирилаётган айни замонда бу ҳар қачондагидан ҳам муҳимдир.

Магистрлик ишимизнинг назарий аҳамияти

Тадқиқот ҳорижий мамлакатларда Навоий ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиши, асарларининг ўрганилиши, ҳорижий навоийшунос олимлар фаолиятини, уларнинг ёндошувлари ҳамда фикрларини ёритишга хизмат қилади. Бундан ташқари тил нуқтаи назаридан Қўйидаги маълумотни бериш мумкин:

Биринчидан, тиллардаги ўзига хос типологик хусусиятларни аниқлашда ишимиз катта назарий аҳамиятга эга бўлади деб ўйлаймиз. Жумладан, дастлаб А.Навоий ҳикматларининг бадиий хусусияларини аниқлаб олинади. Ҳар бир таржимон-тилшунос олим шоир бадиий дунёсини ўзича «забт этишга» уринган. Уларнинг бу ниятига қанчалар етган-етмаганини аниқлаш учун эса бу таржималар аслиятга қиёсан синчиклаб ўрганилиши керак деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, тадқиқот натижалари замонавий тилшуносликнинг қуйидаги бўлимларида кенг қўлланиши мумкин: қиёсий типология, таржима назарияси, ўзбек ва чет тилларини ўқитиш методикаси, назарий грамматика, лексикология, лексикография ва б.

Магистрлик диссертациянинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари қуйидаги ҳолатларда қўлланиши мумкин:

- тиллардаги ўзига хос типологик хусусиятларни аниқлашда;
- ўзбек аудиторияларида инглиз тилини ўргатишда;
- инглиз тили амалий курсини ишлаб чиқишда;
- кки тиллик луғатлар тузишда;
- қиёсий тилшуносликда ўзбек ва инглиз тилларда қиёсий назарияни ишлаб чиқишда.

- ўрганилган манбалар ҳақида юртимиз навоийшуиослари ва Навоий ижоди муҳлисларида тўлиқ тасаввур хосил қилишда;
- ўрганилган манбаларни ўзбек тилига таржима қилишда ва уларни нашр қилишда;
- Навоий ижоди ва унинг хорижда ўрганилишига оид турли мақолалар тайёрлашда.

Тадқиқот методлари. Қиёслаш ва тавсифий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти. А.Навоий афоризмларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги таржима вариантлари (Х.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова ва б. А.Навоий. Ҳикматли сўзлар-Афоризмы-Aphorisms-Sinnphuche-Aporismes-Aforismos, Т., 1968; Йўлдош Прада. А.Навоий. Уммондан дурлар. - Т., 2000).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Навоий ижодининг чет элларда ўрганилиши, тарихи ва ривож, хориждаги навоийшунос олимлар фаолияти, уларнинг тадқиқот ишлари ҳақида яхлит илмий тадқиқотлар камлигидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни келтирамиз:

- Олворднинг "Modern Uzbeks" ("Замонавий ўзбеклар") асаридаги Навоий ҳақидаги муҳим ўринларнинг таҳлили, хусусан Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида ўзбек-манқул, ўзбек-қалмиқ атамалари аралаштириб қўлланганлиги ва уларнинг шарқ армияси таркибида Искандарга қарши чиққанлигини кўрсатиш биз учун янги фактдир.
- Клайнмихел тадқиқотидаги биз учун муҳим кашфиёти шуки, ҳазрат Алишер Навоий Усманий туркларининг султони Боязид II саройига ғазалларидан 33 тасини юборади. Боязид II эса ўз навбатида уларни Бурса шаҳрига Усманийларнинг машхур шоири Ахмад Пошога назира ёзиш шарти билан жўнатади. Клайнмихел Ахмад Пошо ғазалларининг Навоий ғазалларига назира деб гумон қилишган ҳолларини, ҳам шакли, ҳам мазмуни жиҳатидан солиштириб чиққан бўлиб мукаммал амалга оширилган. Клайнмихел Навоий ижодининг манбаалари

сифатида Ҳамид Сулаймон томонидан нашр этилган ўзбекча девонларни олган. Тадқиқот иши Аҳмад Пошонинг 15 ғазали Навоий ғазалига назира эканлиги ишонarli исботланган. Демак, Навоий ижоди турк адабиёти, хусусан, Усмонли турклар шеърлятига ҳам катта таъсир кўрсатган.

- А.Навоий ижодини хорижда кенг ўрганилишига баҳо берилди;
- А.Навоий афоризмларининг инглиз тилидаги таржимаси ўзбек билан лингвистик қиёси амалга оширилди;
- афоризмлар қиёси асосида энг мураккаб бўлган афоризм холидаги ифодаларда икки тилнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлишини кўрсатиб берилди;
- афоризмларни таржима қилиниши таржимондан алоҳида маҳорат талаб қилиши ҳис этилди.

Магистрлик диссертациясининг тuzилиши Иш умумий тавсиф, кириш, 3 асосий боб, хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб: Алишер Навоий хаёти ва ижоди масалалари хорижий олимлар талқинида

1.1. Алишер Навоийнинг хаёт йўли ҳақида

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг (1441-1501) адабий тилнинг равнақи учун олиб борган кураши ва ҳиссаси маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутади. У чинакам шоир ва олим сифатида халқ тилининг битмас туганмас манбаларидан фойдаланиш унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш билан нафақат ўз замондошларига, балки ундан кейинги бутун авлодга ўрнатилган кўрсаткич.

X-XV асрларда форсий тилни билиш ва шу тилда сўзлашиш, ижод қилиш жамиятнинг юқори табақасига хос бўлган «имтиёз» ва «билимдонлик» белгисига айланди. Бу анъана ҳатто темурийлар даврида ҳам сақланиб қолди. Бу XIX асрда рус задогонларининг ўз она тилини писанд қилмай, ўзаро француз тилида гаплашганликларини эслатади.

XV асрда ўзбек тилида оригинал ва таржима асарлар яратган салафларнинг тажрибаларини давом эттирган Лутфий, Саккокий, Атоий, Юсуф Амирий, Гадоий, Яқиний каби истеъдодли шоирлар ўзбек дунёвий адабиётини равнақ топтириш билан бирга ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бироқ, улар сон жиҳатидан ниҳоятда оз эди. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарининг иккинчи бобида ўзи сўз юритаётган 90 шоирдан фақат 16 шоир «туркий» эканлигини эслатиб ўтади. Булар Харимий, Қаландар, Қабулий, Ғарибий, Тарҳоний, Лутфий, Яқиний, Атоий, Муқимий, Каман, Саккокий, Мирзобек, Саид Ҳасан Ардашер, Мажнуний, Шавқий, Гадоийлар эди. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, ҳатто кўпгина ўзбек шоирлари ҳам ўзбек тилининг бойликлари ва кенг имкониятларидан фойдаланишга кам эътибор берадилар. Худди шундай даврда А.Навоий ўз халқининг адабиёти ва адабий тилини ҳимоя қилиш, ривожлантиришдек зўр, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалани кўтариб чиқди ва у ўз умрининг охиригача ўзбек адабий тили ва адабиётини юксак даражага

кўтариш учун курашди.

Маълумки, ўша даврда ўзбек китобхоналарининг бир қисми форс-тожик тилидаги адабиётдан баҳраманд бўлса ҳам, кўпчилиги ундан фойдалана олмас эди. Шу сабабли А.Навоий «бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдирким, бу кунга дегунча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмағон жиҳатидан бу яширун қолибдур.... Ва филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чу бу лафзада вусъат (кенглик) ва майдонида мунча мусхат (очиклик) топилур....» деб ёзди ва ўзбек шоирларини ўз она тилини мукамал билишга чақирди. А.Навоийнинг фикрича, она тилини фақатгина халқ оммаси эмас, балки шоирлар ҳам қўллаши, шу тилда, иложи борича ўз иқтидор ва маҳоратларини кўрсатиши керак эди. Навоий қуйидаги фикрлар билан худди шу мақсадни ифодалайди: «... турк тилининг жамияти мунча делоил била собит бўлди, керак эрдимким, бу халқ орасидан пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларни ўз тиллари тургонч, ўзга тил билан захир қилмаса эди. Ва агар иккаласи тил (ўзбек ва форс-тожик) била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари бирла кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил билан озроқ айтсалар эрди... ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил билан тенг айтсалар эрди ... турк улусининг шу табълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва турк тили била айтмагайлар, балки кўпи айта олмагайлар...». Лекин бу билан Навоий бошқа тилларни, жумладан, форс-тожик тилини асло камситмайди, олим ва шоирларнинг бу тилда ижод этишларини ман этмайди.

Алишер Навоий форс-тожик, азарбайжон шоирлари Низомий, Хақоний, Фаридиддин Аттор, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Хофиз кабилардан шеъриятнинг улкан меросини қабул қилди. Уларнинг анъаналарини давом эттирди. Ўзи форс-тожик тилини камоли эхтиром, чексиз хурмат билан ўрганди, бу адабиёт намоёндаларига катта муҳаббат билан қаради. Алишер Навоий билан буюк тожик шоири Абдурахмон Жомий ўртасидаги шахсий дўстлик ва адабий ҳамкорлик бунинг яққол далили сифатида қардошлиқ тарихимизда ҳам сўнмас саҳифадир. А.Навоий ўзбек адабиёти ва ўзбек тили

билан бир қаторда, тожик тили ва адабиётининг ривожига ҳам ғамхўрлик килди. Фоний тахаллус билан шеър ёзиб, ўзининг форс-тожик тилини мукамал эгаллаганлигини, тожик тили ва адабиётига чексиз ҳурматини намойиш этди. Улуғ зуллисоний шоир ўзининг икки тилда яратган асарлари ҳақида фахрланиб бундай деган эди: «Туркий тилда ранг-баранг ширин маъноли шеърларим беҳад кўпдир, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавҳарларга ўхшайди. Гўё сўз бозорида дўкон очганман: бир томонда кандолат дўкони-ю, бир тарафда заргарлик».

А.Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари орасида зуллисонайилик (икки тиллилик) анча кенг тарқалган эди. Хоразмий, Атоий, Лутфий ва бошқа шоирлар ўзларининг истеъдодларини ҳар икки тилда ҳам намойиш қила олдилар.

Аммо бу анъана тожик шоирлари ижодида деярли учрамас эди. XV асрнинг ўрталаридан бошлаб форс-тожик адиблари ўртасида ҳам туркийгўйлик пайдо бўлди. Бу эса ўзбек адабиётини юксакликка кўтариб, ўзбек тилининг қудратини намойиш этган А.Навоийнинг бевосита таъсири натижасида эди. Форс-тожик шоирларидан биринчи бўлиб ўзбекча шеър ёзганлар ҳам А.Навоийнинг дастпарварлари - Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифийлар эдилар.

А.Навоий она тилининг имконият ва қудратига эътиборсизлик билан қаровчиларга, уни дағал тил деб пастга урувчиларга қарши чиқиб, уларнинг ноҳақ эканликларини қоралаб, ўз она тилиси учун кураш ҳар бир халқнинг энг биринчи ва муқаддас вазифаси эканлигини ўз асарларида ифодалади.

Буюк шоир, мутафаккир ва лингвист олим ана шу муддаолар, саъй-ҳаракатлар жараёнида ўзбек адабий тилининг мубориз ҳимоячиси, байроқдори бўлиб чиқди. Захириддин Мухаммад Бобур ва бошқа бир қатор адиблар тили билан айтилганда, А.Навоий ўзбек тилида барчадан, «кўп ва хўп» ёзиб, қалам кучи билан қалблардан жой олди.

Алишер Навоийнинг илм ва маданият, жумладан, ўзбек адабий тили

ривожига соҳасидаги буюк хизматларини франциялик Дью Белле (1522-1560), Италиялик Данте (1265-1321), Германиялик Лютер (1483-1546) каби шоир ва олимларнинг ўз она тилларини яратишдаги хизматлари билан тенглаштиришимиз мумкин. Чунки, бу буюк шоир ва олимлар ҳам ўз она тилларининг шавкати учун курашган ватанпарвар эдилар. А.Навоий ўзбек тилининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам назарий, ҳам амалий ишларни амалга оширди. Шунинг учун буюк турколог олим Н.И. Ильминский Навоийни: «Она тили учун курашда ягона ва баходир жангчи эди» [Ильминский, 1962, стр.27] - дейди.

Европалик географ олим М.Белин Алишер Навоий хизматлари ҳақида шундай ёзади: «Навоий миллий тилга мурожаат қилиб, уни рад қилиб бўлмайдиган даражада асослаб, ватанпарварликни бошлаб берди» [Белин, 1961,стр.222].

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий уч тил (форс, араб ва турк тили) ўзаро курашаётган бир пайтда ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У «Хазойинул маоний», «Хамса», «Лисонут тайр» каби бадиий адабиёт наъмуналарини, «Мажолисун нафоис», «Мезонул авзон» каби адабиётшуносликка оид, «Муҳокаматул луғатайн» каби тилшуносликка оид асарларини шу тилда яратганлиги адабиётшуносликка ва тилшуносликка оид адабиётларга алоҳида таъкидланган. Бу билан ўзбек тилининг бадиий, илмий асарлар яратиш учун бой имкониятга эга эканлигини амалда исботлаганлигини кўрамыз.

Умуман форс тилида қайси жанр ва услубий асарлар яратилган бўлса, Алишер Навоий улар каби ўзбек тилида асарлар ёзди. У ўзининг амалий ишлари билан ўзбек тилининг ихчам грамматик қурилишига ва бой луғат фондига эга эканлигини кўрсатди.

Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тил қандай негиз асосида пайдо бўлди? А.Навоийнинг адабий тил ҳақида ва унинг қандай негиз асосида шакллангани ҳамда шоирнинг она тили билан адабий тилга бўлган муносабатлари ҳақида олимлар турлича фикр билдирдилар. Бу

фикрлар ўша даврда мавжуд бўлган куйидаги шарт -шароитларни турлича таҳлил қилиш натижасида келиб чиққан:

1. Ўша даврда араб, форс ва турк тили каби уч тилнинг стихияли кураши давом этмоқда эди [Боровков,1946, стр.97].

Алишер Навоий замонасида илмий асарлар араб тилида, бадиий асарлар форс тилида ёзилар эди. Хазина бўлган ўзбек тили атрофида, А.Навоий тили билан айтганда, «илонлар» ва «тиканлар» бор эди.

2. Маълум даражада Шарқий Туркистон тили, яъни уйғур тилининг таъсири мавжуд эди [Радлов, 1988, стр.2]. Мўғуллар хужуми даврида ҳам адабий тил сифатида Шарқий Туркистон тили асосий роль ўйнайди. Қадимги уйғур тилига хос бўлган бир қанча марфологик, лексик, фонетик элементлар Навоийгача бўлган ҳамма ёдгорликларда учрайди.

3. Бир-биридан фарқ қиладиган территориал диалектлар мавжуд эди [Радлов,1988, стр.2]. А. Навоий даврида туркий тилда сўзлашувчи халқлар турли-туман бўлган ва турли шеваларда сўзлашганлар. Бу шевалар ўзаро бир-бирига ва адабий тилга таъсир қилиб, турли элементларини киритиб борган.

Бунинг устига тил группаларининг аниқ номлари йўқлиги масалани яна ҳиралаштиради. А.Навоий ҳам «Мезон авзон» асарида она тилисини баъзан туркча тил, чигатой тили [турк тили атамаси қаранг: Кононов, 1949, стр.40-46; Маслов, 1952, стр.108] деб номлайди.

Улуғ Навоийнинг илм-фан тараққиёти соҳасида, жумладан, она тили бобида қилган ажойиб ишлари туганмас бойлик бўлиб, ҳозирги кунда ҳам уни ўрганиш жуда муҳимдир.

Хуллас, биз ушбу ишимизда буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ижоди билан чуқурроқ танишиб чиқиб, шоир ижодининг кенг қиррали ва жозибали эканлигига иқрор бўлар эканмиз, унинг номи. ҳаёти ва ижоди фақат ўз элинигина эмас, балки кўпгина бошқа халқларни ҳам қизиқтириб келганлигига амин бўламиз.

Шарқ маданияти, фани, умуман, шарқ мамлакатлари ва халқларига қизиқиш қадим ўтмишдан мавжуд. Биз яшаб турган ҳудуд, унда яшовчи

халқлар ҳақидаги маълумотларни Европалик сайёҳлар ва дипломатлар эсдаликларида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек классиклари ўтмишдан Ғарб зиёлилари орасида анъанавий ҳурмат ҳамда обрўга эга бўлганлар. XV аср буюк ва машҳур ўзбек классик адабиёти намояндаларидан бири Алишер Навоий ана шундайлардан биридир. Унинг номи Гомер ва Данте, Рўдакий ва Фирдавсий, Низомий ва Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой номлари билан ёнма-ён туради ҳамда эъзозланади.

1.2. Эдвард Олворд асарларида теурийлар даври ва Навоий ижоди масалалари

Хориждаги навоийшунослик ҳақида шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, ҳар хил мамлакатлар олимларининг ўзига хос ишлаш услуби, тадқиқот мавзусига ёндашиш усуллари бир - биридан кескин фаркланади. Хусусан, Америкалик олим Эдвард Олворд ҳам бу соҳада ўзига хос мавқега эга бўлган тадқиқотчилардан биридир. Эдвард Олворднинг *"The Modern Uzbeks"* ("Замонавий ўзбеклар") китоби унинг диққатга сазовор ишларидан биридир. Ушбу асар айнан Алишер Навоий асари ва ижоди ҳақида бўлмаса-да, уни варакдар экансиз, Навоий билан боғлиқ жуда кўп ўринларни учратасиз. Сабаби ўзбек халқи ва Ўзбекистон тарихини, маънавиятини Алишер Навоийдан айрим ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас.

Таникли олим Эдвард Олворд Колумбия университетининг Марказий Осиёни ўрганиш маркази бошлиғи, собиқ иттифокдаги миллатлараро муносабатлар шарқий Россиянинг интеллектуал тарихи ҳақидаги 12 та китобнинг муаллифи, ҳаммуаллифи ва муҳарриридир.

Э.Олворд асарлари юртимиз илм аҳлига яхши таниш. Хусусан, унинг *"Замонавий ўзбеклар"* асари ҳамюрт зиёлилар диққатини ўзига тортган. Олимнинг бизгача етиб келган асарлари қуйидагилар:

"Uzbek literature Politics" ("Ўзбек адабиёти сиёсати") London 1964,

"Nationalities of the Soviet East Publications and writing systems" (*"Шарқ совет наشريётининг миллатчилиги ва ёзилиш усуллари"*), New York, 1971, *"Central Asian Publishing and the Rise of Nationalism"* (*Марказий Осиё тахририяли (наشريёти) ва миллатчиликнинг ўсиши*) New York, 1965, *"A Century of Russian Rule"* (*Россия империясининг ҳукмронлик даври*) New York, 1967, *"Soviet Nationality Problems"* (*Совет миллатчилигининг муаммолари*) New York, 1971, *"Nationality Problems in Central Asia"* (*Марказий Осиёда миллатчилик муаммолари*) Washington, 1973, *"The end of Ethnic Integration in Southern Central Asia"* (*Жанубий Марказий Осиёда этник гуруҳларнинг (бирлашиши) тамом бўлиши*), Washington, 1982.

Кўринадики, асосан, адабий сиёсат, миллият тузуми ва унинг адабиётимиздаги ақси муаммоси билан шуғилланган олимнинг Алишер Навоий ҳақида махсус тадқиқот яратмагани маълум, бироқ 1990 йилда нашр этилган *"The Modern Uzbeks"* (*"Замонавий ўзбеклар"* - XIV асрдан ҳозиргача маданият тарихи) китобида ўзбек миллатининг темурийлар давридан бошлаб то ҳозиргача (XX асргача) бўлган маданияти тарихини яратишга уриниш бор. Китобдаги мунозарали ўринлардан қатъий назар Э. Олворд бу маданият тарихи, асосан, чигатой адабиёти ва унинг энг улуғ адиби *"Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ эканини тан олиб, Навоий ижоди мумтоз адабиётнинг ва XV асрдан сўнг бошқа тарихчилар адабиётини бош манбасига айланган"* лиги ёзилади [*"Uzbek literature Politics"* p.19.]. Ўрта асрларда лотин тили ва адабиёти Франция, Испания ва Европа мамлакатларида кадрлангани каби Чигатой тили ва адабиёти туркий худудларда кадрлидир. 1964 йилда ёзилган *"Ўзбек адабий сиёсати"* китобида юқоридаги фикрларни келтириб ўтган бўлса, 1991 йили эса миллий маданият тарихидаги Алишер Навоий ижодининг аҳамиятини ўзини аниқ ва гўзал мисоллар билан исботлаб кўрсатади. *"Ўзбек"* атамасини вуждудга келиши ва маданият тарихидаги ўрнини белгилар экан, Алишер Навоийнинг *"Садди Искандарий"* асарига таянган ҳолда илмий хулоса қилади. Мир Алишер Навоий 1485 йилда ёзиб қолдирган *"Садди Искандарий"* эпик асарида минг йиллар аввал ўтган Доро

III даврида яшаган турк қабилалари қаторида ўзбек - мўғул, ўзбек -манғит жангчиларини Искандарга қарши чиққан қўшинларга тўхталиб, **“Ўзбек”** атамасини ўша пайтдан бошлаб ишлатилганлиги ҳақида ёзади. Адиб уларни форс шоҳи Доро III (эр. ав. 336-323) нинг 1,5 млн қўшинига 100 мингдан ортиқ аскарлар таркибига келиб қўшилганини тасвирлайди.

Э. Олворд айна мисоли билан XVI аср бошларида Мовороуннахр тахтига чиққан ўзбеклар ҳокимиятини қиёслар экан, **“Ўзбек”** атамаси XVI асрдан юзага чиқиб дашти қипчоқ кўчманчи хонларнинг атамаси сифатида этиборни тортган бўлса-да, унинг тарихи жуда қадим эканлиги, қарийб минг йилликлар давомида бу уруғ туркий қавмлар ичида тўла шаклланганлиги ҳамда ҳаёт кечирганлигини айтади. Э.Олворд Алишер Навоий ижодининг туркий адабиётдаги ўрни ва оламшумул аҳамиятини Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур сўзлари ва форс тарихчиси Мирхонд ўз устози санаган буюк турк шоирининг хизматлари билан белгилайди. У ўзини форсий тарихини туркий тилнинг қўлланиш имкониятларини келтирган. Мир Алишер Навоийнинг **“Махбубул-қулуб”** асарини ўзи учун ҳикмат манбаи ҳамда услубий теранлиги ва ҳаёти кенглиги манбаи сифатида билган.

Олим Навоий ҳаётини ва форсий асарларини таҳлил қиларкан, Султон *“Бойқаро ижодидаги ислом мистицизми, очиқ диний манбалар, маънавий рамз - тимсолларини қабул қила олмас эдилар”* дея 20 - йиллар адабий муҳитни мафкуравий тазйиқ сабабларини таъкидлаб ўтади. Э.Олворд талқинича, Алишер Навоий ижодини Марказий Осиё олимлари томонидан англашилишида 60-йилларнинг бошлари алоҳида бир давр бўлди. Чунки айна шу йили Алишер Навоийнинг **“Қасидайи ҳилолия”** асари нашр этилиб, у қасиданинг моҳияти Хусайн Байқаронинг тахтга чиқиши муносабати билан ёзилганлигини очиқ тан олина бошланди. Демак, шу йилдан бошлаб мафкуравий тазйиқ йилларидан ўзгача фикр киритила бошланган эди. Бироқ, кейинчалик **“ўзгартириб босиш”** ўрнига **“қисқартириб босиш”** деган нашр удум бўлди.

Шунингдек, олимнинг асарларида матбуот, адабиёт, театр ҳамда

Марказий Осиёда оммавий (расмий) таълим соҳаси ҳам ўз аксини топган. Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида профессор Олворд уларнинг асосий негизини XIV аср охирида келиб чиққанлигига қарши чиқади. У Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Бактрия, Сўғдиёна ва бошқа қадимги цивилизацияга тақалган ўзбекларнинг жамиятини ҳамда сиёсатини бошланишига қаратилган шўро олимларининг таянган тезисларга урғу бериб ўтади. Бир неча йиллар давомида расмий далилларга ва кўрсатмаларига таяниб, шўро олимлари ўзбекларнинг келиб чиқишини Марказий Осиёдаги дастлабки, ўзбек хонлар давлатига боғлаб ўрганишга жуда катта эътибор берди. Лекин бу ва бошқа даврларни ва саналарини тушунтириб етказишда шўро тарихчилари марксизм сиёсатига таянган ҳолатда шуни амалга оширдилар. Керакли манбаларни ўрганишда фикрий тазйиқ ўтказишга мувоффиқ бўлдилар. Э.Олворднинг айтишича, тарихчилар бошқа томондан худудларга ажратиб юборилган ўзбекларнинг таркибини ажрата олишда қийинчиликка учраганлар. XV асрнинг охирларида ўзбекларнинг жуда катта қисми турли хил миллатлар билан чатишиб кетди. Ўзбек миллатининг турли миллатлардан келиб чиқиши, яъни боғлиқлиги ирқий миллатларга ажратилди ҳамда алоҳида гуруҳларни ўрганиш ёки аниқлашда асосий таъсир кўрсатганидек қон - қонига сингиб кетди.

Турли ҳодисаларга бой бўлган, яъни бир қатор замонавий кузатувлар билан айтганда, ўзбеклар номи билан аталувчи аҳоли (одамлар) ғарбий Осиёда XIV асрнинг бошларидан тартибсиз номлар билан юзага чикди. Профессор Э.Олворд *“Замонавий ўзбеклар”* миллатининг ҳаёти (фавқулоддаги ҳолат) учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий фаолиятидан ҳамда бой маданиятининг самарасидан маҳрум қилинган бирорта ҳодиса ҳақида хужжатга оид яратилган манбалар ҳақида аниқ равшан маълумотлар беради. Э.Олворднинг *“Замонавий ўзбеклар”* асари илмий изланишларга асосланган ҳамда Ўзбекистон ва ўзбек халқининг маданий тарихи учун тўла, мукамал ва ишончли хизмат кўрсата оладиган асарлардан ҳисобланади. Ҳеч қайси олим Марказий Осиё халқларини ўрганишда бунчалик кўп маълумот

бермаган.

Профессор Эдвард Олворднинг "*Uzbek Literary Politics*" ("*Ўзбек адабий сиёсати*") 1964 - London , Paris) асарида Чиғатой, Хоқоний ҳамда Озар тиллари турк дунёсида (турк халқларининг Чиғатой тили ҳаётида) асосий адабий тиллар ҳисобланиб келган. Буларнинг энг қадимийси Чиғатой тили ҳам бошқа туркий адабий тиллар сингари форсий ва арабий тилларнинг кучли таъсири остида бўлган.

Чиғатой номи билан аталиб келган адабиёт Кўк турклар даврида (XIII аср) қадимги уйғур (VIII-XIII асрларда) ҳамда қарлуқ тили (XI -XIII) асрлар даврларини бошдан кечирган. Чиғатой адабиёти Мир Алишер ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан XV - XVI асрларда энг чўққига кўтарилган. Чиғатой адабиёти турли хил даврларда расмий ҳолатда туркманлар, қозоқ турклари, азарбайжонлар, қирим турклари, форс ҳамда мўғул адиблари томонидан ишлатилган. Чиғатой тили ва адабиёти туркий халқларнинг ҳудудидан ташқари ҳудди ўрта асрларда Францияда, Испанияда ва бошқа Европа мамлакатларидаги лотин тили ва адабиёти сингари кўпгина халқларнинг маданияти сифатида қадрланиб келди.

Чиғатой адабиётининг тарихи асрлар давомида туркий тилдаги адабиёт сифатида, яъни Чиғатой улусининг адабиёти сифатида қўлланилади. Аҳмад Яссавий тариқатининг таъсири XVI асрларда ўзбекларнинг миллий адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Воқеа темурийлардан сўнг Аҳмад Яссавий тариқатининг қабул қилиниши бўлди. Қадимги халқ оғзаки ижодининг адабий формалари аралашини натижасида, асосли, сирли ҳамда диний фикрлар гарчи воҳалардан ҳам ўтиб сахроларгача етиб борди ҳамда халқ оғзаки ижоди билан шуғулланган шоирларга туртки бўлди. Аҳмад Яссавий шеърларига ҳам тақлид қилинди ва кўчирилди. Натижада унинг "*Девони ҳикмат*" асари Тошкентда (1880), Қозон ва бошқа жойларда бир неча бор нашр қилинди. Олдинги (энг қадимги) машҳур ўзбеклар, яъни таниқли шоирлардан Шайбонийхон, Убайдуллохон (вафоти 1539), ҳамда Муҳаммад Солиҳ (вафоти 1534) XVI асрнинг бошларида чиғатой

версияларини ёздилар. Убайдиллохон Алишер Навоий ҳамда Шайбонийхонларнинг классик чўғатой тилининг мавзу ва усулига (бирига ўзаро ўхшашлиги жиҳатидан соддалаштирилишига) ҳисса қўшган. Муҳаммад Солиҳ “*Шайбонийнома*”да бу тил хусусиятларини кенг қўламда қўллади.

Тадқиқотчи яна шундай ёзади: “*Ниротлик шоир ва темурийлар давлат арбоби Мир Алишер Навоий 1485 йилда тамомлаган “Саҳди Искандарий” номли катта эпик асариди минг йилликлар олдин гуруҳлар номларини бирига аралаштириб ўзбек - мўғул, манғит-ўзбек ва қалмиқ жангчиларини буюк Искандарга қарши чиққан Шарқ армияси таркибиди бўлган*”, деб ёзиб ўтади.[Frueed Корғулу,1945, р.74]. Адиб уларни форс шоҳи Доро III (эр.ав. 336-323 й)нинг 1.5 млн қўшинига қўшилган юз мингдан кўпроқ ёлланма аскарлар деб атайди. Ўз шеърларида Алишер Навоий Доронинг буйруғини ушбу мисраларда таърифлаб, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради:

Ва Доро ўз Ватанин ҳимоячиси,

Искандарга қарши қўйди қўшинини.

Уни қўшин дема, қонга ташна дарё де,

Вале тақдир бу оломонданда равшанроқ де.

Шоир ушбу мисралар билан ўзбекларни шоҳ Доронинг тегишли шарқий қўшинлари билан европаликлар, руслар - руминлар ва бошқа Европа халқларидан ташкил топган улкан жангдаги мағлубиятини бир хил баҳолайди. “*Шоирнинг ушбу достониди шарқ мағлубиятини, шу билан бир қаторда ушбу асарда персонажлар тақсимоти орқали шоир ўзбеклар эзгулик кучларидан фарқ қилмаганига шак-шубҳа йўқлигини таъкидлаб ўтади*”.[Frueed Корғулу,1945, р.74]. 1485-1491 йилларда Мовороуннаҳр худудида сибирлик ўзбекларнинг алоҳида қўшини қатнашганлиги Алишер Навоийдан ташқари Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам ёзган эди.

Маълумки, тил миллатларнинг шаклланишида ва ривожланишида муҳим ўрин тутувчи омил ҳисобланади. Эдвард Олворд ўзбек миллатининг

шалланишида ўзбек тилининг ўрни бекиёс бўлганлигини ёзади: “*Бу галабадан олдин душманларга бостириб кирувчи бу кўчманчиларни темурийлар ўзларидан фарқ қилишларини ҳамда ўзбекларни топа олишларини билдирган. Бу ерда тил катта роль ўйнаган эди*” [Frued Korulu, 1945, p.74].

Ўзбеклар ўз нутқида Мовороуннаҳрда сўзлашадиган тилдан сезиларли даражада фарқ қилган турк тилидаги адабий ибораларни қўллаган бўлиб, бу нутқнинг айрим ҳислатлари, Э.Олворднинг айтишича, Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсида кенг тарқалган турк тилида сўзлашувчилардан, Хоразмда ва ўғуз тили таъсирига кирган атрофдаги одамлардан кескин фарқ қилар эди. Биринчиси, ҳинд - европа тиллар оиласига кирувчи, кенг тарқалган ва шаҳар тили бўлган форс-тожик тили Самарқанд ва Бухоро атрофларида кенг тарқалган. Жануб қисмида одамлар ўзбек тилида эмас турк тилида сўзлашар эдилар. Э.Олворд шу ўринда жанубда яшовчи халқлар бир-бирлари билан маънавий ахлоқий муносабатларга эга бўлсалар-да, янги кириб келган одамлар темурий аҳолидан фарқли дунёқарашга ва тилга эга бўлганлигига урғу беради: “*Шоир (Навоий – С.С.) ўзини темурийлар гуруҳи ва тилига ҳеч қачон аралаштирмаган*”. Олворд Мир Алишер Навоийдан ташқари Захириддин Муҳаммад Бобурга ҳам мурожаат қилиб, «Бобурнома» дан қуйидаги ўринларни келтирди:

“Эли туркдир. Шаҳар ва бозорида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам бирла ростдир” [Бобурнома, 1990, 231 б.]

Олворднинг мақоладаги сўнги хулосаси бўйича турк тилида сўзлашувчилар ўзбек тилида сўзлашувчилардан кўп жиҳатларидан фарқланиб турган.

Асардаги биз учун яна бир муҳим қисм бу “***Шоҳ тарихчилари***” мақоласидир. Мақолада темурийлар тарихчиси Муҳаммад бин Ховандшоҳ бин Маҳмуд Мирхонд (1432-1498) ҳақида ҳикоя қилинган бўлиб, маълумки, Мирхонд Алишер Навоий даврида ва унинг ҳомийлиги остида яшаган ва ижод қилган. Муаррих ўз даврида яшаган таниқли файласуф шоирлар,

мутаффакирлар, сиёсатдонлар билан яқин алоқада бўлган, унинг асарлари баёнининг сифатлилиги сабабли Марказий Осиё ҳудудларидан ва ундан ташқарида бир қанча тилларда кўплаб одамларга хизмат қилган, улар ҳали ҳамон ўз қиммати ва нуфузини йўқотмай келяпти.

Олворд “*Мирхонд ўз қўлёмаларини темурийларнинг туркий тилида ҳам эмас ёки ўзбекларнинг қипчоқ тилида ҳам эмас, балки форс тилида ижод қилди*”, деб ёзади. Алишер Навоий ана шу даврдаги туркий тилни зўр бериб химоя қилаётган ва афзалликларини очиб беришга жон-жаҳди билан киришган шоир эди. Э.Олворд буни ўша давр зарурияти ва услубияти билан изоҳлаш лозим деб айтади.

Маълумки, азалдан ҳукмдорлар илмли, халқ орасида кўзга кўринган кишиларни саройга тортишган ва улар билан ҳамжиҳат салтанат ишларини юритганлар. Бу темурийларга хос хусусиятдир. Алишер Навоий ҳам Хусайн Бойқаро даврида саройда юқори лавозимларда ишлаган, Мир Алишер Навоий Хусайн Бойқарога доимий маслаҳатлари билан салтанатни одилона бошқаришда кўмаклашган. Э.Олворд бу ҳақда шундай ёзади: “*Заковатли, қиссада ва шеърда қобилиятли, одатда, дунёвий ҳамда фалсафий билимларга эга бўлган кишилар, хусусан, тарихчилар хон ва амирларга*” қимматли хизматлари ва доно маслаҳатларини таклиф этганлар. Улар сулола ва қабилаларга бегона кишилар бўлиб, ўша пайтдаги Марказий Осиёдаги форс тилини тушунган ва ҳатто ўша тилда ёза олган хўжалик эгалари ва ҳомийларга фойдаси катта бўлган.

Аҳамиятлиси шуки, кўпгина бошқа ҳукмдорларнинг диққатини тортган кишилар “*Темур тузуклар*”даги усулларни бошқарувда кўп қўллашни тавсия этганлар.

Э.Олворд асарида биз учун яна бир муҳим мақолалардан бири “*Анти интелектуализмга қарши кураш*” номли мақоласидир [Frued Корғулу, 1945, р.74]. Бу мақолада муаллиф шўролар тузуми давридаги маҳаллий халқнинг маънавий-маърифий салоҳиятига нисбатан қилинган тажовузларни, чеклашларни, шунингдек, шўроларнинг сўнгги йилларидаги

инқироzi, уларга қарши кайфиятнинг шаклланиши масалаларини тилга олади.

Э. Олворд ўқувчи эътиборини адабий соҳалардаги ўзгаришларга ҳам қаратади. Америка Қўшма Штатларининг мутахассиси ўзбек адабиётида ғоявий тўғри сўзликни қўллаб - қувватлашга (мустаҳкамлашга) бўлган асосий урунишлар ва ўзгаришлар билан бир вақтда бўлиб ўтганлигини кўрсатади.

Э.Олворднинг таъкидлашича, 1960 йилларнинг охирларида адабиёт соҳасида қайта уйғониш содир бўлди. Ўзбек адабиётининг асосчиси 1469 йилда темурийлар шоири Мир Алишер Навоий томонидан ёзилган илк қасидани синчиклаб кўриб чиқдилар ва баҳо бердилар. 1930 йиллар охири ўрта асрларда яшаган шоир муаллифни подшоҳга бўйсунмаган, яъни уни мақтамаган *“пролетар шоир”* сифатида кўрсатишга худди мажбурият олганларидек идеалистлар Мир Алишер Навоийни эпик ўзбек шоири деб қарашди. Идеалистлар Навоий асарларининг катта қисмини эътиборсизлик билан кўриб чиқдилар.

1.3. Ж. Экман асарида Навоий ижодига турк филологиясининг асоси сифатида қараш

Немис олими Жанос Экман ғарб Навоийшунослигининг кўзга кўринган вакилларида бўлиб, унинг фаолияти натижасида Навоий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар қилинган. *“Туркий филология асослари”* тўпламида берилган *“Чигатой адабиёти”* мақоласи ҳам Экманнинг Навоий ҳаёти ва ижодини ёритувчи ишларидан биридир. Чигатой адабиёти - деганда биз, Марказий Осиёдаги исломий - турк адабиёти даврини тушунамиз, - дейди Ж. Экман мақола аввалида. Ундан қолган барча ёдгорликлар Чигатой адабий тилида ёзилгандир.[р.304]. Шу ўринда муаллиф бу адабиётнинг шаклланиши ва ривож топишида Амударё ҳавзаси ва Хуросондаги маданий ўчоқлар ҳисобланган Самарқанд, Хирот, Бухоро ва Хива, шунингдек Фарғона,

Қўқон ва Шарқий Туркистон ҳамда Қашқарнинг аҳамияти катта бўлганлигини таъкидлайди. Ушбу ҳудудлардан ташқари Чиғатой адабиёти Ҳиндистон, Қозон хатто Усманийлар империясида ҳам кенг тарқалган.

Жанос Экман Чиғатой адабиётининг тарихини ёритишда ўзидан аввалги ёки ўзи билан замондош тадқиқотчилар ишларига ҳам мурожаат қилади. Масалан, у Фуад Кўпрулудан айрим форс тарихчилари ва ибн Баттута кўрсатмаларига таяниб Чиғатой адабиёти Темур давридан аввалроқ Амударё бўйи ва Эронда бошланганлик фактини келтиради. Бу XIII - XIV асрларга тўғри келади. [Фуол Кўпрулу, 1945,205 б.]. Аммо бу даврлардан бирон бир адабий ёдгорлик етиб келмаганлиги учун, у давр тилини аниқлаш мушкуллиги учун Экман бу фикрга унчалик қўшилмайди. Кўпрулу келтирган Фаридиддин Атторнинг *“Тазкират-ул авлиё”* ёки *“Меърож”* номасининг тилини Экман Чиғатой эмас, балки Хоразм туркий тили сифатида кўрсатади [Фуол Кўпрулу, 1945, 308 б]

Экманнинг фикрича Чиғатой адабиётининг бошланиши XIУ-ХУ асрларга тўғри келади ва у рус инқилобига қадар давом этган. [Фуол Кўпрулу, 1945,314 б.].

Тадқиқодчи ўз мақоласини ҳар томонлама Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан узвий боғлаган, сабаби буюк шоир Чиғатой адабиётининг энг йирик намоёндаси ва туркий тилнинг ҳомийси ва унинг имкониятларини намоён қилиб, бу тилда энг баракали ижод қилганлардандир. Навоийсиз Чиғатой адабиётининг аҳамияти унда Навоий тузганчалик баланд бўлолмайди. Гарчи унга ўнлаб машҳур шоирлар мансуб бўлса ҳам. Иккинчидан Навоийгача бўлган Чиғатой адабиёти намоёндалари ҳақидаги батафсил маълумотни Экман *“Мажолис-ун-нафоис”* дан келтиради.

Тадқиқотчи мавзуларига назар солсак фикримиз янада яққолроқ кўзга ташланади:

1. *Темурийлар даври* [Буни Экман Навоий адашган деб айтади];
2. *Навоийгача бўлган ижодкорлар* [Фуол Кўпрулу, 1945, 317 б.];
3. *Хусайн Байқаро ва Навоий даври* [Фуол Кўпрулу, 1945, 317 б.].

Навоийдан аввал ўтган ижодкорлардан энг аввалги ўринда турадиган . [Фуол Кўпрулу, 1945, 317 б.]. Саккокийдир. Навоийнинг *“Мажолис-ун-нафоис”*ига кўра Кавказортдан бўлиб, Самарқандда шоир сифатида юқори кадрланган. Навоий уни Лутфий ва бошқа форсий шоирлар билан тенглаштирмаган (Муҳокамат-ул-луғатайн) ва Самарқандда бўлганида унинг шеърларидан намуна топа олмай, бир — икки байтни келтирган холос. Экман Навоийнинг *“Мажолис-ун нафоис”*идаги Мавлоно Лутфийнинг энг яхши ашъорлари Саккокийга тегишли ва у кўчириб олиб, ўз номи билан элга такдим этган - деган миш-мишни ҳам назардан четда қолдирмайди. Сабаби Экман Саккокий ғазалларини Британия музейи ва Сўфия кутубхоналаридан кидириш пайтида унинг уч ғазалини биров ўзгарган шаклда Лутфий девонида ҳам учратади. Бу ўхшашлик ҳали ҳануз ўз ечимини топмаганлиги муаллифни таажжублантиради.

Яна бир Туркий Чифатой адабиётининг намоёндаси Лутфий ҳаётини ёритиш учун Экман *“Мажолис-ун-нафоис”* ва *“Насойим-ул-муҳаббат”*га мурожаат этади. Навоий Лутфийни форсий шоирлар билан баробар кўрган ва унга *“Малик-ул калом”* унвонини берган. [Фуол Кўпрулу, 1945, 321 б.]. Навоийга кўра у Шарафиддин Али Яздий *“Зафарнома”*сини маснавий шаклида қайта ишлаган. Бу асар Навоийнинг кўрсатишича 10 000 байтдан иборат бўлган, лекин у бизгача етиб келмаган.

Чифатой шоирларининг яна бир қадимги вакилларида Атоий бўлиб, Навоий уни *“Насойим-ул муҳаббат”*ида тилга олган. [Фуол Кўпрулу, 1945, 321 б.]. Навоий унинг покиза, дарвешона қарашларини олқишлаган ва туркий шоирлар орасида жуда кадрли бўлганлигини ўз асарларида келтирган.

Экман ўз тадқиқотида бизга унчалик таниш бўлмаган ва бизда кам ёхуд деярли ўрганилмаган *“Латофатнома”* асари муаллифи хўқандийни ва *“Таассуфнома”* муаллифи Саййид Аҳмад Мирзони тилга олади. Навоийнинг айтишича улар турк ва форс тилларида ижод қилган ва шунинг учун ҳам *“Латофатнома”* номли маснавий ёзган [Фуол Кўпрулу, 1945, 322 б.].

Ҳайдар Хоразмий ҳақида Ж.Экман Навоийнинг *“Мухокамат-ул-луғатайн”* асарига таяниб, Чигатой адабиётининг энг дастлабки вакилларида бири бўлган дейди [Фуол Кўпрулу, 1945, 322 б.]. У туркий тилда ёзган. Шунингдек Навоий уни *“Мажолис-ун-нафоис”*да Ҳайдар туркийгўй номи билан тилга олган ва унинг *“Маҳзан-ул асрор”* маснавийсидан бир жуфт байт келтирган. Қолаверса уни Султон Искандар Шерозийнинг маддоҳи сифатида кўрсатган. Шунингдек *“Мажолис-ун-нафоис”*да яна икки Ҳайдар исмли шоирлар ҳақида маълумот бўлиб, улар Ҳайдар Мағзуб (2- Мажлис) ва Мир Ҳайдар Сабухийлардир.(4-Мажлис).

Экман *“бизнинг шоирлар сирасидан эмас”*, - деб улар ҳақида ўз мақоласида тўхталмаган. Экман тилга олган ва Алишер Навоий назари тушган XV аср шоирларидан бири Юсуф Амирий бўлиб, Навоий унинг туркий ашъорларини мактаган аммо кейинчалик унитилишини ҳам башорат қилган [Фуол Кўпрулу, 1945, 320 б.]. Юсуф Амирий ўзининг Ғиёсиддин Байсунғурга (Шохруҳнинг ўғли) бағишлаб ёзган *“Дахнома”* номли маснавийси ва *“Банг ва чоғир”* номли мунозараси билан машҳур.

Навоий тилига тушган Яқиний *“Уқ ва ёй”*нинг мунозараси асари билан туркийгўй шоирлар ичида шуҳрат қозонган. Навоий унинг қизиққан табиатидан қариган чоғида қайтди деб эслайди. [Фуол Кўпрулу, 1945, 321 б.]. Навоий VIII мажлисда Ҳусайн Бойқаронинг Яқиний ғазалига назира боғлаганлиги ҳақида айта туриб *“Бу мавлоно Яқинийга бир жавоб айтай, агар мавлоно тирик бўлганида мени фикран тан олган бўлардики, бу шеър (Хусайн Байқаро назираси- С.С.) унинг ўз шеъридан яхшироқдир”* [Фуол Кўпрулу, 1945, 322 б.]. Булардан ташқари Экман тадқиқотида Гадо (Гадоий), Навоийга кўра 40 ёшида оламдан ўтган, муаммо устаси Хасан Султон Маъсуд Мирзонинг сарой шоири Кутб, Хусайн Бойқаронинг вазири ва ишончли одамлардан бўлган Наъимий Камол Балхий, ёш вафот этган Латифий, Хиротлик Муқумий, Навоийнинг оталиқ дўсти Саъид Хасан Ардашер Қабусий таҳаллуси билан ижод қилган Мир Саид, темурийлардан бўлган хукмдор шоирлардан: Мирон шох ва Қипчоқ маликаси Суюн Бегим

ўғли Султонхалил, Мирон шохнинг яна бир ўғли Абу Бакр Мирзо муғиззотдан Умаршайхнинг ўғли ва Темурнинг суюкли набираси Султон Искандар Шерозий, Шохрухнинг ўғли ва Бойсунқурнинг ўғли Абул Қосим Бобур Мирзолар номларини келтиради ва буларнинг барчаси ҳақидаги маълумот *“Мажолис-ун нафоис”* асосидадир [Фуол Кўпрулу, 1945,326 б.].

Булардан ва яхши ўрганилмаган Ҳомидий исмли шоирдан бошқа асл Чиғатой адабиёти намоёндаси бошқа ҳеч кимнинг иши етиб келмаганидан куюнади. Бу шоирлар форсида ҳам ижод қилганини айтиб акс сифатида Алишер Навоий форсий девонини олади.

Хусаин Байқаро унинг ҳаёт йўлини қисқача бергандан кейин Экман Хусайн Байқаро ҳақидаги Бобурномада айтилган фикрларга мурожаат қилади. Байқародан бир девон ва бир рисола бизгача етиб келган бўлиб Навоий уни *“Мажалис-ун нафоис”*да тилга олади: *“Байқаро девонида хусайн таҳаллусини қўллаган ва бу девоннинг катта қисми ишқ ва май мавзусига бағишланган”*. Байқаро девонига шу нарса ҳоски, барча ғазалларни (-V- - -V- -V- - -V-) вазинида ёзган. Бунинг асосий сабаби - бу вазннинг XV асрнинг иккинчи яримида жуда оммабоп бўлганлигидадир. Байқаронинг кўшиқбоп енгил ғазалларни битиши учун ушбу вазни танлагани ҳам ажабланарли ҳол эмас [Фуол Кўпрулу, 1945, 327 б.].

Рисола учта саҳифадан иборат. Бу таржима ҳол эмас, балки ўзининг ютуқлари ва хизматлариини санаб ўтади. “Асардаги асосий нуқталар:

- 1) оиласининг келиб чиқиши, шажараси,
- 2) унинг дарвишларга муҳаббати,
- 3) адоватли севиши, унинг жамғармалари,
- 4) унинг улуг форсий шоир Жомийга бўлган ҳурмати,
- 5) унинг шоирларга хомийлиги,
- 6) Навоий тавсифи.

Асар тури ва форсий насрнинг хусусиятларидан, ўлчовларидаги аралаш фойдаланиши йўли билан ёзилган” [Фуол Кўпрулу, 1945,328 б.].

Шунингдек Байқаронинг Хондамир ва Бобур Камолиддин Хусан томонидан тузилган деб гумон қилувчи машҳур шоирлар, олимлар ва шайхлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи **“Мажолисул-ушшоқ”** мазкираси ҳам борлиги мақолада айтиб ўтилади [Фуол Кўпрулу, 1945,328 б.].

Тадқиқотнинг асосини ташкил этувчи III бўлим Хусайн Байқаро ва Навоий даври бўлимида Экман Навоий ҳаёти ва ижодининг барча қирраларини имкон борича қамраб олган. Бўлимни мазмунан қўйидагича кичик бўлимларга ажратиш мумкин.

1. *Навоий яшаган даврда туркий еа форс тили* [Фуол Кўпрулу, 1945,320 б.];
2. *Хусайн Байқаронинг ҳаёти ва ижоди* [Фуол Кўпрулу,1945,327 б.];
3. *Навоийнинг болалик, ёшлик йиллари* [Фуол Кўпрулу, 1945, 329 б.];
4. *Навоийнинг сарой хизматидаги ва умрининг сўнгги йиллари* [Фуол Кўпрулу, 1945, 330 б.];
5. *Навоий ижоди: девонлар; “Ҳамса”* [Фуол Кўпрулу, 1945, 355 б.].

“XV асрнинг иккинчи ярмида Хиротдаги адабий, ижодий ва илмий фаолияти Хусайн Бойқаро саройида мужассамлашди” - деб ёзади Экман. Унинг ҳукмдорлик даврида (1469-1506) маънавиятнинг энг гуллаган даври бўлди [Фуол Кўпрулу, 1945, 326 б]

Экманнинг яна ушбу саҳифада ёритишича бу давр адабиётида форсийга майиллик устунлик қилганлиги, турклар орасида форсийни билишга қизиқиш ниҳоятда катта бўлганлиги, форсийни нафақат аслзодалар балки деҳқону хунармандлар ҳам билганликлари атрофлича талқин қилинади. Навоийнинг **“Муҳокамат-ул-луғатайн”**даги туркларнинг маънавий устунлиги сифатида кўрсатилган форсийларнинг бой туркий тилини ўзлаштиришга қийналганларига караганда, туркийларнинг форс тилини тез ва осон ўрганганликлари ҳолатига нисбатан Экман Кўпрулу билан бир хил фикрни илгари сўради. «Бунинг асл сабаби бу (Навоий кўрсатганича - С.С) эмас, худди Кўпрулу *“Чигатой адабиётининг 299-саҳифасида тўғри таъкидлаганидек, Хуросоннинг қишлоқ ва шаҳарларида форсий тилда*

сўзлашувчиларнинг сон жиҳатдан устун бўлганлигидир”.

Экман Хусайн Байқарони туркий тил манфаатларини ҳимоя қилган ва шу тилда самарали ижод қилган шоирлардан деб билади.

Хусайн Байқародан кейинги тузалган барча қисм Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланади.

Ж.Экман Низомиддин Алишер кейинчалик Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг [Фуол Кўпрулу, 1945, 329 б.] рамазон ойининг 19 кунда ҳижрий 844 мелодий 9 февраль 1441 йил Хуросон пойтахти Хиротда туғилганлигини ёзади. Ж.Экман қисқа сатрларда отаси Ғиёсиддин Кичкина, унинг аждодлари, Навоийлар оиласининг шеърятга, адабиётга муҳаббати, амакиси шоир Мир Сайд (Қобулий) яна бир амакиси мусиқашунос, шоир ва ҳатто Муҳаммад Али (Ғарибий) ҳақида маълумотлар бериб ўтади [Фуол Кўпрулу, 1945,329 б.]. Бундап мақсад кичкина Алишер тарбия топган муҳитни кўрсатишдир.

Экман ишининг комиллиги, унда Навоий ҳаёти билан боғлиқ диққатга сазавор ҳар бир воқеалар, хотиралар эътибордан четда қолмаган. 1442 йилда Шохруҳ вафотидан кейин Хиротдаги ҳолат Навоийлар оиласи учун хавфли бўлиб қолади ва улар Ироққа кўчиб кетадилар. Тафт шаҳрида тўхтаб ўтишганларида Темурнинг машхур тарихчиси Шарафиддин Али Яздий билан Алишер тасодифан учрашиб қолади. Шарафиддин зийрак ва бурро Алишерни дуо қилади [Фуол Кўпрулу, 1945, 329 б.].

1452 йилда вазият барқарорлашгач Алишерлар оиласи Хиротга қайтади, Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобур хизматига киради ва Савзоворга хоним этиб тайинланади. Алишер Хиротда қолиб ўқишни давом эттиради. Хусайн Байқаро ҳам бу пайтда Абулқосим Бобур хизматига кирган эди.

1452 йил октябрда Бобур Машҳадга кетади ва 23 март 1457 йили ўша жойда вафот этади [Фуол Кўпрулу, 1945, 329 б.]. Байқаро марвга кетади. Алишер Машҳадда Имом ризо мадрасасининг хужрасида яшаб шу ерда ўқиб қолади. У ернинг бой кутубхонасидан баҳраманд бўлади. Кўплаб шоирлар билан танишади. Хофиз томонидан ёзилган ғазалларга битилган

мухаммаслари билан машхур бўлган Шайх Камол Турбатий араб шеърляти устаси Дарвиш Мансур ҳам шулар жумласидандир.

Алишер 1464 йилда Хиротга қайтади ва Абу Саид хизматиға киради. Лекин Хусайн Байқаро билан дўстлиги туфайли Абу Саиднинг унга адовати борлигидан бу хизмат унга жуда оғир келади. Алишер Самарқандга кетади ва у ерда оғир шароитда тахсилни давом эттиради. Экман “*Ҳайротулабзор*”нинг XI бобидан келтириб унинг Самарқанддаги 2 асосий хомийларининг номларини айтиб ўтади: улардан бири Дарвиш Муҳаммад Тархон ва иккинчиси Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек эди. Навоий Самарқандда Фазлуллоҳ Абул Лайс мадрасасида бошпана топади ва икки йил мобайнида шу ерда қолади.

Хусайн Байқаро Абу Саид вафотидан кейин (23.03.1463) Хуросан тахтини эгалайди ва дўсти Алишерни зудлик билан Хиротга чакириб олади. Навоий Хусайн Байқаронинг тахтга чиқиш маросимида 14 - апрелда машхур “*Ҳилолия*” қасидасидан такдим этади.

Ж.Экман Навоийнинг саройдаги турли лавозим ва мартабаларда фаолият кўрсатган давридан асосий қуйидагиларни келтиради. У юқори лавозимларни эгаллаган. Дастлаб муҳрдор 1469 - 1472 йилдан Турк девонининг беги (туркий ҳудудлар бўйича давлат кенгаши аъзоси) этиб тайинланган. У султонга маслаҳат ва фаолият билан дастлаб ички ва кейинчалик надим сифатида қимматли хизматлар қилди.

Навоийнинг давлат ишларидан фаолияти 1482 йилгача, яъни “*Ҳамса*” билан шуғулланишини бошлагунга қадар давом этди. Саройдаги ўзаро фитна ва ғаламисликлар унга доим оғир ботар ҳатто ижодий фаолияти билан машғул бўлган пайтларида ҳам душманлари уни тинч қўймайдилар. 1487 йил бошида Навоий Астрободга юборилади ва у ерда 15 ойга яқин ҳоким бўлиб туради. Хиротга қайтгач, Экманнинг ёзишича, “Мухарраб ал - ҳазарат ас-султони” (“Улуғлиги бўйича султондан кейин турувчи”) унвониға сазовор бўлади [Экман, 1985]. У давлат ишларига бошқа аралашмасида, унинг қайтиши душманларга қаттиқ зарба бўлди.

Навоий қолган умрини ижодга бағишлади. 1488 ва 1501 йиллар оралиғида у 11 асар яратди ва 4 девонининг якуний таҳрири билан машғул бўлди.

Навоий 1501, 3-январда юрак хуружидан вафот этди. Унинг дафн маросимидан сўнг 7 кун элга ош тортилди. У ерда султон, шахзодалар, таниқди шахслар мотам ва хизматчилар кийимида келган - кетганларга хизмат қилиб улуғ шоирга мана шу тариқа эҳтиром кўрсатганлар [Экман, 1985].

Ж.Экман Алишер Навоийнинг 1477 йилда Нақшбандий тариқатига кирганлигини ёзади ва унинг пири “*ҳар иккала шоир ҳам адабиётда формалликдан кўра мазмунийликни афзал билган*” дейди Экман [Экман, 1985].

Ж.Экман Навоий ҳақида маълумот берувчи асарлардан учтасини асосий деб айтади: улар Хондамирнинг “*Макоримул ахлоқ*”, Зайниддин Муҳаммад Восифийнинг “*Бадайул-вақо...*” ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “*Бобурнома*” асарларидир.

Ж.Экман Навоийни ўзидан кейин 70 га яқин асар қолдирган дейди. ундан иккитаси форс тилидадир: бир девон (902 1496) ва “*Рисола-и муаммо*” (896/1492). У форс тилидаги ғазалларида фоний таҳаллусини қўллаган [Экман, 1985]. Кейинги ўринларда Навоийнинг ижодга бўлган қизиқишининг болалигидан бошланганлиги, 1486 йилдан шоир сифатида танилганлиги, Самарқандда “*Зуллисонайн*” номини олганлиги тилга олинади. Экман Навоийни илк шеърини форсийда ёзгани эҳтимолдан холи эмас деб айтади [Экман, 1985].

Навоийнинг девони ушбу мақоладан келиб чиқадиган бўлсак, ўзи томонидан эмас балки Хиротнинг машхур хаттоти султон Али Машхади томонидан тузилган. Унда асосан ғазал ва рубойлар жамланган (870/1465-66).

Алишер Навоийнинг ўз қўли билан тузилган илк девон Ҳусайн Байқаро ундови билан дунёга келган бўлиб “*Бадойи -ул бидоя*”дир (1469-1480). Навоийнинг охириги таҳрир қилган девони “*Ҳазоинул – маоний*” бўлиб

умрининг охирги йилларига тўғри келади. Бу девон 4 девондан тузилган бўлиб рамзий маънода инсон умрининг 4 фаслини ўзида акс эттиради:

1. *“Ғаройиб ус – сигар” (Болалик ажойиботлари): шоирнинг 20 ёшгача ёзган шеърларини жамлаган.*

2. *«Наводируш-шабоб» (Ёшлик нодирликлари) 20 ва 35 ёш орасидаги шеърлар,*

3. *Бодокул... (пигитлик янгиликлари) 35-45 ёшларда битилган шеърлар.*

4. *Фавойид-ул кибор (кексалик фойдалари) 45-60 ёшлардаги шеърларни ўз ичига олган. Бу девон халқ тилида “Чор девон” деб айтилади ва Экманнинг ёзиши бўйича 4 девонда қуйидаги лирик жанрлар мавжуд:*

Ғазал (2600), Мустазод (4), Мухаммас (10), Мусаддас (5), Мусамман (1), Таржибанд (4), Таркибанд (1), Моянавий шаклидаги шеър (1), қасида (1), соқийнома (1), китъа (210), Рубоий (133), Муаммо (52), луғаз (10), туюқ (13), Фард (86) яқка сони шеърлар 3132 та ва байтлар 22450 тадир. Девони фоний эса 1094 шеърый (5204 байт ўз ичига олади [Экман, 1985].

Ҳофиз ижоди натижасида ривожланган қадимда севимли ижод шакли бўлган ғазал жанри Навоий ижодида етакчилик қилади. Аваллари ғазалларда, ишқ-муҳаббат, муҳаббат изтироблари тасвирланиб ғазалнинг шаклига эътибор берилиб, мазмунан ички боғлиққа аҳамиятсиз эди. Лекин Навоий ва Жомий юқорида айтганимиздек шакл ва мазмун бирлигини, боғлиқлигини биринчи ўринга қўйганлар.

Навоий ғазал ёзишда Ҳофиздан ташқари яна Амир Хисрав ва Аҳмад ўрнатилган. Экман бунинг исботи сифатида Навоийнинг ушбу зотлар номи келтирилган китъасини келтиради [Экман, 1985, 332 б.].

Шунингдек тадқиқотчи Навоий ғазалларида радифга алоҳида аҳамият берилишини айтиб ўтади ва Навоийнинг

Жунун дарёсида қилдм юзда қон ёшдин ийон таъвиз,

Ки ёзганда керак шангарф бирла зафарон таъвиз...

деб бошқарувчи ғазалининг шарҳини беради [Экман, 1985, 333 б.].

Навоий ижодида ғазалдан кейинги ўринда қитъа туради. Экман уни матласиз ғазалга ўхшатади [Экман, 1985, 334 б.] ва қўйидаги қитъани келтиради:

Мундоқ муқаттат, ки мен йиғмишам эрур.

ҳар бир ҳадиқан хирод айларучун фироқ.

Маши муин айла кишвари англа, ки сатхини

Ҳикмат суйидин айланишам қитъа-қитъа бод...

Буни қитъа билан бирга фахрияга деб ҳам айтиш мумкин. Экман Навоий ижодида етакчилик қилган мавзукор сифатида қўйидагиларни англантиб кўрсатади:

Тўғрилиқ ва ҳалоллик, бу айниқса юқори мансабдорларга тегишли, ҳукмдорнинг адолати, саҳийлик, камтарлик, ожизликни бадном этиш, дўст танлаш, оломондан ажралиш, одамлардаги садоқатсизлик, сир саклаш ўйламай гапирилган гапнинг зарари ва ҳақозолар [Экман, 1985, 334 б.].

Навоий аёлларга ҳурмат билан қараган бўлиб уларни қуёшга қиёслайди. “Араб тилидаги қуёшга сўзи ҳам муаннас жинсга тегишлидир” мазмунидаги қитъани келтириш билан Экман бу фикрни исбот қилади [Экман, 1985, 336 б].

Ж.Экман Навоий ҳақида ниҳоятда улуғвор хулосалар чиқаради. “Навоий Чигатой шоирлар ичида ягона шоир-ки” (ҳамма) қадимий адабиётнинг барча жанрлари учун қайғурган, ва ҳар бир жанр учун оламшумул асарлар яратган. У баъзи соҳаларда йўл очувчи ҳамдир. У биринчи туркий адабий тарихчиси, у биринчи вазншунос, у биринчи тилшунос. Ҳусайн Байқаро ибораси билан айтганда у турк тилини Масих нафаси билан жон киритган.¹ Ҳусайн Байқаро унга туркий шеърининг соҳибқирон унвонини берди. Бобур тили билан айтганда эса, ҳеч ким Навоийчалик кўп ва хўп ёзган эмас. Навоий бирор гуруҳнинг эмас, бутун туркий дунёнинг шоиридир.²

Хулоса қилиб айтганда Ж.Экманнинг “Чигатой адабиёти” мақоласи Навоийга бўлган катта қизиқиш меҳр муҳаббат билан ёндашиш пухта билим синчков изланиш, ўткир мушоҳада маҳсулидир. Унда Навоий ва унинг

асарлари ҳаққоний ва ҳақиқий қимматини топган.

Биринчи бобга хулоса

Алишер Навоийнинг юксак бадиий маҳорати уни ўз даври адабий ҳаракатчилигининг марказий фигураларидан бирига айлантирди. Алишер Навоийдек буюк мутафаккир ижоди замондошлари назаридан четда қолмади, аксинча улар орасида тез шуҳрат қозонди. Замондошлари ўз асарларида А.Навоий ҳақида ёзар эканлар, унинг юксак маҳоратини қанчалик юқори ўринга қўйиб кадрлаганларини билиш қийин эмас. Жумладан озарбайжонлик шоирлар Кишварий, Ғавси Табризий, Фузулий, ўзбеклардан Лутфий, Бобур, шоир Мирзобек, форсийзабон Жомий, Абдуллоҳ Хотифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Восифий, Мирхонд, Хондамир, каби кўплаб шеърят гултожилари ўз асарларида шоир номини алоҳида бир ҳурмат билан тилга олганлар, шоир ҳақида атрофлича фикр мулоҳазаларини билдирганлар.

Ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида ҳам А.Навоийнинг илмий-адабиёт меросини ўрганиш бўйича анчагина жиддий ишлар қилинганлиги кузатилади. Бу борада айниқса Олимлар: Н.Маллаев, А.Рустамов, Суюма Ғаниева, А.Ҳайитметов, А. Қаюмов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлганлигини мамнуният билан айтиш мумкин. Унинг тилшунослик бўйича фаолияти, Б.Бафоев, Ё.Тожиев, М.Қодиров каби олимларнинг диққатини тортган. Ҳозирги кунда Алишер Навоий ижодини ўрганиш кенг қўламда олиб борилмоқда. Республикамиз ҳукумати, шахсан Президент И.Каримов Алишер Навоий ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

А.Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хорижий тадқиқотчи олимларнинг асосий ишларини ушбу бобимизда таҳлил қилдик. Фикримизни нафақат классик адабиёт, балки булар ҳақидаги хориждаги янгидан янги изланишлар билан ҳам боғлаб беришга ҳаракат қилдик.

Бизга шуниси маълумки, то мустақиллик кунларигача бизда миллий

адабиётларнинг чет эл адабиётлари билан алоқаси ҳам етарлича тадқиқ қилинмаган. Мавжуд ишлар эса ўзига хос бир ёқлама ёндашувларга эгадир. Жумладан, Т.В.Балашов, О.В.Егоров, А.Н.Николюкинларнинг “Совет адабиёти хорижда: 1917-1960 йиллар” номли китобида бой материал берилган, аммо у айрим нуқсонлардан холи эмас. Бунинг устига собиқ СССРнинг кўп миллатли адабиёти ҳақида АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларида кўп нарса билишмайди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиққандан сўнггина дунёда ўзбек миллати ҳам бор эканлиги Ғарбда танилиб қолди. Қўпол қилиб айтганда, А.Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк ўзбек мутафаккирлари ҳақида хорижликлар аниқ маълумотга эга эмасликлари яққол сезилиб қолди. Ўзбек адибларининг сақланиб келинаётган чет эл (АҚШ, Лондон, Франция ва б.) лардаги қўлёзма нусхалари ҳам форс - тожик адабиёти сифатида қараб келинганлиги маълум бўлди. Ва бу ҳолатга Америкалик олим Эдвард Олворд ва Немис олими Жанос Экман ўз тадқиқотлари билан аниқлик киритган.

Немис олими Жанос Экман ғарб Навоийшунослигининг кўзга кўринган вакилларидан бўлиб, унинг фаолияти натижасида Навоий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар қилинган ва буюк мутаффакир ҳақида ниҳоятда улугвор хулосалар чиқарган.

Америкалик олим Эдвард Олворд ҳам бу соҳада ўзига хос мавқега эга бўлган тадқиқотчилардан биридир. Эдвард Олворднинг *"The Modern Uzbeks"* (“Замонавий ўзбеклар”) китоби унинг диққатга сазовор ишларидан биридир. Ушбу асар айнан Алишер Навоий асари ва ижоди ҳақида бўлмас а-да, уни варақдар экансиз, Навоий билан боғлиқ жуда кўп ўринларни учратасиз. Сабаби ўзбек халқи ва Ўзбекистон тарихини, маънавиятини Алишер Навоийдан айрим ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас.

Таникли олим Эдвард Олворд Колумбия университетининг Марказий Осиёни ўрганиш маркази бошлиғи, собиқ иттифокдаги миллатлараро муносабатлар шарқий Россиянинг интеллектуал тарихи ҳақидаги 12 та китобнинг муаллифи, ҳаммуаллифи ва муҳарриридир.

2-боб: Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари

2.1. Алишер Навоий асарларининг ўзбек адабиётига таъсири

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳамда унинг бой ижоди ҳақида жуда кўп китоблар ва мақолалар тўплами нашр қилинган ва нашр қилинаётир. Лекин шунга қарамай Алишер Навоий ижоди шу қадар кенг ва кўп қирралики, бу навоийшунос олимларимизни янги текширишларга ундамоқда. А.Навоий ижодига унинг салафлари, замондошлари таъсири ҳамда Алишер Навоийнинг ўзидан кейинги ёзувчи ва шоирларга таъсири масаласи кўпроқ бизнинг ва олимларимизнинг диққатини ўзига тортганки, бу масала адабиётшунослигимизда шу вақтга қадар камроқ ўрганилган эди.

Алишер Навоий ўзидан аввалги илғор инсониятнинг асрлардан бери яратиб келган маънавий бойликларига ҳеч қачон лоқайд муносабатда бўлмаган. У башариятнинг илғор вакиллари тарафидан, халқнинг ўзи тарафидан ёзилган улуғ китобнинг деярли ҳар бир вароғини ўқиди, улар тарафидан яратилиб қолдирилган фикр дурдоналарини ахтарди, топди, ўрганди, уларнинг маъноларини атрофлича текширди, танқидий ўзлаштирди. Унинг ўзи шундай хабар беради:

«... Йигитлигим замони ва шабоб айёми овонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абъётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва ҳушҳоллиғидин ўзумни овутдибмен ва салоҳ фасодлариға фирк айтибмен ва махфий дақойиғаға тааммул ва тафаккурлар била етибмен...» [Навоий, Танланган асарлар, 3том, 1948, 200 б.].

Навоийнинг кечмиш маданий бойликларини кандачил синчиклаб, атрофлича ўрганганлигини, танқидий ўзлаштирганлигини унинг фақат биргина «Фарҳод ва Ширин»и мисолида олиб кўришимиз мумкин. Шу

асарни ёзиш учун Алишер Навоий ўз олдига узок мозийларга мурожаат қилиш, беҳад тарихни ўрганиш, афсоналарни билиш ва улардан фойдаланиш вазифасини кўяди.

Буюк тарихий шахсларни буюк даврлар яратади ва бу шахслар фақат ўзларини яратган замонгагина мансуб бўлиб қолмайдилар. Ҳар гал инсоният ўз тараққиётида янги, янада баландроқ поғонага кўтарилганида, ўтмишнинг тафаккур гигантлари ҳамроҳликка ва ҳамкорликка келадилар. Жамият ўзи янги тарихий довонга талпиниш пайтида ўтмишнинг ўша буюк сиймоларини мададкорликка чақиради.

Бу орада Алишер Навоийга муносабат масаласида бизнинг сафимизда доимо ҳамфикрлик, яқдиллик ҳукмрон бўлди, деб айтсак, инсофсизлик бўлар эди. Собиқ Совет даврининг турли босқичларида Алишер Навоийга муносабатимиз тарихида мароқли ва сабоқ бўларли лаҳзалар бор. Бу фақат хатолар тарихи эмас, балки бизнинг ўсишимиз тарихи ҳам.

Жумладан, 20-йилларда собиқ ўзбек совет адабиётшунослигида А. Навоийга, унинг даври, фаолияти ва ижоди ҳақидаги тасаввуримиз қанча тор бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ушбу ҳолатимиз шунча кенг ва чуқур бўлиб ортиб бормоқда-ки, улардаги ижобий томонларга баҳомиз аввалгига нисбатан беқиёс баланд бўлмоқда.

Бугунги кунда ўзбек фани ҳақли равишда, XV асрни Урта Осиё тарихида Ренессанс даври ва Алишер Навоийни эса шу инсоният тарихида ажойиб даврининг улуғ вакили деб тавсифлайди.

Алишер Навоий - ўз даврининг энг муҳим ижтимоий муамоларини пайқай олиш даражасига кўтарилган, келажакни, воқеликни олдиндан башорат қила олган, ўз асарларида катта бадиий қувват билан акс эттира олган ва шунинг учун жаҳон халқлари тафаккурида ва адабиётида энг мўътабар ўринлардан бирини эгаллаган ҳақиқатан буюк санъаткордир.

Алишер Навоийнинг ярим асрлик ижодининг якуни - фақат ҳажми жиҳатидангина бизни ҳайратда қолдирмайди, Монументал «Хозайн ул-маоний» ва «Хамса» асарларининг азамат ижодкори, «Маҳбул -

қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» каби нодир асарларнинг муаллифи, «зуллисонайн» лақабига сазовор бўлган шоир ўз ижодининг чуқур умумий инсоний мазмуни ва бадиий қудрати билан ўзини бадиий сўз соҳасида жаҳон классиклари бўлиб танилган сиймолар қаторига қўйишга тўла-тўқис ҳақли эди.

Алишер Навоий миллий тил учун, унинг таҳқирланишига қарши, унинг умумжаҳон маданияти хазинасидан баробар жой олиши учун курашган ва ўз она тилида юксак поэтик асарлар ярата олган киши бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Уйғониш даври Ўрта Осиё тарихида ҳам бўлган ва «Алишер Навоийнинг улуғ сиймоси жаҳон адабиётидан ажралиб қолган эмас. Ўзбек адабиётининг буюк асос солувчисининг ижоди ўзининг ғарбий ҳамфикрлари - Ренессанснинг шоирлари ва мутафаккирларининг ғоялари билан бевосита ҳамоҳангдир» [Жирмунский, 1967, стр.471].

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бой бадиий-илмий меросини ўрганишда собиқ совет даври фани ва хусусан, Ўзбекистон адабиётшунослари қатта ва муҳим ютуқларни қўлга киритган эдилар. Бу масалалар бўйича қанча - қанча манографиялар, китоблар ва рисоалар, илмий мақолалар ёзилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва республикаимиз олий ўқув юртларининг илмий Советларида бир неча докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақият билан ҳимоя этилди. Алишер Навоий асарлари бир неча бор нашр этилди ва ҳаммаси илмий жамоатчилигимиз ва зиёлиларимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Ўрта Осиёнинг буюк сиймоларидан бўлмиш Мавлоно Алишернинг маънавий мавжудлиги ва ғоялар дунёсини янада тугал ҳолда таҳлил ва тадқиқ этишнинг кенг имкониятлари яратилди ва яратилмоқда.

Улуғ шоиримиз ва олимимиз Алишер Навоий туфайли давлат миқёсидаги адабий тил даражасига кўтарилган ўзбек тили улкан ҳалқнинг адабий тили сифатида асрлар бўйи яшади ва мусулмон Шарқи деб аталган ўлкаларда кенг, кучли анъанани юзага келтирди. Бу анъана шу қадар

қудратли, шу қадар ҳаётӣ эдики, у мазкур ўлкаларда яшовчи барча туркий халқларнинг адабиёти, адабий тилларнинг шаклланиши ва ривожланишида жуда катта ва баракали таъсир кўрсатди. Бугина эмас, XV асрда ўзбекнинг шоири ва мутафаккири яратган ўлмас асарлар, биринчи навбатда, бадий асарлар, унинг ўз юртидагина эмас, балки бутун Шарқда - Олдинги Осиё, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонгача, кун чиқишдан то Хитой деворларигача яшаган эллар, ғарб-шимолда Волга бўйлари, Дашти Қипчоқда яшаган ўнлаб халқлар, уруғ қабилалар Алишер Навоий асарларини севиб ўқидилар ва руҳий озик олдилар.

Ҳозирги даврда жаҳон фондларида Навоий асарларининг қадимий қўлёзмаларидан бир қанчаси мавжуд. Шоир асарларининг бизга маълум бўлган ва жаҳоннинг турли фондларида сақланаётган қўлёзмалари ичида 50 га яқини XV асрнинг машҳур ҳаттоти Султонали Машҳадий қаламига мансуб бўлиб, ана шу нусхаларнинг кўпчилиги Султон Ҳусайн кутубхонаси учун махсус кўчирилган ва бу қўлёзмалар XV аср ҳаттотлик ва умуман китобат санъатининг нодир наъмуналари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Лекин шуни айтиш жоизки, Алишер Навоий йирик эпик асарларида илгари сурилган одоб, тавозе, саҳийлик, яхшилик, меҳр - вафо каби кишилик фазилатлари тўғрисидаги қарашлар шоирнинг «Хайрат ул-аброр» достонининг мақолатларида, «Махбуб ул-қулуб» асарларида, «Хамса», «Лисон-ут-тайр» асарларидаги барча ҳикоятларида бадий мужассамлангандир.

Алишер Навоий асарлари мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлса-да, у ўз асарларида «муносиб зл» - идеал инсоннигина мадҳ қилди

2.2. Алишер Навоий ва унинг асарлари ҳақида замондошлари

Алишер Навоий ижоди Шарқнинг кўп ўлкаларида кенг тарқалди. Унинг асарлари жуда кўп халқларга маъқул ва манзур бўлди. Унинг асарларини форсийзабон шоирлар орасида биринчи бўлиб замондошларидан Абдурахмон Жомий улуғлади. Жомий ўзининг «Баҳористон», «Нафохуту ул-унс» асарларида шоирни мадҳ этди, «Ҳирадноми Искандарий» достонида Алишер Навоий «Хамса» сани шу циклда ёзилган барча асарлардан устун кўйди. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ижоди форсийзабон шоирлар учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Алишер Навоий билан бир замонда яшаб ижод этган Абдуллоҳ Ҳотифий ўз «Хамса»си дostonлари катта қисмини Алишер Навоийга бағишлаган эди. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» дostonи 1486-1487 йиллар орасида яратилган. Бу асарлар мундарижасини кўздан кечирсак, VII боб «Мир Алишер таърифиди» деб, ушбу боб шоир ижодига бағишланганининг гувоҳи бўламиз.

Худди аввалги дostonи каби «Ширин ва Хусрав» дostonида ҳам асосан Алишер Навоий мадҳи берилади:

Чу монӣ дар қалам, Рустам ба шамшер,

Низоми давлату миллат - Алишер ...

Ҳақиқатдан ҳам кўп форсийзабон шоирларнинг камолга етиши, ижодий камолотида Алишер Навоийнинг сезиларли ижобий таъсири бор. Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Камолиддин Биноий, Мавлоно Осафий ҳам шулар жумласидан эди.

Давлатшоҳнинг «Тазкират уш - шуаро», Восифийнинг «Бадое ул вақое» асарларида, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарларида Алишер Навоий ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Мирхонд «Равзон ус-сафо»нинг еттинчи жилдида Алишер Навоий ҳақида шундай дейди: «Ман дар вақти таҳрири ин порча ба навиштажоти дигарон тобеъ шуда, таваллуди Алишерро дар Ҳирот нишон дода будам.

Аммо баъд аз таҳрир, аз хотимаи «Равзат ус-сафо»дар порче, ки дар вай шаҳри Сова зикр ёфтааст, маълум гардид, ки Алишери Навоий дар шаҳри мазкур - Сова таваллуд ёфта буда аст».

Алишер Навоий дўсти Султон Ҳусайн Байқарога кўп яхшилик қилади, хатто «Ҳамса»сида ҳам кўп жойларда унинг номини тилга олади, уни тугатиб, Султонга тақдим этади. “Алишер Навоий, - деб ёзади у “Рисолаи Ҳусайн Байқаро” да турк тилининг ўлган жасадига Масих анфоси била рух киюрди» [Иззат Султон, 1969, 10-бет].

Шубҳасиз, Ҳусайн Байқаро Алишер Навоий «Ҳамса»сига катта кизиқиш билан қаради ва бу ҳақда у ўз рисоласида шундай дейди:

«... Ва алҳақ чун ҳумоюн фурсатда ва бу рўз афзун давлатда «Ҳамса» (тугалланиши биланоқ шу 1485 йилнинг ўзида яратилганига аниқ равшан ишора этади С.) панжасиға илик урди ва онинг итмомиға жаҳд келтурди» [Иззат Султон, 1969, 9-бет].

Бундан ташқари Алишер Навоийнинг алоқаси замондоши темурийлардан бўлган шоҳ Захириддин Мухаммад Бобур билан ҳам яхши бўлган. Улар фақат мактублар орқали, ўзаро асарлар юбориш билан алоқа боғлаганлар. Бунга Мирзо Бобурнинг қуйидаги сўзлари гувоҳ: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати келиб эди. Мен ҳам бир китобат ймбориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим» [З.М.Бобур, Тошкент,1960, 142-бет]. Яна бошқа бир саҳифасида: «Андижон эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқдур. Элининг лафзи қалам била ростур. Анинг учунким, Мир Алишернинг мусаннафоти бовожудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур» [З.М.Бобур, Тошкент,1960, 60-бет].

Хуллас, Алишер Навоий ижодига, унинг салафлари ва замондошлари таъсири кучли бўлган, ўша давр адабий жараёнида муҳим ўрин тутганлигини кузатамиз.

2.3. Алишер Навоий тилининг фонетик хусусиятлари ва лексикасидаги баъзи масалалар

Алишер Навоийнинг ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлса, унинг тилини, лингвистлик фаолиятини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш ҳам шунчалик зарур ва аҳамиятлидир. Лекин бу соҳада шу вақтга қадар қилинган ишлар ҳали етарли эмас. Алишер Навоий тилининг диалектал асослари, унинг таркибий қисми ва ҳозирги тилимиздаги илдишлари, шунингдек Алишер Навоий тилининг ҳозирги тилимиз билан алоқаси ҳамда унинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва етакчи ўзбек шеваларига муносабати каби бир қатор муҳим масалалар ҳанузгача қўл урилмасдан қолиб келмоқда.

Юқорида қайд қилингандек, бу масалаларга жавоб бериш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ичида энг муҳими Алишер Навоий тилининг фонетик системасини, хусусан ундаги унлилар системасини аниқлаш масаласидан иборатдир.

Ана шундай калитни топишга биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, профессор К.К.Юдахин киришди. У ўзининг 1929 йилда «Культура и письменность Востока» деган журналнинг V сонидан эълон қилинган «Материалы к звуковому составу чигатайскогго языка» деган мақоласида Алишер Навоий ва унинг замондошлари тилининг товуш таркибини белгилашнинг қизиқ бир йўлини таклиф қилди.

Лекин бу экспериментдан баъзи бир туркшунос олимлар унчалик қаноат ҳосил қилмадилар. Масалан, марҳум профессор А.К. Боровков, К.К.Юдахиннинг бу экспериментига баҳо берар экан: «Это очень соблазнительная мысль может быть подвергнута сомнению в силу того, что для доказательства её были привлечены четверостишия - туюги поэтов хронологически и географически весьма далёких друг от друга» деб ёзган ва ўз фикр мулоҳазаларини баён этган эди [Боровков, 1946, стр.104].

Шундай қилиб, Алишер Навоий тилининг вокализми составини

текширган совет туркшуносларининг асосий қисми Алишер Навоийнинг тили сингармонизм қоидасига тўлиғича амал қилмаган бўлса керак, лекин унда жуфт унлилар ҳали бир-биридан фарқ қилинган ва улар маъно ажратиш аҳамиятига эга бўлган деган хулосага келади.

А.Навоий тилининг фонетик системаси ҳақида чет эл олимлари ҳам иш олиб борганлар. Масалан, Янос Эккман Ж.Дени таҳрири остида чиққан «Турк филологияси асослари» деган тўпламдаги «Чигатой тили» деган ишида Алишер Навоий тилининг фонетик системасини ўқувчиларга сингармонизм укладли тўққиз фонемали вокализмга эга бўлган фонетик система сифатида тақдим қилган. Унинг фикрича, Алишер Навоийнинг тилидаги унлилар состави *i, i, e, a, a, u, o, o* лардан иборат бўлиб, у ҳозирги ўзбек тилининг кипчоқ шевалари ёки ҳозирги озарбайжон ёки турк тилининг фонетик системасидан деярли ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди.

Алишер Навоий тили ваколизмининг таркибига оид бўлган юқоридаги гаплар шоир тилининг диалектал асосларини ўрганишда бевосита хизмат қилади.

Шундай қилиб, XV аср ўзбек адабий тилининг фонетикаси ҳозирги замон ўзбек тили [Махмудов,1964, стр.4-120] ва X-XIII асрлар ёдномалари тилининг фонетикасидан [Решетов,1961,стр.13-58] ўзининг баъзи хусусиятлари билан фарқ қилади.

XV аср ўзбек тилининг унлилари ҳақида биринчи маълумот берган киши улуғ шоиримиз Алишер Навоийдир. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек шеърятининг қофияси хусусиятларини форс қофияси билан чоғиштириб, ўзбек тили вокализмининг ўша даврдаги ҳолатини тавсифлаб берган [Навоий. Танланган асарлар, 3 том, 1948, 183-184 бб.].

Алишер Навоий тилида 25 та ундош фонема бор: б, п, ф, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ж, ж, ч, к, г, қ, ғ, н, й, х, х, ь.

Алишер Навоий давридаги ўзбек адабий тилида қадимги турк тилида мавжуд бўлмаган ундош тошувлар вужудга келган.

Баъзи товушлар Алишер Навоий тилида қадимги турк тилида учрамайдиган позицияларда ҳам қўлланадиган ҳолатга келган.

Ўзбек тили фонетикасига бу жараёнда қисман араб ва тожик тилининг ҳам таъсири катта бўлган.

Алишер Навоий тилида сингармонизм қонунлари сақланган. Лекин сингармонизмнинг бузилишга замин ҳозирлана бошлаган.

Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини белгилаш учун олим ва унинг замондошларининг тилини фонетик томонларигина эмас, балки грамматик, лексик ва стилистик, лозим бўлса, фольклор, этнография, шеър ўлчови томонлардан ҳам тўла ўрганиб чиқиш керак бўлади.

Дарҳақиқат, А.Навоий тилининг лексик ва грамматик томонларига йўл-йўлакай кўз ташлаган тақдирда ҳам унда юқоридаги сингари муаммоларни ҳал қилиш учун жуда кўп ҳужжатлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, ҳозирги шаҳар шеваларининг деярли ҳаммасида тилимиздаги «ит» ва «кучук» сўзлари биргина «кучук» сўзи орқали ифодаланади. А.Навоийнинг тилида эса «ит» ва «кучук» сўзлари бир-биридан маъно жиҳатидан фарқ қилади. Агар «ит» сўзи катта итни англатса, «кучук» сўзи унинг боласи ёки кичик ёшлисини билдиради.

Гар кучук бирла хўтиқни қанча қилсанг тарбият,

Ит бўлур, эшишак бўлур, бўлмастар асло одами.

Бу мисоллардан кўринадики, ушбу ўринда Алишер Навоийнинг тили лексик - стилистик нуқтаи назардан ҳозирги шаҳар шеваларига эмас, балки қипчоқ шеваларига яқинлашади.

Алишер Навоий форс-тожик сўз санъаткорлари билан ижодий мусобақалашди. У «Мезонул авзон» асарида шундай ёзади: «... Ажам шуароси ва фурс фусақоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва ва намойиш бериб эдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидаким, маъни абкорига зийнат ва оройиш кўргузиб эрдилар, чигатой лафзи билан рақам урдум».

Алишер Навоий ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан -

синонимлари ва омонимларидан, халқ мақол ва маталларидан, фразеологик, идиоматик бирикмаларидан, жумла тузилишидан кенг фойдаланди. Ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойлигидан ижодий фойдаланган Мир Алишер унинг форс-тожик тилидан бой эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоий ўзбек тилидаги синонимлардан усталик билан фойдаланди. Ўзбек тилида турли маъно нозикликларини ифодаловчи синонимик жуфтликларига эса бўлган феъллардан юзтасини “Муҳокаматул луғатайн”да санаб ўтади: «бу юз лафздурки ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар» [Навоий. Танланган асарлар, 3 том, 1948, 178 б.].

Алишер Навоий ўзбек тили омонимларга бойлигини ва улар орқали шоирлари гўзал туюқлар ҳам яратганликларини таъкидлайди.

Алишер Навоий лексик меъёрларни белгилашда турмушнинг турли соҳаларига тегишли бир қанча туркий сўзларни ўз асарларига сингдиради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Озиқ-овқат номлари.
2. Чорвачиликка оид сўзлар.
3. Кийим - бош номлари.
4. Ов-ҳайвонларни номлари.

Алишер Навоий ўзбек тилининг ўзига хос лексик хусусиятларини кўрсатар экан, ўз навбатида, у форс тили лексик бойликларидан ҳам баҳраманд бўлади. У ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилашда араб, форс-тожик сўзларидан ҳам унумли фойдаланди. Айрим тушунчаларни ифодалашда бошқа тилдан сўз олиш зарур ва шарт деб билди.

Умуман, Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини меъёрлаштирар экан, у бу тилнинг бадий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканлигини исбот қилиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга даъват этади.

Гурбатга тушуб заиф бемар олдум,

Дарду ғам, меҳнат илкида зар олдум.

Иккинчи бобга хулоса

Биз 2-бобимизни мутафаккир Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари: Навоий тилининг фонетик хусусиятлари, Навоий асарлари лексикасининг баъзи масалалари, А.Навоий ва унинг асарлари ҳақида замондошлари каби кичик бобларга ажратиб ўргандик. Биз мавзуимиз доирасига кириб борар эканмиз, даставвал шоир ижодидаги энг муҳим ана шу нукталарга тўхталиб ўтишни ўзимизга лозим деб топдик. Айнан шу мавзунини танлашдан мақсадимиз Алишер Навоийнинг таълимоти ва фикрларини биз тарихий нуқтаи назардангина, яъни А. Навоийнинг адабий тилни асослаш соҳасидаги хизматлари ва адабий тилимизнинг босиб ўтган тараққиёт йўллари сифатидагина ўрганиб қолмасдан, айтилиши мумкин, биз А.Навоийнинг фикр-мулоҳазалари, тутган йўли, таълимоти ва сабоқлари, хусусан унинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини, ўзбек тили лексикасининг қанчалик бой ва сермазмун, ўзгача бир жозобага эга эканлигини ҳозирги тилимизнинг муаммолари билан боғлиқ равишда ўрганмоғимиз лозим деб билдик.

Алишер Навоийнинг асарларида, байт ва ҳатто бир мисрасида яширинган маъноларни яхши тушунишнинг асосий шартларидан бири, бизнингча, туркий (ўзбек) тилининг фонетик қонуниятлари ва талаффузи нормаларини назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам етарли даражада яхши ўзлаштириш орқали бўлади. Шу билан бирга, А.Навоий ўқиш, ўқиш ва тушуниш учун олим яшаган даврдагидек, ҳозирги даврда ҳам маълум шартлар талаб қилинади, булар тилшунос олимлар фикрича қуйидагилардир:

- биринчидан, Навоийни тушунишда умумназарий билим ва умумий савия,
- иккинчидан, текстологик - манбашунослик билими,
- учинчидан, А. Навоийнинг тил маҳоратини ва сингармонизм қонунини тўла тушуниш ва жуфт унлилар, жуфт аффиксларни фарқлай билиш, айниқса, туркий тилдаги оҳангдошлик қонуниятини яхши билиш талаб

қилинади.

Юқорида санаб ўтилган билим ўта муҳим, сабаби улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ижодиёти ниҳоятда кенг кўламли ва серқиррадир. Шунинг учун унинг илмий, адабий меросини тадқиқ қилиш ишлари турли формаларда тобора ривожлантирилмоқда.

Мазкур илмий ишимиз, ундаги материаллар, бир томондан, бизда улуғ шоир мерос устида катта қизиқиш ва муҳаббат билан илмий изланиш ишлари олиб боришга ундаса, иккинчи томондан, Алишер Навоий ижодиётининг бениҳоя кенглигини, унинг ечилмаган, лекин ҳал этилиши зарур ва фойдали бўлган масалалар ҳали кўп эканидан далолат беради.

3 – боб. Алишер Навоий афоризмларини англиз ва ўзбек тилларида луғавий талқини

3.1. Алишер Навоийнинг хикматли сўзларини хорижда ўрганилиши

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ тараққиётининг тарихи бу фақат ички тараққиёт тарихи бўлмай, балки ўзга миллат, ўзга халқлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихи ҳамдир. Ҳар бир алоҳида олинган киши бошқа кишидан бирор нарсани ўргангани каби ҳар бир миллат ҳам миллатдан бирор нарсани ўрганиши мумкин ва лозим, чунки бусиз тараққиёт бўлмайди.

Адабиётимизнинг жаҳоншумул аҳамияти бир қатор жиддий ишларда ёритилган. Шу фактдан келиб чиққан ҳолда бизнингча адабиётшунослик фанимизда собиқ СССР халқлари миллий адабиётини ҳар томонлама таҳлил қилиниши керак эди. Аммо илмий адабиётларнинг таҳлил жараёни шуни кўрсатиб турибди-ки миллий адабиётимизнинг чет эл адабиётлари билан алоқаси ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган.

Хатто собиқ СССР ФА М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти нашр этган кўп томли тақикотда ўзбек адабиётининг хорижда тарқалиши ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмаган. Фақат С.Айний, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор номлари тилга олиб ўтилади, холос. Т.А.Мотилеванинг «Дўст ва душманлар нигоҳида Совет адабиёти хорижда» китобида ҳам шу нуқсонлар мавжуд. Муаллиф собиқ СССРнинг кўп миллатли адабиёти ҳақида АҚШда кўп нарса билишмайди, Ғарбда Совет давлатининг миллий сиёсати ҳақида куракда турмайдиган фикрлар мавжудлигини қайд этади, холос.

Тўғри, кейинги йилларда миллий адабиётларнинг халқаро алоқаларига бағишланган махсус асарлар пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон худудида яшаган халқларнинг маданияти катта қимматга эга бўлиб, буни Европаликлар эътиборларидан қочирмаган эдилар.

Ушбу бобимизда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хорижий

тадқиқотларнинг асосий ишларини таҳлил қиламиз. Диққатимизни нафақат адабиётшунослик ишларига, балки шоир асарларининг чет тилларидаги таржималарига, шунингдек у ҳақдаги хорижда яратилган бадиий - биографик асарларга урғу бериб ўтамиз. Ҳозирги кундаги хориждаги янгидан - янги изланишлар борасидаги илмий талқинларимизни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг давлатни бошқаришдаги фаолияти фақат ўзбекларнигина эмас, балки бошқа халқлар, энг аввало тожик, туркман, азарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, афгон ва кўпгина бошқа халқларни қизиқтириб келган. Осиё ва Шарқда буюк инсонпарвар Мавлоно ижодидан хайратга тушмаган ва ундан ўрганмаган бирор шоирни топиш қийин.

Алишер Навоий асарларининг талайгинаси Европа тилларига таржима қилинганлиги ва нашр этилганлиги Европалик олимларнинг Шарқнинг буюк мутафаккири ҳаёти ҳамда илмий ижодига қизиққанликларидан далолат беради.

А.Навоий ижодини ўрганишга қизиқиш Европалик тақиқотчиларда XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX аср бошларида кучайди. Алишер Навоий ижодини ўрганишга М. Катример, М.Белин, Е.Риё, А.Вамбери, М.Никитский ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Француз шарқшуноси М.Катример Алишер Навоий ижодини ўрганишда кўп ишларни амалга оширди. У Европада биринчи бўлиб 1841 йилда «Икки тил баҳси», «Форс шоҳлари тарихи» ва бошқа матнларни эълон қилди. Бу матнлар Алишер Навоийнинг Париждаги қўлёзмалари асосида ёзилган эди.

Француз шарқшуносларидан яна бири М. Белин Европада илк бор А. Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида мақола ёзди. У бунинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан, шоирнинг айрим асарларига бағишланган қатор илмий мақолалар муаллифи сифатида танилиб, Алишер Навоийнинг айрим асарларини «Журнал Азиатик»да чоп эттирди. [«Журнал Азиатик» 1861. 175-256 – бетлар]. Буюк мутафаккир ижодини ўрганишда машхур рус олимлари

М.Никитский, И.Н.Березин, В.В.Вильяминов, Зернов,
Н.И.Ильминскийларнинг роли алоҳида муҳимдир.

1856 йилда М.Никитский Петербург шаҳрида «Амир Низомиддин Алишер давлат ва адабиёт арбоби» мавзусида магистрлик диссертациясини ёқлади. Бу иш ўз моҳиятига кўра Европадаги биринчи фундаментал илмий иш эди.

Машҳур инглиз шарқшуноси Чарльз Риёнинг асарлари Европада А.Навоийнинг ижодий меросини ўрганишда янги босқич бўлди. 1988 йилда Чарльз Риёнинг Лондонда «Британия музейида сақланаётган турк кўлёмаларининг тавсифи»ни нашр этди.

Ўзбек шоири Алишер Навоийнинг бебаҳо асарлари Британия музейидан ташқари Туркия, Кембридж, Оксфорд, Вена ва Париж кутубхоналарида сақланмоқда. Инглиз шарқшуноси Эдуард Браун ва Е.Ж.Гибб ўз асарларида буюк шоирнинг ижодий мероси ва шахсига катта аҳамият бердилар. Бундан ташқари Бахти, Лами, Челеби, Сехн Бег ва бошқа кўпгина турк шоирлари А.Навоий ижоди билан яхши таниш бўлганлар.

Машҳур Француз ёзувчиси Луи Арагон, немис ёзувчиси ва жамоат арбоби Альфред Курелла, Вильгельм фон Гумбольдт номли университетнинг доктори Дарис Шульцлар Алишер Навоий ижоди ва адабий меросини чуқур ўргандилар ва шарҳладилар.

Доктор Г. Дудек ўзининг ўзбек адабиёти ҳақидаги асарида Алишер Навоий жаҳон адабиётига мансуб шоирдир, деб таъкидлайди.

Кейинги йилларда Алишер Навоий асарлари инглиз, немис, француз, поляк, румин тилларида нашр этилди.

Шоир шахси ва ижодига қизиқиш асосан океан оша Америка қитъасига етиб борди. Америкалик ёзувчи Хоральд Лэмб ўзининг «Бобур - йўлбарс» асарида бир неча оташин саҳифаларни Алишер Навоийга бағишлаб шоирнинг буюклигини, давлат арбоби сифатидаги фаолиятини тарифлаган. (Хоральд Лэмб, «Бобир шер», Нью Йорк, 1961; 151-бет).

«А.Навоий - сўзсиз жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган шоирдир -деб

ёзади Ж.Уиллер - афсуски, уни ғарб шарқшунослари яхши ўрганишмаган. Унинг исми Ислом қомусининг биринчи нашридан ўринсиз тушириб қолдирилган».

«Ифода формасини эътиборга олиб фақат текст мазмунинигина бир тилдан иккинчи тилга кўчиришни таржима дейиш мумкин», - деб ёзади профессор И.Р.Гальперин [Гальперин, 1950, стр.139].

Демак, таржимада умумий маънога асосланиш мақсадга мувофиқдир. Қиёсий типологияда қўлланиладиган система мувофиқликларнинг топилиши таржима учун етарли эмас, чунки «Таржиманинг вазифаси бошқа тилга грамматикани эмас, балки таржима тексти мазмунини етказишдир» [Жолковский, 1961, стр.18].

Эски ўзбек адабий тилида ёзилган Алишер Навоий қаламига мансуб асарни таржима қилиш юқоридаги фикрларимиздан кўриниб турибдики, таржимондан катта масъулият талаб қилиши табиий. Бу ҳол таржимондан икки тилни мукамал билиш, муаллиф ижоди билан яқиндан таниш бўлишни тақоза этади. Зеро, таржимон маълум бир асар ҳақида чуқур маълумотга эга бўлгандагина уни меъёрига етказиб таржима қилиши мумкин. Масалан, Алишер Навоий ижодида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қуйидаги афоризмлар билан унинг таржимасини таққослаб кўрайлик:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,

Ёр ўлинг бир-бирингизгаки эрур ёрлиг иш.

(Uzbek)

Поймите, люди всей земли: вражда-плохое дело,

Живите в дружбе меж собой - нет лучшего удела.

(Russian)

*Know, all human kind: The greatest curse is enmity;
the greatest blessing - amity.*

Like to hangman are physicians who are quacks;

Poison can kill as surely as the axe.

(English)

Бундан кўришиб турибдики, таржимада текст айнан сўз-сўз таржима қилинган деб бўлмайди, балки ўқувчига текстнинг асосий мазмуни етказиб берилса бас. Демак, таржимон таржима жараёнида асл нусхадаги сўз ёки иборага мос келадиган тил бирлигини тўғри танлай олиши керак. Биттагина сўз ёки ибора таржимада ноаниқ берилса, у иккинчи тилда яратиладиган матн мазмунига салбий таъсир қилибгина қолмасдан, балки бутун матн мазмунини берилгандан тамоман бошқа мазмунни келтириб чиқариши мумкин.

Жумладан, таниқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломов ҳақи равишда шуни қайд этадики: "Таржимон тил соҳасида ижод қилади. Тилнинг асосий қурилиш материали эса сўздир. Бадиий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар - бадиийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топади ва сўз орқали реаллашади. Бинобарин, сўз танлаш бадиий таржимада бирламчи аҳамиятга эга" [Саломов, 1983, 73-бет].

Шундай қилиб, юқоридаги фикрга қўшимча равишда шуни илова қиламизки, маълум бир шоир ёки ёзувчининг ҳаёти ва ижоди билан имкони борича чуқурроқ маълумотга эга бўлган таржимонгина муайян матнни қандай бўлса шундайлигича тушуниши ва уни таржимада аслият руҳига мос ҳолда бериши мумкин.

Биз мазкур бобимизда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини чет эл тадқиқотчилари назарида кўриб чиқамиз. Зарур ўринларда чет эл шарқшунос олимлари таржималаридан фойдаланиб, фикримизни кенг ва чуқур тарзда ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга илмий ишимизнинг ушбу мавзусига нисбатан ўз муносабатларимизни билдириб борамиз.

Жеффри Уиллер ва бошқа бир қанча советшунос олимларимизнинг тан олишларича, Алишер Навоий ижоди ҳали ғарбда етарлича ўрганилмаган ва унинг меросига жиддий қизиқиш эндигина уйғонмоқда. Кейинги йилларда Алишер Навоий асарлари аста-секинлик билан инглиз, рус, немис, француз,

поляк, румин тилларида нашр этилди ва нашр этилмоқда. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Жумладан, Венгриялик шоира ва таржимон Элизабет Бродская 1966 йилда А. Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини тўлиқ венгер тилига таржима қилди.

Асосий машғулоти форс классикларининг асарларини таржима қилиш бўлган файласуф, шоир, таржимон Лами Челеби эски ўзбек тилини билган ва бу тилдан Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асарини турк тилига ағдарган ва мослаштирган.

Умуман олганда, Европа китобхонининг А. Навоий асарлари билан танишуви 1557 йилда италян тилига "Сабъайи Сайёр"ни таржима қилиниши билан бошланди. Китобнинг немисча матни 1583 йилда Базелда босилди, 1719 йилда китоб француз тилида, 1766 йилда голланд тилида чиқди.

Шу тариқа Алишер Навоий Европа мамлакатларига ташриф буюрган.

Руслардан атоқли турколог олим С. Н. Иванов шоирнинг "Лисон ут-тайр" достонини қадимги ўзбек тилидан русчага шеърый таржима қилди.

1967 йили Владимир Державин Тошкентга келиб, улуғ мутафаккир шоиримиз А. Навоийнинг "Хамса" туркумига кирган "Садди Искандарий" ва "Ҳайратул аброр" Достонларини рус тилига ўгириш устида астойдил ва узоқ вақт меҳнат қилди, унинг "Хамса"дан қилган таржималари бадиий таржима санъатининг ноёб намуналаридандир.

А.Навоий "Хамса"сидан биринчи бўлиб "Фарҳод ва Ширин" достони рус тилига таржима қилинди. Унинг шеърый таржималари билан шоир таржимон Лев Пеньковский шуғулланди. Диққатга сазовор томони шундаки, таржимон достонда қўлланган афоризмлар мазмунини сақлаб қолди.

Жумладан:

"Любовь для нас, как власть царям, - сладка,

Но есть соблазн и в доле бедняка".

ёки:

"Предвестник смерти наша седина,

На древе жизни - изморозь она..."

"Хамса"нинг кейинги достони "Лайли ва Мажнун" 1943 йилда биринчи бўлиб шеърӣ йўл билан Семён Липкин томонидан рус тилига таржима қилинди. 1841 йили француз шарқшунос олими Катремер Этьен Марк шоирнинг " Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Таърихи мулки Ажам" асарларини француз тилига ўғирди [Маллаев, 1978, 18-19 бб].

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида (1991 йили) Йўлдош Парда ва немис шоираси Нора Пфферер Навоӣй ғазал, рубоӣй, қисса ва ҳикматли сўзларидан бир нечасининг шеърӣй таржималарини немис тилида яратдилар. Шу йили Доротеа Баклицкая Алишер Навоӣйнинг "Муножат" асарини русча таржимадан немисчалаштирди.

Хуллас, Алишер Навоӣй асарларининг немис тилига таржима қилиниши тарихи 400 йилдан ортиқ даврни қамраб олади. Бу кам давр эмас. Лекин Вамберидан то А.Куреллагача бўлган 100 йиллик давр ичида Алишер Навоӣй ижодига немис таржимонларидан деярли ҳеч ким мурожаат этмади. Муҳтарам А.Курелла бошлаб берган хайрли иш ҳам мана 40 йилдирки, ўз давомчиларини топмади.

Француз таржимон олимларидан Арагон, Белен, Блоше ва Бувалар Алишер Навоӣй ижоди билан қизиқиб шоир асарларини таржима қилдилар. Француз шарқшунос таржимони Белен таржималаридан наъмуналар келтирамиз:

Билмаганни сўраб ўрганган - олим,

Орланиб сўрамаган - ўзига золим.

Qui ne sachant rien, demande et apprepd devient savant,

que ne demande past commet une injustice envers soi-me"me.

Ушбу бобда биз А.Навоӣй афоризмлари ҳақида сўз юритамиз. Хўш, афоризм нима, бу атама адабиётшунослик ва тилшуносликда қандай маъноларни англатади каби бир қатор саволларга жавоб излаш жараёнида бу мавзуга илмий жиҳатдан ёндашиб, унинг ичига кириб борамиз.

«Афоризм» сўзи грекча ҳикматли сўз, аниқ маъно каби мазмунни англатади. Бу атама қадим замонлардан мавжуд бўлиб, дастлаб оғзаки -халқ

жонли тилида мақол, матал, таъбир, ибора кабиларни англатган эса-да, кейинчалик ёзма адабиётдаги қисқа, ихчам, аниқ, бадий фалсафий жумлаларни, байт ва мисраларни, баъзан кичик парчаларни ҳам ўз доирасига қамраб олган. Ўзбек тилида афоризм атамаси юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ҳикмат, ҳикматли сўз деб ҳам юритилади.

Афоризмнинг юқорида айтилган ёзма адабиётга хос иккинчи маъноси ўзининг ғоявий - бадий жиҳатдан юксаклиги, сиқик ва ўткир мантиқи, фалсафаси билан буюк шоир Алишер Навоий ижоди учун жуда характерлидир.

Алишер Навоий афоризмларини тадқиқ қилиш, биринчидан, шоирнинг асосий фалсафий қарашларини характерлашга ҳамда ўша давр этика ва эстетикасининг турли томонларини ёритишга кенг йўл очиб берса, иккинчидан, унинг асарлари тилини, бадий маҳоратини ўрганишнинг энг муҳим қисмини ташкил қилади.

Буюк шоир асарларидаги афоризмлар осонликча яратилмади.

Алишер Навоий афоризмларининг вужудга келишида ўзбек ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижоди энг асосий манбалардан бири бўлди.

Демак, Алишер Навоий афоризмларининг энг биринчи асосий манбаи ўз даврининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётидир. Ҳикматларнинг асосий қисми буюк мутаффақирнинг ижод маҳсули бўлиб, ахлоқий қарашларининг, бутун гуманизмининг барча томонларини қамраб олган. Шу билан бирга, Алишер Навоий форс, ўзбек ёзма адабиётлари, айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб, ғоявий - мавзуий жиҳатдан ранг-баранг ҳикматли сўзларни яратган ҳассос шоир ва адибдир.

Мавзусига қараб, ҳикматли сўзлар турли-тумандир. Улар ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маънавий турмуш, кишилар хулқ атворидан келиб чиқиб қуйидагилардир:

1. Ота - она тўғрисида.
2. Саломатлик тўғрисида.
3. Донолик тўғрисида.

4. Табиат тўғрисида.
 5. Тинчлик тўғрисида.
 6. Меҳнат тўғрисида.
 7. Ростгўйлик тўғрисида.
 8. Дўстлик тўғрисида.
 9. Фарзанд тарбияси тўғрисида.
 10. Илм фазилати тўғрисида ва бошқалар.
- Хуллас, ушбу бобимизда А.Навоий афоризмларига кенг тўхталиб ўтамиз.

3.2. Алишер Навоий афоризмлари ва уларнинг адабиётдаги ўрни ва аҳамияти

Буюк шоир асарларидаги беҳисоб ҳикматли сўзлар осонликча яратилмади. Бунинг учун А.Навоий, юқорида айтганимиздек, бадий ижодиёт соҳасида туркий ва форс-тожик адабиётидан чуқур таълим олди, салафларнинг анъаналарини ўз даврининг илғор ғоялари билан бойитди, халқ оғзаки ижодиёти ва халқ жонли тилидаги бебаҳо жавоҳирлар-мақол, таъбир, ибораларни териб олди, уларга ижодий ёндошиб асар талабига мувофиқ қайта ишлади. Буларнинг барчаси Алишер Навоий ҳикматларининг яратилишида асосий манбаа бўлиб хизмат қилади. Унинг барча ҳикматли сўзлари ўша даврнинг кенг ва долзарб масалаларини ўзига камраб олди. Бутун умри давомида жамият, турмуш, табиат воқеа - ҳодисаларини буюк файласуф ва донишманд сифатида кузатган Алишер Навоий узининг афоризмларини чуқур мантикий хулосаларга келиш натижасида яратди. Унинг кўп ҳикматли сўзлари ўзбек вариантларига эга. Қайта ижодий ишланган халқ мақоллари шоир ижодхонасида афоризмларга айланган.

Жумладан:

Халқда:

“Нима эксанг шуни ўрасан”

Алишер Навоийда:

*Мазраъи даҳр аро соч лутф ила эҳсон тухми,
ар не эксанг, ани - ўқ чунки ўрарсан охир.*

(Б.В.176)

Халқда:

*«Қозонга яқин юрсанг қароси юқади,
Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқади».*

Алишер Навоийда:

*Яхшилар ичра ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ямонлар била бўлди ямон бўлдило.*

(Б.В. 574)

Кўмур аро илик урғон қилур илигини қаро.

(Ф.К. 747).

Юқорида келтирилган мисолларда олинган мақоллар байтлар мазмунига сингдирилган.

Алишер Навоий афоризмлари ҳаётийлиги, жозибаторлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради. Ушбу жараён Алишер Навоий ижодининг тегилмаган қирраларидан бири сифатида тадқиқ қилиниши керак бўлган долзарб мавзулардан биридир. Буюк мутафаккир асарларига қизиқиш, уни ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш нафақат ўзбек миллатининг балки хорижликларнинг ҳам унинг адабий мероси билан яқиндан танишишга олиб келмоқда. Унинг асарлари ғарб китобхонлари томонидан ҳам севиб ўқилишига ишончимиз комил.

Бироқ Алишер Навоий асарлари таржима вариантларининг ҳали етарлича эмаслиги ҳали бу борада кўплаб илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлигини яқдил таъкидлаб турибди. Ҳозирги кунга қадар нашрдан чиққан Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларининг оригинал (ўзбекча) вариантининг ўзи ҳам санокли даражада эканлиги, бизнинг бу борада камчилигимиздан далолатдир.

Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари собиқ Совет Ўзбекистонидан 1968 йилдагина Ҳамид Сулаймон нашрида оригиналда, русча, немисча, инглизча, французча, форсча, японча таржималари билан нашр этилган. Биз худди шу китобчада берилган таржималаридан наъмуналар кўриб чиқамиз. Уларга танқидий кўз билан қараб, икки ва ундан ортиқ тиллар доирасида уларни таққослаб ўз фикр-мулохазаларимизни баён этамиз. Албатта, таржимоннинг иш услуби билан танишган ҳолда ҳикматларнинг асл руҳи, мазмуни сақланиб қолганми ёки аксинча, таржимада таржимон қандай қийинчиликларга дуч келганлигини қиёслаб ўрганиш жараёнида илғаб оламиз.

Юксак маҳоратни тарғиб этувчи бу ҳикматлар ўзининг моҳирона

бадий ифодасига эга бўлиши билан янада қимматли эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Павде де Куртейл таржима манбаи сифатида рус шарқшуноси Н.И.Ильинский, Лейден ва Эрскиндан фарқли ўлароқ нашр эттиришдан олдин Захириддин Мухаммад Бобур ва Алишер Навоий асарларини ўқишга мўлжалланган луғатни тайёрлаб нашр эттирди. Француз Павде де Куртейл шарқшуносларнинг тан олишича, Алишер Навоийнинг хикматли сўзларини таржимаси билан Европа шарқшунослигига қўшган катта ҳиссаси бўлибгина қолмай, балки бутун туркологияни ҳам бойитган.

Профессор Э.Баренбаумнинг кизиқиши уни Европадан Осиё кутубхонасигача етаклаб келди. У А.Навоийни турк шеърляти ва прозасининг устаси деб атаб, бундай ёзади «у(Алишер Навоий-С.С) ёлғиз ўзи бирор кишининг ёрдамисиз мусулмон Ўрта Осиёнинг маҳаллий турк диалектларини классик Чиғатой тилига айлантирди. Бу тил бутун Ўрта Осиёда унинг бутун ҳаёти давомида турк маданиятини ифодаловчи умумий тилга айланди ва кейинги асрларда ҳам шундай бўлиб қолди. Бу давр мобайнида Навоийни ўқитарди ва у тақлид объекти эди. Унинг асарлари тенги йўқ ҳисобланарди».

Энди ушбу афоризмни бошқа тилдаги вариантларини ҳам кўриб чиқамиз.

Немисча варианты:

**Mench seip, das sind, nicht Kiaeider stoly und fein,*

Wer damit grobtur, ist eгЬdгmHсЬ klein.

Русча варианты:

**Коль сам ты человек, тем словам звать не смей*

Того, кому чужда печать других людей.

Французча варианты:

**Le merite n'est pas dans mise elegante,*

Indinge du nom d'homme est celui qui s'en vante.

Бу вариантларни кўриб чиқиб, мен шу хулосага келдимки, берилган

афоризмнинг инглизча, немис ва французча вариантлари, асл нусхадан эмас, балки русча вариантдан айнан олиб таржима қилинган, яъни ўзбекча - русча - инглизча (французча, немисча).

Ўзбекча вариантда 46 ҳарф, 21 бўғин ишлатилган, энг кўп «и» ҳарфи қўлланган ва у маънода урғуси каби сўзнинг маъносини кучайтирган.

A man without virtue is virtually dead?

Like a body from which the spirit has led

Юқорида биз Алишер Навоийнинг Маргарет Ветлин томонидан қилинган саралаб олинган ҳикматли сўзлари (афоризмлари)дан 90 тасини намуна тариқасида олдик. Энди бу намуналардан баъзиларини ўзбекча ва инглизча вариантларини олиб, уларнинг таржималарини қиёслаб, лексик ва грамматик хусусиятларини ҳам таққослаб, бу юзасидан ўз фикр мулоҳазаларимизни ёритамиз. Алишер Навоийнинг одамгарчилик нуқтаи назаридан ёзилган ушбу кичик байтни кўриб чиқамиз:

Одами эрсанг, демагил одами,

Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

If thou art a Man, call not him your equal,

Who is careless of the needs of the people.

Инглизча вариантида жами 66 ҳарф, 22 бўғин ишлатилган бўлиб, «е» ҳарфи энг кўп қўлланган. Ўзбек тилида сўзлар сони 9 та, инглиз тилида эса 19 та (шундан 3 таси артикль, 2 таси предлог).

Ўзбекча вариантдаги «одами» сўзи икки маротаба қўлланган, инглиз тили вариантида эса «*art a man*» шаклида фақат бир маротаба қўлланган.

Ўзбекча вариантида «одами», «ғами» қофиядош сўзлар бўлса, инглизча вариантида «*equal*», «*people*» сўзлари ўзаро қофиядош сўзлардир. Иккала вариантда ҳам ушбу афоризм шарт эргаш гапли кўшма гап шаклида берилган, яъни мазмуни «*агар одам (ҳақиқий инсон) бўлай десанг, халқ ғамини е*»ни ифодаламоқда.

Ҳозир биз шаклан бир-бирига мос келадиган учта афоризмнинг таржима вариантини кўриб чиқдик. Бироқ шундай афоризмлар ҳам

мавжудки, улар шаклан таржимада фарқ қиладилар, яъни оригиналдаги шакл таржимада қисқаради ёки аксинча, бу албатта сўзни ихчам ва қоидали ишлата билишга боғлиқ.

Жумладан, қўйидаги мисолни кўриб чиқамиз:

**Шоҳки иш адл била бунёд этар,
Адли бузук мулки обод этар.
Элга шараф бўлмади, жаҳлу насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.*

Инглизча варианты:

** It is not high title that wins veneration,
But care and regard for the humble station.*

Русча варианты:

** Почет и честь-не в знатности и званье,
А в скромности и честном воспитанье.*

Яна бир мисол:

** Кўп демак сўзга мағрурлик
Ва кўп емак нафсга маъмурлик.
Карам ва мурувват ато ва аnodурлар,
Вафою хаё икки ҳамзод фарзанд.*

Инглизча варианты:

** Nobility and Liberelity make a handsome pair,
Modesty is their son and heir.*

Русча варианты:

** Велеречивость - гордость болтуна,
В обжорстве - низость олчности видна.
Великодуще-отец нам, щедрость - мать,
А скромность ты должны их дочерью считать.*

Энди эса бунинг аксини қўйидаги мисолларда кўрамиз:

Илм Навоий, сенга мақсад бил,

Эмдиким илм ўлди, амал айлазил.

Русча варианты:

** Стремился к знаниям всю жизнь ты, Навои,-*

Так мерюю всего будь знания твои.

Инглизча варианты:

** To the gaining of knowledge hath thy powers been appied, Navoi,*

Having gained it, let knowledge be thy guide Navoi.

Conciet makes a man loquacious,

Greed makes a man voracious.

Яна бир мисол:

** Билмаганни сўраб ўрганган олим,*

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Русча варианты:

** Спроси у сведующих то, в чем не просвещен,*

И тем докажешь ты, что истенно учен

И коль не спросишь их, то после -плачь - не плачь

Невеждой и умрешь: тьг сам себе палач.

Инглизча варианты:

** If something there be which thou knowest not,*

Ask it of him who that knowledge hath got.

If thou ask it not because of thy pride,

Thou chasteneth thyself, and scornest beside.

Юқорида қайд этилган мисолларни таҳлил қилиб чиқаймиз. Улар ўртасида ҳам лексик, ҳам грамматик хусусиятларига кўра катта фарқ борлиги кўриниб турибди. Фикримизни изоҳлаб бераман. Биринчи галда шаклан оригинал кенг, таржимада эса, ихчам ҳолда олинган.

Аввалам бор, оригиналда олинган «шоҳ» ва «халқ» образлари таржимада тушириб қолдирилган.

Иккинчидан, «*Шоҳики иш адл била бунёд этар, адли бузуқ мулкни обод этар*» қўшма гапдан иборат жумла таржимада «*It is not a high title that wins*

eneration» содда гап шаклида ўқувчига етказиб берилган. Ёки «*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб, лек шараф келди ҳаёу адаб*» жумласи, таржимада ёлғиз, «*but care and regard for the humble station*» содда гапи билан берилган.

Учинчидан, «*Элга шараф бўлмади, жоҳу насаб*» жумласи, таржимада услубий бўёқдорликка эга эмас, балки оддий, халқ учун тушунарли сўзлар «*It is not a high title that wins veneration*» билан ифодаланган, бироқ бу матн мазмунининг бузилишига, тамоман ўзгаришга олиб келди, дегани эмас.

Энди оригиналда шакли қисқа, таржимада эса кенгайиб берилган кўйидаги афоризмни таҳлил қилайлик:

* *Билмаганни сўраб ўрганган олим,*

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Инглизча таржимаси:

If something there be which thou knowest,

Ask it of him who that knoweledge hath got;

If thou ask it not because of thy pride

Thou chasteneth thyself, and scornest beside.

Ушбу афоризм кўйидагича кўринишлари билан фарқланади:

Биринчидан, оригиналда берилган «*Билмаганни сўраб ўрганган олим*» содда гапи таржимада «*If something there be which thou knowest, ask it of him who that knoweledge hath got*» (шаклидаги) шарҳ эргаш гапли кўшма гап шаклида ўгирилгани). «*Орланиб сўрамаган ўзига золим*» жумласи эса худди шундай «*If thou ask it not because of thy pride, thou chasteneth thyself, and scornest beside*» тарзда кўшма гап шаклида ўгирилган.

Иккинчидан, инглиз тили вариантыда афоризмнинг XV асрга хослигини кўрсатувчи архаик сўзлар олинган. Жумладан, ҳозирги кун инглиз адабиётида, адабий тилида учрамайдиган «*thou*» (сени), «*hath*» (Ш-шахс бирликда бор), «*thy*» (сенинг), «*thyself*» (ўзинг) каби олмошлардир.

Учинчидан, оригиналда аниқ бир шахс берилмаган, таржимада эса «*сен*» олмоши берилган. Бироқ, барчамизга маълумки, афоризм (ҳикмат)лар, мақол ва маталлар ҳар учала шахсга қараб айтилган бўлади.

Тўртинчидан, таржимада услубий бўёқдорлиги юқори ранги билан ажралиб турувчи сўзлар билан берилган. Жумладан, «*chasteneth*», «*scornest*» каби сўзлар.

Умуман олганда, афоризмлар таржимаси яхши қилинган. Матн мазмуни айримларида бир оз узоқлашган бўлса-да, лекин ўқувчига ўша маънони бера олади. Таржимада қийинчиликларга асосан кўчма сўзларда дуч келинган, сабаби эса битта - инглиз тилида айнан шу иборага мос иборани, сўз бирлигини топиш қийин. Шунга кўра, мазмунан яқин бўлган сўз бирлиги олинган ёки сўзма-сўз таржима асосида ўгирилган.

Бу таржималарнинг кўпида аслиятдаги руҳ айнан аксини топмаган бўлишига қарамай, таржимоннинг Алишер Навоий афоризмларини инглиз ўқувчисига имкони борича гўзалроқ қилиб етказишга жазм қилганлиги эътиборга лойиқдир. Бинобарин, асар нусхадан таржима қилинмас экан, ундаги руҳ аслиятдан узоқлашиб қолиши табиий. «Таржима асл нусха билан қиёсланаркан, унинг қанчалик аниқлиги ҳақида гапирганда, юз фоиз мосликни талаб қилиб эмас, балки қанчалик яқинлигига қараб фикр юритиш лозим. Таржима аниқлиги, унинг эстетик таъсир қиймати оригиналга нечоғлик яқинлигига қараб баҳоланади» [Саломов ва Комилов, 1979.154-155 бб].

Дарвоқе, Ветлин таржимаси гўзал оҳангдор чиққан, лекин бир оз матн мазмунидан йироқ. Демак, таржимон ҳам таржима жараёнида асл нусхадаги сўз ёхуд иборага мос келадиган тил бирлигини тўғри танлаши керак. Улардан бирортаси таржимада ноаниқ берилса, иккинчи тилдаги матн мазмунига салбий таъсир қилади.

3.3. Алишер Навоий афоризмларининг луғавий - қиёсий жиҳатдан таҳлили

Алишер Навоийнинг афоризимларида қўлланилган ҳар бир сўз ва ибора ўзига хос ранг-баранг кўринишларда-захирий ва ботиний маъноларда санъаткорона ишлатилган. Шоир ўз ижодида қадимий туркий ҳамда араб ва форс тилларидаги сўзлардан ҳам унумли фойдаланган. Жонли халқ тили асосида адабий тил имкониятларини кенгайтирган.

Алишер Навоий асарларида мажозий сўзлардан маҳорат билан истифода этилган. Хусусан, унинг том маънодаги мажозий достони «Лисонут-тайр»дан олинган ҳикматларида бу воситанинг хилма-хил кўринишлари мавжуд. Масалан, асарга келтирилган биргина «*давлат*» сўзига эътибор берайлик-а. «*Давлат*» сўзи турли ўринда мажозан ишлатилади:

1. «подшоҳлик, ҳукмронлик».
2. «ҳукумдор салтанати».
3. «бахт, иқбол, маҳсад».
4. «бойлик, хазина».

Шундай қилиб, биз юқорида келтириб утилган фикрларимизга таяниб, шоир қаламига мансуб афоризмлар, афоризмли бирликлардан бир нечасини қиёсий таҳлилин кўриб чиқамиз ва тадқиқотимиз натижаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини санаб ўтамиз. Биз шоир афоризмларига мурожаат этар эканмиз, уларнинг ички маъноларини чуқур англаб етишимизга ва шундагина тадқиқотимиз натижалари юзага қалқиб чиқиши мумкин деган хулосага келишимизга имкон туғилади. Албатта, бир қанча олимлар томонидан ўрганилган шоир афоризмлари унинг асарларидан териб олингани барчамизга маълум, демак шоир ўз афоризмлари билан асарарида панд-насиҳат, хулоса ўрнида кўпроқ фойдаланганлигини кўрамиз.

Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган Алишер Навоий афоризмларининг луғавий тавсифини таҳлил қилар эканмиз, бундан юқоридаги фикрларимизнинг қанчалар тўғрилигини кузатамиз:

I. Ўзбек тилида инверсия (сўз тартибининг ўзгариши) ҳодисаси кўп

учраса-да, инглиз тилида аксинча, сўз тартибига қатъий риоя қилинади, яъни инглиз тили системасида кўйидагича сўз тартиби SVO [subject-verb-object] кузатилса, ўзбек тили системасида эса SOV [эга - тўлдирувчи – кесим] кузатилади. Биз ушбу ўзгаришларни Алишер Навоий афоризмлари таржималарида ҳам кўрамиз.

* *Ҳар кишиким бировга қазигай чоҳ,*

Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 18 б.]

* *He who digs a hole for others as a share,*

Himself will find entombment there

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 96 б.]

Ушбу Навоий афоризмларида таржимон тилшунос кўпроқ мисра охиридаги сўзларнинг мос келиши (қофиядош)га эътибор берган. Ўзбек тилидаги *ҳар кишиким* белгилаш олмоши инглизча вариантида *He who [у ким]* шаклида берилган. Шунингдек ўзбек тилида жўналиш келишиги шакли берилган бўлса, инглиз тилида унинг ўрнида *for [учун]* кўмакчиси ишлатилган. Кейинги қаторда эса *чоҳ уза* сўз шакли ўринда *there [ўша ерда]* сўзи шакли кўлланган. Ўзбек тилидаги *тушкай* феъли ўрнида инглиз тилида *find [топади]* феъли кўлланган. Худди шундай ўзгариш *бировага* сўз шаклининг инглиз тилида *others [бошқаларга]* сўз шакли билан алмаштирилган ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилида биринчи қатор (мисра)да 5 та сўз шакли ишлатилган бўлса, инглиз тилидаги вариантда 7 та сўз шакли кўлланган. Иккинчи қаторда эса сўз шакллари миқдори мос келади.

Яна шуни айтиш мумкинки, бадиийлик нуқтаи назаридан қаралса, афоризмнинг асосий мазмуни ўз ифодасини топган бўлса ҳам, айрим сўзларни тўғри танлай олмаслик натижасида, маълум даражада бадиийликка путур етгандек туюлади. Жумладан, Алишер Навоий *чоҳ* сўзини икки марта, ҳар икки қаторда қўллаш орқали таъкидни анча кучайтирган, оҳангдорлик бошқачароқ тарзд, ёқимли, кучли ифодаланган.

* *Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,*

айламак осон эмас, ҳаққин адо минг ганж ила.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 96 б.]

** If thou hast been taught but one letter of wisdom,*

How, shalt thy tutor be paid?

If the treasure thousands of coffers were offered,

Recompense poor would be made

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 76.]

Ушбу Алишер Навоий афоризмининг инглиз тилидаги варианты билан қиёсини таҳлил қилар эканмиз қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

Биринчидан, инглиз тилида ўзбек тилидагига нисбатан кўпроқ сўз шакли ишлатилган, ўзбек тилидаги икки мисра инглиз тилида тўрт мисра орқали ифодаланган. Инглиз тилида ўзбекча вариантида берилмаган *агар [If], у [thou], лекин [but], қандай [how], ўша [thy], ўқитувчи [tutor], сандиклар [coffers], тақдир этилган [were offered], муқофот [recompence], кам [poor]* каби сўз шакллари қўлланилган. Ўзбекча вариантида берилган *ҳақ йўлида* сўз шакллари инглиз тили вариантида берилмаган, *ранж ила* сўз шакли *of wisdom* [доналикда] билан алмаштирилган, *Ким сўзи шакли эса ўша ўқитувчи [thy tutor]* билан, *ҳаққин адо айламок эса [be paid] тўланмок, минг ганж эса минглаб сандик хазиналар [the treasure thousands of coffers],* билан алмаштирилгани кўрамиз. Иккинчидан, ўзбекча вариантда эга эргаш гапли қўшма гап инглиз тилида шарт эргаш гапли қўшма гап билан берилган.

** Кимки ўзи айлади ёлгон сўзин,*

Кизб дер эл чин деса қалгон сўзин.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 12 б.]

** Once a man is known to lie and to deceive,*

Though he tells truth no one will believe.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 87 б.]

Ушбу афоризмда ҳам юқоридагилари каби сўз шакллари алмашган

ўринлар мавжуд. Жумладан, *кимки сўз шакли киши [a man]* билан, *эл эса ҳеч ким [no one]* билан, *кизб дер эса [no believe]* ишонмайди билан алмашган. Ваҳоланки, ўзбекча вариантыда берилмаган сўз шакллари инглиз тилида учрайди. Жумладан, *once [бир марта], is known [танилган], to deceive [алдашга], though [ҳам], he [у], no one [ҳеч ким]* кабилар. Ўзбек тилидаги вариантда берилган биргина «ёлгон» сўз шакли инглиз тилида мисралар қофиясини мос келиши учун икки сўз билан алмаштирилган, яъни *to lie* ва *to deceive* билан берилганлигини кўрамиз.

Яна бир Алишер Навоий афоризмини кўриб чиқамиз:

** Тузлик эрмас шифосию вояси ҳам,*

Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 13 б.]

** A purple drop leaves a purple stain*

Dirty business brings dirty gain.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 81 б.]

Ушбу афоризмда ҳам худди юқоридаги каби ўзгаришларни сўз шакллари алмашганлигини кўрамиз. Инглизча вариантыда услубий бўёқдорлик мавжуд, таржимада ўхшатишга мурожаат қилинган, яъни биринчи мисра "Бинафшаранг томчи ўзидан ўзидан *бинафшаранг из [бўёқ изи]* қолдиради", худди шундай иккинчи мисрада "*Қора [ифлос] иш*", "*Қора [ифлос], фойда [даромад] келтиради*" дейилган. Ўзбекча вариантыдаги "*тузлик эрмас*" - "*яхши эмас*" ҳам худди инглизчадаги каби эгриликнинг оқибатига ишора қилмоқда. Бундай ўхшатишлар орқали афоризм мазмунини бериш таржимон -тилшунос учун осонроқ кечганини кўрамиз.

Баъзан инглиз тилида ўзбек тилига, айнан ўзбек миллатига хос сўз шакллари учраб турадики, уларни таржима қилиб бўлмайди, балки таржима қилинаётган тилдаги шунга яқинроқ сўз шакли ёки ибора танланади. Бу эса таржимондан халқнинг миллий-маданий хусусиятларини билишни талаб

этади.

*If thou hast been taught but one letter of wisdom
How shalt thy tutor be paid?*

*If the theasure thousands of coffers were offered,
Recompense poor would be made*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 77].

а) **Кимки ўзи айлади ёлгон сўзин,*

Қизб дер эл чин деса қолгон сўзин

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 12 б.]

* *Once a man is known to lie and to
deceive,*

Though he tell thruth, no one will believe

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 87 б.]

б) **Тузлик эрмас шифосию вояси ҳам,*

Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 13 б.]

**A purple drop leaves a purple stain,*

Dirty business brings dirty gain

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 81 б.]

с) **Бўлмас одобсиз кишилар аржуманд,*

Паст этар ул хайлни чархи баланд

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 13 б.]

**The ignorant are help not in respect,*

Scorn and contempt is all they can expect

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 82 б.]

d) **Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки эрур ёрлиг иш*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 15 б.]

**Know, all human kind: The greatest curse is
enmity the greatest blessing – amity*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 83 б.]

e) ** Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоқки, кўнгул Каъбаси*
[Парда,2000,35 б.]

Биз тилшуносликда учраб турадиган бундай тил муаммоларига Алишер Навоий асарларида айниқса дуч келамиз. Сабаби, биринчидан, Алишер Навоий асарларининг ёзилиши даври, Шарқ анъаналарининг ўзига хослиги, иккинчидан Ислом динининг кучли таъсири каби масалаларга боғлиқлигини кўрамиз.

**Kaaba is the kibra of world to worship and pray,
It has no value if Kaaba is not in your soul and spirit*
[Сулаймонов ва бошқ., 1968,131 б.]

f) **Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Ва орланиб сўрамаган ўзига золим.*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 36 б.]
*He be a scholar who ask what he knows not,
He be on evil doer for himself if of shame he asks*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 133 б.]

g) **Нега ганж ичра бўлса гавҳару дур,
Кўрки бордур анинг калиди темур.
Қулф очарда гадою соҳиби тож,*

Тенг бўлурлар камиди муҳтож

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 39-40 б.]

**Be there pearls and diamonds in any treasures,*

The key to them is made of iron,

When opening the lock be a beggar or a king.

Both equally need the key.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 132 б.]

h) * *Эрусен шоҳ-агар огоҳсен сен.*

Агар огоҳ сен сен-шоҳсен сен

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 42 б.]

You be a king should you be always aware,

If you are always aware, King you are

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 136 б.]

II. Биз луғавий қиёсини ўрганаётган ўзбек ва инглиз тиллари ўртасидаги типологик, морфологик фарқлар ҳам борлигини кўриб чиқамиз. Ўзбек ва инглиз тиллари турли морфологик типларита тегишлидир. Тилларнинг морфологик ёки типологик классификацияси биринчи бўлиб А.Шлегель, кейинчалик эса, В.фон Гумбольдт томонидан ўрганилган бўлиб, инглиз тили бошқа кўплаб Хинд-Европа, семит тиллари каби флектив тип тиллар туркумига, ўзбек тили эса бошқа туркий, фин-угор, тунгус-манчжур, корейс, япон, қисман ҳинд ва баъзи Африка тиллари каби агглютинатив тип тиллар туркумига мансубдир. Инглиз тилида от ва феъл сўз туркумлари учун ички флексия характерлидир. Бу тил ходисаси отларнинг кўплик шаклида: man-men, mouse-mice, foot-feet, tooth-teeth ва ҳ; ҳамда феълларнинг ўтган замон шаклида учрайди: write -wrote, bind-bound, give-gave ва б [Буранов, 1983, 171-172 бб]. Бу каби от ва феъл туркумидаги ходисаларни Алишер Навоий афоризмларида ҳам учратиш мумкин. Мисоллар:

a) *The pain of culumny that breaks men 's hearts*

Is like to the agony when life departs.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 85 б.]

*Чун синса кўнгил захм забон оғригидин,
Кам эрмас анинг оғриги эсон оғригидин.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 17 б.]

b) *Character is common, all men have it,*

It is built of natural traits that lead to habit.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 84 б.]

c) *Like to hangmen are physicians who are quacks*

Poison can kill as surely as the axe.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 84 б.]

d) *Sweet seed makes for sweet fruit,*

a bitter root puts forth a bitter shoot

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 83 б.]

e) *Evil and good rock up and down,*

With feet in two boots one is sure to drown

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 70 б.]

f) *Since the best of men must pass through Death's portal,*

Happy is he who makes his name immortal.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 79 б.]

III. Ўзбек ва инглиз тиллари луғавий қиёсидаги яна бир фарқли томони шундаки, улар таркибий таҳлил ва миқдор жиҳатидан ҳам фарқланади. Биз яна бу ҳолатни Алишер Навоий афоризмлари мисолида кўриб чиқамиз.

а) *Қарам ва мурувват ато ва анодурлар,
Вафою ҳаё ҳамзод фарзанд.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 8 б.]

*Nobility and Liberality make a handsome pair
Modesty is their son and heir.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 76 б.]

Биринчидан бу ерда, ўзбекча вариантдаги "ато ва ано" жуфт сўзлар ўхшатиш ўрнида олинган. Инглиз тилидаги вариантида худди шу сўз ўрнида "a handsome pair" (гўзал жуфтлик) бирикмаси олинган. Ваҳоланки, "handsome" инглиз тилида эркак жинсига нисбатан ишлатилади. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қандай қилиб "икки гўзал эркак"дан „son and heir" яъни "ўғил ва меросхўр" зурриёд қолиши мумкин? Агар, бу ухшатилаётган "ота-она" жуфт сўзининг ўзи айнан олинса, ҳам маънога путур етмас эди-ку.

Иккинчидан, ўзбекча вариантдаги иккинчи қатордаги "вафою ҳаё" жуфт сўзининг фақат биргина инглиз тилига ўгирилган яъни бунда "вафо" тушириб қолдирилган. Оригиналда эса автор "ота-она"нинг ҳамзод фарзандлари (эгизаклар)и борлигини айтмоқчи бўлган. Бизнингча, сўзларнинг танланишида таржимон афоризм маъносига путур етказган, китобхонга айнан оригиналдагидек етказиб бера олмаган. Яна бир мисол олсак.

*Ҳар кимсаким айламас ошуқмоқни хаёл,
Ёфроқни ифак қилур чечак боргини бол.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 18 б.]

*He who shows patience and thoughtful design
Turns flowers into honey and grapes into wine.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 87 б.]

Биринчидан, афоризмнинг биринчи сатри таржимадаги сатри билан мазмунан мос, бироқ иккинчи сатрда сўз танлашда таржимон-тилшунос жиддий хатога йўл қўйган. Тўғри, гап мазмунан тўғри келиши мумкин, яъни *"узумдан вино (ичимлик) тайёрлаш мумкин"* лекин оригиналдаги *"ёфроқни ипак қилур"*нинг ўзини олинганда эди, Алишер Навоийга тўғри баҳо берилган бўлур эди.

Иккинчидан, Алишер Навоий замонида ичимликлар ичида *"вино"* бўлмаган, балки *"шароб"* дейилгандир. Афоризм муаллифи ҳеч қачон ҳам яхши, ҳам ёмон маънода бўлса-да, бирор ичимлик номини тилга олмайди. Таржимадаги ўхшатиш эса қўпол чиққанини, сўзлар аниқ танлаб олинмагани афоризм мазмунига, маъносига жиддий путур етганини айтиб ўтишни лозим деб топдик. Ҳатто русча вариантида ҳам таржима ўзбекчадан айнан қилинганини, сўзлар ҳам ўзбекчада қандай бўлса, рус тилига ҳам айнан шундай таржима қилинганлигини кўраимиз. Бу билан агар таржима рус тили воситаси асосида қилинган бўлса ҳам инглиз тилида олинган сўзлар матн мазмунининг бузиб турганлиги кўзга ташланади.

**Кто не спешит за правило возьмет,
тот снимает с листьев шелк, с тычинок
мед.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 53 б.]

Яна бир мисол олайлик:

*Қардошинг эмас, улки қўйиб бош сенга
давлат чоғи қилгай ўзин қўлдош сенга.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 18 б.]

*Нет, тот не друг, кто, ревностный к услугам,
Когда лишь ты богат, зовется другом.*

*Can a man be counted a friend
Who is gone when benefist and?*

Энди биринчи мисранинг инглиз тили вариантини олсак, бу ерда яна сўз танлашда хатоликка йўл қўйганлигини кўрамиз. Сабаб “count” (санаш; ҳисоб-китоб қилиш) сўзини *consides* (ҳисоблашмоқ; кимгадур ўз ҳурматини намоиш этмоқ, кўрсатмоқ) билан алмаштириб ишлатилиши.

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, қандай қилиб биргина дўст сонини “*a friend*”ни худди бармоқдек санаб чиқиш мумкин? Уни “*дўст*” ҳисобида кўриш унга нисбатан ҳурматда бўлиш бу энди масаланинг асосий томони, яъни Алишер Навоий берган афоризм мазмунига айнан мос келадиган сўз.

Энди ушбу афоризмнинг иккинчи мисрасига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, кўп халқ оғзаки ижодида ҳам шунингдек Алишер Навоий афоризмларида ҳам дўстни ё оғир кунингда, ё пулинг, бойлигинг тугаганида синалиши айтиб ўтилган, лекин ҳеч қачон “*фойданг*” тугаганда сендан воз кечган дўст ҳақида гапирилмаган. Сабаби, ушбу афоризм иккинчи мисрасидаги “*давлат*” сўзи таржимада “*benefist*” фойда, сўзи билан алмаштирилишига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, мазмун жиҳатидан сўзлар яна тўғри танланмаганиганига амин бўламиз. Чунки давлат - бу бойлик, хазина, пул бўлиши мумкин, бир кун келиб бу бойлигинг, пулинг, хазинанг тугаши мумкин, лекин фойданг бировга кейин ҳам тегиши мумкин демоқчиманки, инсоннинг ақл маҳсули бўлган миясидан кучли бўлса жисмоний меҳнатидан ҳоҳлаган пайтда фойдаланиш мумкин. Демак, хулоса шуки, ўзбек тилидаги “*давлат*” рус тилидаги “*богатство*”, инглиз тилида “*treasure*” билан берилганида эди, сўзлар мазмун жиҳатидан тугри танланган бўлар эди.

Яна бир афоризмни таҳлил қилиб кўрайлик.

* *Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,*

Ва лекин бири туз, бири анд эрур.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 17 б.]

** Толченный сахар с солью - очень схожи,*

Но соль и сахар - не одного и то же.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 17 б.]

** Sugar is to salt as brother is to broher,*

But was to him woe takes one for the other.

Бу афоризмнинг ҳар учала вариантини сўзма-сўз қиёслайдиган бўлсак, икки ўзбек ва русча вариантларидаги сўзлар худди узукка кўз қўйгандек тўғри танланганлигини кузатамиз, бироқ яна инглизча вариантида сўзлар номуносиблигига дуч келамиз. Эътибор берайлик-а, Алишер Навоий нима демоқчи? Ушоқ қанд (шакар) билан туз ҳам шаклан, ҳам рангининг оқлиги билан бир-бирига ўхшайди, лекин улардан бирининг таъми шўр, бири эса ширин, яъни бу халқимиздаги бир мақолга тенг келади: “*Ҳамма ялтираб кўринган нарса ҳам олтин бўлавермайди*”. Инглиз тили вариантида “*ушоқ қанд*” ва “*шакар*”ни ўхшатишганлигини худди ака -ука сингари “*as broher is to brother*” деб олинган. Қандай қилиб, “*қанд*” билан “*туз*” бир-бирига шу даражада яқин қондош бўла олсин?

Энди иккинчи мисрага эътибор берайлик-а:

But was to him woe takes one for the other. - Кимки биридан бошқаси ўрнига фойдаланса ҳолига войдир.

Биринчи мисрадаги ўхшатиш шундай кучлики, натижада бу икки жисм бир туркумга мансуб, бирини биридан ажратиш мушкул. Бироқ иккинчи мисра бунинг тамоман акси, сўз танлашда қандайдир мантиқий хатоликка йўл қўйилганки, натижада сўзнинг гўзаллигига, афоризм мазмунига путур етган. Агар “*ака - ука*” ўрнига бошқа “*тоға-жиян*” ёки шунга ўхшаш қариндош олинганида эди, бу ўхшатиловчи сўзлар иккинчи мисрадаги сўз

маъноларига зид келмас эди.

Яна бир мисол:

**Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.*

Бу ерда "қулоқнинг дури шаҳвори" кўчма маънодаги ўхшатиш. Бу билан автор "сўз-қулоқнинг зираги" демоқчи, қулоққа ҳар қанча қимматбаҳо зирак тақсанг, у шунчалик оғир, шу аъзога озор беради, лекин қанча кўп сўз тингласанг ҳам агар сен учун фойдали бўлса эшитиб чарчамайсан, яна шундай фойдали, ширин сўзни эшитишга муштоқ бўлаверасан, демоқчи. Энди инглиз тили вариантыда сўзнинг маъноси қай даражада етказиб берилганини кўрамиз.

** The ear is burdened by jade and malachite,
But pearls of wisdom give the ear delight.*

Сўзнинг "қўлоқни дури шавҳари" га ўхшатилишига инглиз тилида яқин "сўз" ишлатилмаса -да, асосий нуқта "қулоқ" бўлиб қолган. Қулоққа ёқадиган "pearls of wisdom" "ақл гавҳари" бирикмаси олинган.

Яна бир мисол:

** Маъдани инсон гавҳари сўз дурур,
Гулишани одам самари сўз дурур.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 12 б.]

Бу ерда Алишер Навоий яна сўзга таъриф бериб уни "маъдани инсон гавҳари", "гулишани одам самари"га ўхшатишлар билан берилганини кўрамиз:

** Words are diamonds hewen by the toil of the soul
Words are flowers grown in the soil of the soul*

IV. Алишер Навоий афоризмларида кўчма маънодаги тасвирий ифода воситалари(бирикмалари)дан ҳам фойдаланганлигини кўрамиз. Жумладан куйидаги афоризмларни мисол тариқасида келтирамиз ва бу кўчма маънони тасвирий ифодаларнинг инглиз тилида қай даражада берилганини курамиз.

**Бировким бўлур бир оёқ ош учун қул,
Юзига керакдур қозоннинг қароси*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 1 б.]

Бу ерда “*бир оёқ ош*” манфаат, мансаб, бир коса маъносида келмоқда. Ҳозирги кунда бу бирикма кўчма маънода ҳам қўлланади. Таржимада биз бу сўзма-сўз ўгирилганини кўрамиз.

** If for mere pottege a man becomes a slave,
Let the soot off the pot bard him as a knave.*

Инглиз тилида ҳам бу кўчма маъноли бирикма “*бир идиш (қозон)*” тарзида олинган.

Яна бир мисол:

** Бу гулишан ичра йўқдир бако гулига сабот,
Ажаб соадат эрур қолса яхшилик била от.*
[Сулаймонов ва бошқ.,1968, 10 б.]

Бу ерда «*бако гулига сабот*» - «*ўтқинчи умр*» маъносида келган. Энди инглиз тили вариантыдаги айнан шу тасвирий ифода қай даражада китобхонга етказиб берилганини кўрамиз.

** Since the best of men much pass through Deaths
Happy is he who makes his name immortal.*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 79 б.]

Ушбу афоризмда биринчи мисрада берилган «*бако гулига сабот*» (ўткинчи умр) инглиз тилидаги вариантида "*deaths partal*" (ўлим дарвозаси) билан алмаштирилган Алишер Навоий ўз афоризмларини бадий бўёқдорликка бой ҳолда яратган "*Чунки у оламни, инсон умрини гулшан*"га ўхшатади, тенглайди, "*бако гули*" эса "*беш кунлик дунё*"га ишора холос, яъни бу оламда ҳечким, ҳеч нарса абадий эмас, бу дунёга ҳеч ким устун бўла олмайди" деган мазмун ётади.

Инглиз тилида бу каби бадий бўёқдорлик, сўз ўйини билан берилмаган бўлса-да, асосий мазмун китобхонга етказиб берилган.

Шунингдек, Алишер Навоий афоризмларида халқ мақолларига айнан мувофиқ келувчи, уйғун ҳикматли сўзлари инглиз тилида акс этганми, йўқми кўриб чиқамиз. Алишер Навоий ўткир сўз устаси, у ўз ижодида нафақат ўзи яратган, ўз услубига хос сўз бойлигидан, балки ишларини оммага янада тушунарли, мазмунли ва жозибали бўлиши учун халқ оғзаки ижодидан ҳам кенг фойдаланган. Биз бу борадаги ишимизни афоризмларнинг икки тиллик тизимида кузатдик. Жумладан,

** Бу гулшан ичра йукдир, бако гулига сабот*

Ажаб саодат эрур колса яхшилик била от

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 10 б.]

Ушбу афоризм "*Яхшидан-от, ёмондан дод қолур*" халқ мақолига қисман мувофиқ келади.

Энди инглиз тилидаги вариантини кўриб чиқамиз.

** Since the best of men must pass through deaths partial
Happy is he who makes his name immortal*

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 79 б.]

Инглизча вариантыда маъно "хамма яхши кишилар ўлим билан барибир юзма-юз келадилар, лекин ким номини "бу" дунёда абадий қолдирган бўлса, ўша одам бахтлийдир"га тенг келади. Албатта, бу ерда "яхши ном, от" тилга олинмаса-да, "энг яхши кишилар"нинг тилга олиншининг ўзи кифоя. Чунки яхши одамдан фақат яхши от қолиши ўқувчига маълум.

Яна бошқа бир афоризмни таҳлил қилиб чиқамиз.

** Ким кинавар улса, иста андин қочмоқ*

Нечунки зарур дурур ёмондин қочмоқ.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 11 б.]

Ушбу афоризм "Ёмондан қоч, яхшига ёндош" халқ мақолига кўпроқ тўғри келади.

Энди худди шу мисраларни инглиз тилида қай тарзда берилганини кўриб чиқамиз.

** From the envious ant spiteful run away;*

Between you put a gulf without delay .

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 15 б.]

Бу ерда "сурбет ва ёвудан қочиш учун ўртангга тирговучи (кўприги) йўк девор (бўғоз) қўйгин (ўрнатган)" деган мазмун акс этган. "Яхшига ёндош" иш инглизча вариантда акс этмаган бўлса-да, бироқ "ёвуз, сурбетдан қочиш" кераклигини ўзи ўша маънони ҳам беради деб ўйлаймиз.

Ўзбек халқ мақоли асосида яратилган яна бир афоризмни ҳам ўзбекча, ҳам инглизча вариантларини кўриб чиқамиз.

** Мувофиқ шева золим дўстлардин*

Мухолиф табъ душманлар кўп ортуқ.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 10 б.]

Ушбу афоризм *"Ақлли душман - ақлсиз дўстдан афзалдир"* халқ мақолига ўхшаб кетади.

Инглиз тилида бу қуйидагича берилган:

** Prefer an enemy taciturn and cynical.*

To a jovial friend who is hypocritical.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 11 б.]

Бу ерда *"Кимки икки юзламачи, писмиқ ва юзсиз бўлса, қувноқ ва хақиқий эътиборли, обрўли дўстга у душман ҳисобланади"* деган мазмун берилган. Ўзбек тилида эса Алишер Навоий дўст ва душманнинг ўзига хос сифатларини кўрсатиб, *"дўстингни нодондан топгандан кўра ундан воз кечганинг маъқулроқ, хатто у душман бўлса ҳам, ақлли бўлса нодон дўстингдан кўпроқ сенга нафи тегади"*.

Инглизча вариантдаги мазмун ўзбекчадагига мазмунан яқин бўлса-да, лекин мақол инглиз тилида берилган афоризмда тўлиқ акс этмаган. Таржимон бу ерда кўпроқ мисралар охиридаги сўзларнинг охангдош, (қофиядош) бўлимига эътибор берган.

Энди қуйидаги афоризмга тўхталадиган бўлсак, у ҳам *"Нима эксанг, шуни ўрасан"* деган халқ мақоли, нақлига тўғри келади.

**Қачон сочса тупроққа бугдой биров;*

Йўқ имконки ул арна қилгой гаров.

[Сулаймонов ва бошқ., 1968, 18 б.]

Афоризмлар яратишда, Навоий учун энг муҳим манбалардан бири "Қуръон" ва ҳадислар бўлган, - десак хато қилмаган бўламиз. "Ҳадис"да: *"Ўзингга ёқан нарсани бошқаларга ҳам раво қўр!"* деган гаплар бор [Ахлоқ одобга доир ҳадис намуналари, 1990, 16-18 бб.]. Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида бу гап Искандар номидан қўйидагича ифодаланган:

*"Ҳалойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво".*

[Алишер Навоий, Хамса, 839 б.]

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Муқаддас диний китоблар билан яқинлик Алишер Навоийда кўпроқ хулқ-атвор масалаларида кўринади ва буюк мутаффакир шоир ижодида жуда катта ижобий роль ўйнаган.

Алишер Навоий меросини, хусусан, шеърляти, панднома асарларини матншунослик нуқтаи назаридан, жанр хусусиятлари, хронология ва бошқа томонлардан ўрганиши бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилганлигини кўриб чиқдик ва хали кўп қирралари очилмаганлигини гувоҳи бўлдик.

Учинчи бобга хулоса

Биз бу бобда А.Навоий афоризмлари ва уларнинг адабий жараёндаги ўрни, уларнинг чет тиллардаги таржималари ва таржима анъаналарига алоҳида тўхталиб ўтдик. Умуман, афоризмлар қадимдан мавжуд бўлиб келгани ҳолда, уларни XV-XVI аср ўзбек уйғониш даври (Шарқ уйғониш даври) А.Навоий ижодида тутган ўрни ва уларнинг ҳозирги даврдаги йўқолмаган қадри ва аҳамиятини гувоҳи бўлдик. Ушбу бобда олим ва мутафаккирлар фикрларидан ташқари бу ҳақдаги ўзимизнинг янги ва кўшимча фикрларимизни ҳам ёритдик.

А.Навоий афоризмлари нафақат ўзбек адибларини, балки чет эллик олимларни ҳам қизиқтириб келаётган манбадир. Афоризмлар халқ жонли тилидаги мақол, матал, таъбир, иборалар кабиларни билдириб, то ҳозирги кунимизгача халқ тилидан тилига кўчиб етиб келган ва доно маслақдош сифатида халқ тилидан тушмай, аксинча кенг қамровда тарқалган.

Ёзма адабиётда афоризм қисқа, ихчам, аниқ, бадиий - фалсафий жумлаларини, байт ва мисраларни, баъзан кичик парчаларни ҳам ўз доирасига қамраб олган. Жумладан, Алишер Навоийнинг «*Хазойинул маоний*», «*Хамса*», «*Лисон ут тайр*», «*Маҳбуб ул-қулуб*» асарлари ҳикматли сўзларга жуда бой. Унинг «*Назм ал-жавоҳир*», «*Чиҳл ҳадис*» асарлари тўртликларидан ташкил топган ҳикматлардан иборат.

Алишер Навоий афоризмларини тадқиқ қилиш биринчидан, шоирнинг асосий фалсафий қарашларини характерлашга ҳамда ўша давр этика ва эстетикасининг турли томонларини ёритишга кенг йўл очиб берса, иккинчидан, унинг асарлари тилини, бадиий маҳоратини ўрганишнинг энг муҳим қисмини ташкил қилади.

Алишер Навоий афоризмларининг вужудга келишида ўзбек ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижоди энг асосий манбалардан бири бўлди. Ўзбек халқининг, умуман туркий халқларнинг XV асргача сақланиб қолган адабий ёдномалари билан шоир яқиндан таниш бўлганлигини кўрамыз. Чунки А.

Навоий афоризмарининг баъзилари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Ҳайдар Хоразмий, Сайфи Саройи асарларидаги ҳикматли байтлар, мисраларга мазмунан ҳамоҳанг. Баъзи халқларда А. Навоий уларнинг ҳикматларини тўғридан-тўғри келтиради.

Алишер Навоий асарларида келтирилган ҳикматлар кишиларни ахлоқ - одобга маърифатга, сабр-қаноатга чақиради, одамларга панд-насихат, сифатида айтилади. Юксак инсоний идеалларни тарғиб этувчи бу ҳикматлар ўзининг моҳирона бадиий ифодасига эга бўлиши билан олим ва файласуфлар диққатини ҳам ўзига тортади ва бу билан янада қимматлидир. Масаланинг бир томони эса ҳали А.Навоий ҳикматли сўзларининг чет эл таржималари кам сонли ва етарли даражада мукамал эмаслиги бу соҳада кўплаб илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борилишини тақозо этади. Биз бир оз афсусланиш билан шуни таъкидлашимиз жоизки, асли оламшумул аҳамиятга эга бўлган шоир ҳикматли сўзлари таржималари борасида санокли ва кичик ҳажмдаги (кам маълумот берилган) китобчаларнигина мисол келтиришимиз мумкин. Жумладан, 60 йилларда Ҳамид Сулаймон нашрида Навоийнинг ҳикматли сўзлари оригиналда, русча, немисча, инглизча, французча, форсча ва японча таржималари билан; С.Муталлибоев нашри ҳозирги тилдаги баёни билан берилган. Бироқ шундан сўнг кўп йиллар давомида бу таржима жараёни тўхтаб қолганини кўраимиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, А.Навоий афоризмлари, умуман Навоий ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, аста - секин бўлсада, сезирларли силжиш бўлаётганлиги, бу соҳага катта эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Жумладан, 2000 йилда таржимон Йўлдош Парда томонидан нашрга тайёрланган А.Навоий ғазал қитъа, рубоий ва ҳикматли сўзларидан иборат китобча чот этилди. Бу эса шу соҳада бир мунча ютуқларга эришилаётганидан далолат бермоқда.

А.Навоий адабий мероси ўчмас из ва туганмас ҳазинаки, ундан ҳар қанча фойдалансанг ҳам камаймайди, аксинча, унинг ҳали ўрганилмаган, тегилмаган қирралари кўп.

Умумий хулоса

Бадиий адабиётнинг назарий масалалари ичида ижодий метод масалаларига катта аҳамият берилади. Чунки ижодкорлар учун нимани ёзиш ва қандай қилиб ёзиш масаласи ҳамма вақт биринчи даражали масала бўлиб келган. Шу билан бирга, бизга яқин вақтларгача яхши асарларнинг ҳаммаси реализмга тегишли, ёмонлари романтизмга қарашли деб тушунадиган ва «тушунтирадиган» одам кўп эди. Биз ушбу ишимизда Алишер Навоийнинг ижодий методи романтизмга яқин, прогрессив романтик характерда, - деб асослашга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоий ёзишча, Оллоҳ таоло инсонни ҳамма нарсадан улуг қилиб, энг муҳими, ўзига сирдош, ўзига маҳрам қилиб яратган. Буни инсон яхши билиши керак. Инсон вужудида, унинг ақлий ва ҳиссий оламида чексиз куч-қудрат ва олий фазилатлар яширинган. Шу маънода Мир-Алишер Навоий ўз афоризмлари орқали узлуксиз равишда инсонни огоҳийликка, ўзлигини англашга, бутун борлиқ сахнида ҳулқ-ахлоқи билан юксак бўлишга чақиради. Шундай инсонпарварлик гоёсидан келиб чиқиб, у «Лисонут-тайр» асарида шоир инсон зотига мурожаат этиб:

*Ўз вужудига тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.*

Унинг ҳар бир асари маънавий, поклик, фикрий етуклик ва бадиий юксакликнинг буюк мезони сифатида ҳар ҳонадонга кириб бормоқда ва кишилар қалбидан тобора чуқур жой олмоқда.

Алишер Навоий Ўрта Осиёда темурийлар ҳукмронлик қилган даврда яшаб ижод этди. Ўзбек уруғларининг бир давлатга бирлашуви Ўрта Осиёнинг узвий қисмлари - Моварауннахрда ҳам Амударёнинг нарёғи - Хуросонда ҳам ўзбек тилини, ўзбек адабиёти маданиятини ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйди. Баҳор қўйнида гул ва лолалар қийгос очила бошлагандек бутун жаҳонни ларзага солган ўзбек маданияти заминида бир-

биридан гўзал асарлар бирин - кетин пайдо бўла бошлади.

Алишер Навоий диний ва тасаввуф мавзуида ҳам кўп ҳикматлар ёзган бўлиб, улар девонларда, ўзининг дебочада ўқитишга, ҳар хил мавзуларда ҳам кўплаб мазмундор ҳикматлар яратди.

Умуман Алишер Навоий ўз лирик шеърияти билан адабиётимизни беқиёс даражада бойитди. Жумладан, «Хайратул - аброр» достони ахлоқий - дидактик мазмунда бўлиб, улуғ шоир бу асарда ўз давридаги ижтимоий - сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётни донишманд шоир ва мутафаккир сифатида таҳлил этиб, улар асносида кўплаб афоризмлар яратди. Асар асосан 20 мақолалардан иборат бўлиб, шоир жамиятдаги барча ижтимоий табақаларнинг феъл-атворидаги салбий ва ижобий хусусиятларни аниқлашга, ижобий томонларни кишиларга ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади, салбий томонларни эса қаттиқ танқид қилиб, фош этиб, бу нуқсонларни йўқотишга даъват этади. Шоир уларни инсофга, одамийликка, адолатга, олийжанобликка чақиради. Унинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида одамийлик биринчи навбатда туради.

Унингча, ҳақиқий одам бундай бўлиши керак:

Одамий эрсанг демагил одами

Ониким йўқ, ҳалқ ғамидин ғами.

Яна Алишер Навоий насрининг гултожи унинг «Маҳбуб ул қулуб» пандномадаги асар бўлиб, Мавлоно бу асарларида ўз ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб, бошқаларга сабоқ бўлишини ният қилган. Айниқса, асарнинг учинчи қисмида инсон одоби, сўз одоби, ҳиммат ва саҳоват, ишқ ва вафо ҳақида яратилган ҳикматли сўзлари, халқ донишмандлиги билан ҳамоҳанг панд ва насихатлари ҳамма авлодларга тарбия мактабидир. Унинг адабий ва илмий кишиларимизнинг поклик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

У ўз асарларининг, хусусан шеърий асарларининг мангуликка дахлдор

бўлишини, токи фалак айланиб, кунлар ҳосил бўлаверар экан, инсонларда жамиятга, бутун дунё халқлари орасида тартиб ва интизом ўрнатишга ҳаракат ва хизмат қилишиши орзу қилган эди. Бу орзулар амалга ошмоқда. Буюк шоир доим биз билан. У ҳар соҳада бизга устоз ва ўрнак. Унинг нурафшон адабий ва илмий мероси эса халқимиз учун йўлчи юлдузидир.

Афоризмлар яратишда, Алишер Навоий учун энг муҳим манбалардан бири «Қуръон» ва ҳадислар бўлган, - десак хато қилмаган бўламиз. «Ҳадисда: *«Ўзингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!»* деган гаплар бор [Ахлоқ одобга доир ҳадис намуналари, 1990, 16-18 бб]. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида бу гап Искандар номидан кўйидагича ифодаланган:

*“Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзунгга раво кўрмагани раво”.*

[Алишер Навоий. Хамса, 839 б]

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Муқаддас диний китоблар билан яқинлик Алишер Навоийда кўпроқ хулқ-атвор масалаларида кўринади ва унинг ижодида бундай яқинлик жуда катта ижобий роль ўйнаган десак муболаға бўлмайди.

Алишер Навоий меросини, хусусан, шеърятли, панднома асарларини матншунослик нуқтаи назаридан, жанр хусусиятлари, хронология ва бошқа томонлардан ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилганлигини кўриб чиқдик. Шунга қарамай, биз Алишер Навоий меросини, шу жумладан унинг бой ва ранг-баранг лирик шеърятини тўла ўргандик, деб айта олмаймиз.

Мустақилликка эришгач, энди шоир шеърятини хронологик-тарихий томондан қиёсий ўрганишга имконият очилди.

Собиқ Совет даврида Алишер Навоийга миллатчи, динпараст сифатида қаралиб, асарларини, ижодини ўрганишга йўл қўйилмаган. Бироқ Мир

Алишер фақат мусулмон дини - исломнигина эмас, уни улуғлар билар бир қаторда бошқа динларни камситмаган. “Қуръон” билан бир қаторда “Таврот”, “Зобур”, “Инжил”ни муқаддас, “Осмоний” китоблар сифатида тан олган. Бу ҳақида биз “Садди Искардарий” достонида қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин:

*Чу Мусога “Таврот” этиб ҳақ баён,
Санга ул баён ичра мўъжаз аён.
Бўлуб чунки Довуд қисми “Зобур”,
Сенинг муъжизинг анда айлаб зуҳур.
Чу Исога “Инжил” нозил бўлуб,
Ҳақ онда сифатинга қойил бўлуб,
Камолеки, менден топиб интизом,
Анинг лафз бар лафз муъжиз низом.
Нечаким кутуб осмоний келиб,
Борисида сенден нишонни келиб.*

[Алишер Навоий. Хамса, 625 б]

Бошқа халқлар ва мамлакатларга, динларга нисбатан дўстона ва мўътадил сиёсат олиб бориш XV асрда Хуросон давлатининг обрўсини оширди.

Алишер Навоий лирик шеърларининг бирида дунё халқларига мурожаат этиб, “Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ!” деб ёзган. Шоир ҳамма халқларга бундай дўстона муносабатда унинг “Хамса”сига кирган достонларига ҳам яққол ташланиб туради. Алишер Навоийнинг ўз қахрамонларини турли миллат вакиллари этиб тасвирлашида катта мажозий маъно борки, бунда кўз юмиш мумкин эмас. У ҳеч шубҳасиз умуминсоний кадриятларни иркчилик ва миллий тушунчалардан юқори қўйган.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти учун инсонни янгидан кашф қилди. У ҳатто образларини ўзининг инсонпарварлик идеалларидан келиб чиқиб

чизди. Бу образлар орқали бутун инсониятга оид тараққий парвар ва халқчил ғояларни илгари сурди. Мавлоно шахсиятида ўша даврнинг энг юксак ахлоқ қоидаларини мужассамлаб, ривожлантирган. Бу фазилат ва сифатлар ёшларимиз ҳаёти ва тарбиясида доим юксак наъмуналардан бўлиб қолмоғи керак. Шунинг учун кейинги йилларда Алишер Навоийни ўрганиши яна ҳамизиб бормоқда. Навоийшуносликда мустақиллик шарофати билан муҳим ютуқлар қўлга киритилмоқда. Улуғ шоир ижодини ўрганиш унинг назарий масалаларига ҳам катта аҳамият берилиши қувончли ҳолдир. Шоирнинг фалсафий дунёкараши, ижодий методи, ҳажвий мероси, лирикаси, салафларига муносабати, асарларининг матн хусусиятлари, тили ҳақида монографик тадқиқотлар юзага келди. Улуғ санъаткор ижодининг ўзига хос хусусиятлари унинг бадиий - поэтик услубини ўрганганда янада чуқурроқ очилиши мумкин. Кейинги вақтларда услуб масаласи бўйича адабиётшуносликда бир қанча мунозаралар бўлди, кўпгина тадқиқотлар юзага келди. Лекин бу билан услуб масалаларига тўла ойдинлик киритилди деб айта олмаймиз. Шарқ классикларининг услуби ҳам жуда кўп махсус ўрганилиши, текширилиши керак. Алишер Навоий каби Шарқ муаллифлари услубининг ўрганиш биз учун катта аҳамиятга эгадир, деб ўйлаймиз.

Таржима ҳақида гапирар эканмиз, бу соҳада кўпинча ахборот тарзидагина гапиришга ўрганиб қолганмиз, ким нималар таржима қилганлигини таъкидлаймиз, қолаверса, текстларни қиёс қилиб, уларнинг муқобиллик даражасини белгилаймиз. Аммо замонавий таржима бу одатий маънодаги таржима эмас. Эндиликда таржимани бадиий ижод сифатида баҳолаб, бу соҳада ишимизнинг маънавий потенциали ҳақида гапириш жоиз.

Биз ҳаммамиз бадиий сўзни, адабиётда поэзияни, барча жанрларда илҳомбахш поэтик руҳини яхши кўрамиз. Шунинг учун ҳам таржима қилинган бир адабий сўзга меҳр билан, эҳтиёж билан қараб, бу борада хато ва нуҳсонлардан қаттиқ ранжиймиз. Таржима ишининг моҳияти ва маъсулияти ҳозир шундай юксалдики, энди улар таржима деган одатдаги сўз доирасига сиғмай қолди. Энг яхши таржимонлар аввал узоқ вақтгача

таржима қилинадиган муаллиф образлари ва ғояларининг жонли ҳаёти билан яшайдилар. Бу улар учун шунчаки таржима эмас, катта маҳорат мактаби ҳамдир.

Таржима - сермуаммо санъат. Таржиманинг ҳар бир тури, ҳар бир жанри ўз таржима муаммоларига эга.

Бироқ таржима асл нусхага нисбатан ёмонроқ ёки яхшироқ бўладими, масаланинг моҳияти бунда эмас. Агар биз назарий мунозаралардан амалиётга келсак, дарҳол шу нарсага иқдор бўламизки, таржима асл нусха ўрнини боса оладими ёки йўқми деган баҳсдан қатъий назар, таржима унинг ўрнини асрда, зеро, маданий алоқаларнинг ҳозирги кўлами шароитида бирон миллий адабиётда барпо этилган ҳар бир салмоқдор асар тез орада бошқа тилларга ўгирилади ва шу тарика умумаданий мулкка айланади. Дадил айтиш мумкинки, асарни асл нусхасида ўқийдиганларга нисбатан уни таржимада, тўғрироғи, таржималарда қабул қиладиган китобхонлар сони кўпчиликини ташкил қилади. Ҳозирги кунда биргаликда олиб борилган интилишлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда таржималар сонининг ошиши ҳамда сифати яхшиланаётгани сезилмоқда.

Буюк мутафаккир шоир давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий афоризмлари устида ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида кўп масалаларга тўхталиб ўтишимизга тўғри келди. Биз бадиий адабиётнинг, таржимашуносликнинг назарий масалалари ичида ижодий метод масалаларига катта аҳамият бердик. Чунки тилшунос олим учун нимани ёзиш ва қандай қилиб ёзиш масаласи ҳамма вақт биринчи даражали масала бўлиб келган.

Шу жумладан, Алишер Навоий афоризмларини тадқиқ қилиш биринчидан, шоирнинг асосий фалсафий қарашларини характерлашга ҳамда ўша давр этика ва эстетикасининг турли томонларини ёритишга кенг йўл очиб берса, иккинчидан, унинг асарлари тилини, бадиий маҳоратини ўрганишининг энг муҳим қисмини ташкил қилар экан.

Навоий насрининг гултожи унинг “Махбуб ул қулуб” асаридир. У панднома йўналишидаги асар бўлиб, юқорида кўриб ўтганимиздек, Алишер Навоий бу асарида ўз ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб, бошқаларга сабоқ бўлишини ният қилган. Айниқса асарнинг учунчи қисмида инсон одоби, сўз одоби, ҳиммат ва саҳоват, ишқ ва вафо ҳақида яратилган ҳикматли сўзлар, халқ донишмандлиги билан ҳамоҳанг панд ва насиҳатлари ҳамма авлодларига тарбия мактабидир. Унинг адабий ва илмий мероси кишиларимизнинг поклик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

У ўз асарларининг, хусусан шеърий мазмундаги асарларининг мангуликка дахлдор бўлишини, токи фалак айланиб кунлар ҳосил бўлаверар экан, инсонларда жамиятга, бутун дунё халқлари орасида тартиб ва интизом ўрнатишга ҳаракат ва хизмат қилишини орзу қилган эди. Бу орзулар амалга ошмоқда. Алишер Навоий доим биз билан. У ҳар соҳада бизга устоз ва ўрнак. Унинг нурафшон адабий ва илмий мероси эса халқимиз учун катта аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришгач энди шоир ижодини шу қирраларини хронологик тарихий томонидан қиёсий ўрганишга аста секин имконият очилмоқда. Алишер Навоий ўз шахсиятида ўша даврнинг энг юксак ахлоқ қоидаларини мужассамлаб ривожлантирган. Бу фазилат ва сифатлар ёшларимиз ҳаёти ва тарбиясида доим юксак намуналардан бўлиб қолмоғи керак. Шунинг учун кейинги йилларда Навоийни ўрганиш янада қизиқ бормоқдаки Навоийшуносликка мустақиллик шарофати билан муҳим ютуқлар асталик билан қўлга киритилмоқда. Улуғ шоир ижодининг ўрганишда унинг назарий масалаларига ҳам катта аҳамият берилаётганлиги қувончли ҳолдир. Шоирнинг фалсафий дунё қарашлари ижодий методи, лирикаси, салафларига муносабати асарларининг матн хусусиятлари тили ҳақида манографик тадқиқотлар юзага келганки, улуг санъаткор ижодининг ўзига ҳос хусусиятлари бадиий поэтик услубини ўрганганда янада чуқурроқ очилшшмумкин.

Кейинги вақтда услуб масаласи бўйича адабиётшунослик тилшунослик каби соҳаларда бир қанча мунозаралар давом этиб келмоқда. Кўпгина тадқиқотлар юзага келган. Лекин бу билан услуб масалаларига тўла ойдинлик киритилди деб айта олмаймиз. Шарқ классиклари қатори Алишер Навоий услуби ҳам жуда кўп махсус ўрганилиши текшириши керак. Мавлоно каби шарқ муаллифлари услубини ўрганиш биз учун катта аҳамиятга эгаллигини айтиб ўтиш жоиз. Алишер Навоий афоризмларини тажримаси жараёнида умумий хулосага келар эканмиз, аввало таржимон тилшунос иши устида тўхталамиз. Биз таржима ҳақида кўпгина ахборот тарзидагина гапиришга ўрганиб қолганмиз, ким нималар таржима қилганлигини таъкидлаймиз. Қолаверса текстларни қиёс қилиб уларнинг муқобиллик даражасини юқоридаги боблардагидек белгилаймиз. Бизнинг кунларимизда таржима адабий маънодаги таржимагина эмас. Эндиликда таржимани бадиий ижод сифатида баҳолаб, бу соҳадаги ишларимизнинг маънавий потенциали ҳақида гапириш ўрни келади деб ўйлаймиз.

Ушбу ишни мукамал, ҳар томонлама атрофлича ўрганиб чиққан ҳолда, шу иш мавзуси ва муаммолари доирасида юқорида айтиб ўтилганларидан ташқари қуйидаги хулосаларни киритиш мумкин:

1. Агар биз Алишер Навоий ижодининг манбаларини қанча яхши билсак, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш усулларимизни қанча такомиллаштирсак, улуғ шоир асарларига берган баҳомиз ҳам шунча тўғри ва объектив бўлади.

2. Алишер Навоийнинг амалий фаолиятини яхши тушунишнинг асосий шартларидан бири, мутафаккир шоирнинг поэзия ва прозасининг лексик ва грамматик нормаларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Демак, уни ўрганиш ва тушунишнинг йўлларини ўзлаштириб олишимиз ва бу соҳада кунт билан ишлашимиз лозим.

3. Эндиликда жаҳон адабиётида Алишер Навоийнинг тутган ўрнини белгилаш асарлари таржимасининг Ғарбий Европа ва бошқа тилларга кириб боришини таъминлаш зарур деб ўйлаймиз. Миллий

таржимашуносликда хорижий ғарб тилларига қилинадиган асарлар муҳокамаси тавсияси рўйхатида Алишер Навоий асарларини олдинги ўринга суриш лозим.

Мустақилликка эришгач, миллий-маданий ва маънавий кадриятларимизни тиклаш, адабий меросимизни янада юксалтириш даври, яъни миллий ғоя, миллий мафқурани олға суришга кенг йўл очилган экан, буюк мутафаккир олим, давлат арбоби, ўзбек (туркий) тилимизнинг асосчиси бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ёшларимиз, ўқувчиларимиз таълим-тарбияси учун ғоят муҳим дидактик, одоб-ахлоқ меъёрларини белгилаб берувчи, уларни юксак маънавиятли ва баркамол инсон бўлишига чорловчи ҳикматли (афоризмлари) сўзларини мактаб ва олий ўқув юртлари чет тили фанларига киритишни тавсия қилар эдик. Чунки биз Ўзбекистон фуқаролари ўзлимиз, миллий мафқураимизни англамай туриб, бу дурдона адабий меросимизни чет элларга етиб боришига, дунё юзини кўришга йўл очиб беролмаймиз.

4. Икки ёки ундан ортиқ қардош ва қардош бўлмаган тиллар орасида қиёслаш методи асосида ўрганилган ишлар юқори сифатига эга бўлгани ҳолда, тилшунослик соҳасида қилиниши керак бўлган кўплаб масалаларда қўлланиши лозим бўлган эскирмайдиган методдир. Алишер Навоий ҳикмат (афоризмлар)ини шу метод ёрдамида таҳлил қилиш натижасида бир қатор ижодий ютуқларга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи. - 1997 йил, 27 август.
2. И.А.Каримов. Миллий мавкура - келажак пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
3. И.А.Каримов . Тарихий хотирасиз келажак йўқи. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон 1999 йил.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлолва тараққиёт йўли. - Тошкент, 1992
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I- сессияси материалларидан.
7. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Маърифат газетаси. 1997 йил 3 сентябрь 2 бет.
8. Таълим тўғрисидаги қонун. - Тошкент 1999 йил, Халқ сўзи газетаси.
9. Алишер Навоий. Хазойин ул маоний куллиёти. Т.; Фан 19972
10. Алишер Навоий ҳикматларидан: чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш. Ўзбекистон. Ватан жамияти. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 .
11. А.Навоий. Афоризмлар. - Тошкент, Узфаннашр, 1941.
12. Алишер Навоий ва Ўзбек адабий тили. - Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972
13. А.Навоийнинг ижодий меъроси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. Илмий-назарий анжуман маърузалари тезислари. - Тошкент, Фан, 2001.
14. А.А.Реформатский. Лингвистические вопросы перевода. - Иностранные

языкившколе, 1952, № 3.

15. А.Рустамов. Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати.- Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
16. А.К.Боровков. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка. – Москва, 1946.- стр. 104.
17. Алишер Навоий. Танланган асарлар. III том. - Тошкент, 1948.- 183-184 бетлар.
18. А.К.Жолковский и др. О принципиальном исследовании в переводе.- М.; 1961.- стр.18.
19. А.Навоий. Маҳбул кулуб. Тошкент, 1971.
20. А.Навоий. Хамса. Тошкент, 1971.
21. Ахлоқ ва одобга доир ҳадис наъмуналари. Тошкент, 1990.
22. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч.Т.13. - М.: Наука, 1965.
23. Б.А.Серебrenиков. Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление.- М.: 1988.
24. В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи.- Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, П-китоб, 1998.
25. В.Ю.Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 1970.
26. В.М.Жирмунский. А.Навоий и проблема Ренессанса в литературах Востока. - М.: Наука, 1967.
27. В.В.Решетов, Основы фонетики, морфологии и синтаксиса узбекского языка.- Тошкент, 1961.
28. Г.А.Климов. Принципы континентальной типологии.- М.: Наука, 1983.
29. Г.Пауль. Принципы истории языка.- М.: 1960 .
30. Г.Пауль. Психолингвистические проблемы семантики. - М.: Наука,1983.
31. Григорьян С.Н. Великие мыслители Средней Азии. - М.; Наука. 1958.
32. Ё.Исҳоқов. А.Навоийнинг илк лирикаси. - Т.: Фан. 1965.

33. Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. - Т.: Фан. 1983.
34. Ж.Бўронов. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий граммтикаси.- Тошкент:Ўқитувчи нашриёти, 1973.
35. Ж.Бўронов. Сравнительная типология английского и тюркских языков.- М.:Высшая школа, 1983.
36. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома.- Тошкент, 1960.
37. Иззат Султон. Алишер Навоий.- Тошкент, 1969.
38. И.Р. Гальперин. Перевод и стилистика.- М.: 1950.
39. J.H.Greenberg. Some Universals of grammar with Particular Reference of the Word Order of Meaningful Elements. // Universals of Language. - Cambrige,/Mass/, M.I.T. Press. 1963.- p.p. 58-90.
40. В. фон Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. М.: 1984.- стр. 324.
41. Йўлдош Парда. Алишер Навоий. Уммондан дурлар. «Шарқ» нашриётматбаа концерни бош тахририяти.- Тошкент, 2000.
42. К.Махмудов. Фнетические и морфологические особенности языка Ҳибат ул - Хакаиқ. Тошкент, 1964.- стр. 4-12.
43. А.Н. Кононов. Опытг анализа термина турк. - СЭ. 1949. №1.- стр. 40-46.
44. Л.Бать. Алишер Навоий, унинг ҳақида. Ҳаёт бўстони. - Т.: 1960.
45. М.А.Белин. Навоийнинг биографияси.- Т.; 1861.- 222 бет.
46. А. Навоий. Танланган асарлар.-Т.:Ш том, 1948.
47. Н.И.Ильминский. Вступительное чтение в курсе турецко — татарского языка.- Казань. 1862. - стр. 27.
48. Сайди Умиров. Сўзшунос. - Т.: Мулоқот, 2001.
49. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и мышление.- М.: 1988.- стр. 198-199.
50. Т.Жалолов. Хамса талқинлари. Т.: Ўздавнашр. 1960.
51. Т.Қодирова. Алишер Навоий.- Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

52. Х.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова, С.Муталибоев ва б. Алишер Навоий Ҳикматли сўзлари. - Т.: 1968.
53. Ю.Эшонқулова. А.Навоий. Афоризмлар.- Т.: 1961.
54. Ғ.Саломов, Н.Комилов. Дўстлик кўприклари.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979 й. 154-155 бетлар.
55. Ғ.Саломов. Тил ва таржима.- Т.: Фан, 1966.
56. Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш.- Т.: Ўқитувчи нашриёти, 1979.
57. Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов. Алишер Навоий тилининг грамматик хусусиятлари.- Т.: Фан нашриёти, 1984.
58. Ғ.Ғафурова. Таржима фанига бугунги талаб. - Ўзбекистон маданияти газетаси, 27 январь, 1996.
59. Ҳоди Зариф. А.Навоий. Афоризмлар.- Т.: 1947.
60. А.С.Ахмедова. Тилшуносликка оид терминлар луғати. Совет энциклопедияси нашриёти.- М.: 1969.
61. В.Раҳмонов. Ўзбек классик адабиёти учун қисқача луғат. - Т.; Ўқитувчи нашриёти, 1983.

Фойдаланилган интернет сайтлар рўйхати

8. http://www.calend.ru/holidays/0/0/1_82/14/
2. <http://www.dissercat.com/content/leksicheskaya-reprezentatsiya-ontsepta>
3. <http://www.lib.ru/SHAKESPEARE/>
4. <http://www.lib.ru/POEZIO/KITS/>
5. http://www.ceninauku.ru/page_14549.htm
6. [spintongues .msk.ru/plath3 .htm](http://spintongues.msk.ru/plath3.htm) 1.
9. <http://www.traduceme.org/profiles/blogs/the-history-of-translation>
10. <http://blog.onehourtranslation.com/translation/the-history-of-translation>
11. http://en.wikipedia.org/wiki/Translation#cite_note-The_Translator_p._83-6
12. [www.newscientists.com/search?rbauthors= Alfonso+F](http://www.newscientists.com/search?rbauthors=Alfonso+F)

13. www.wfdys.org/camp2010
14. FIFA Financial Report 2009, Johannesburg, 9 June 2010, 56
15. FIFA Financial Report 2009, Johannesburg, 9 June 2010, 112
16. [www.time.com/time/sport/Sean Gregory](http://www.time.com/time/sport/Sean_Gregory), 17 June, 2010
17. <http://www.dailymail.co.uk/news/article-1358571/George-Osborne-attacked-by-top-Tory-over-pension-contributions-rise-ESAKnRwK>
18. www.jyh.or.jp/english/index.html